

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

Кўлёзма хукуқида

АЛИЕВА КАМОЛА РАВШАНОВНА

**“АЛ-ҲИДОЯ” АСАРИДА МУЛКИЙ
МУНОСАБАТЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА
СОЛИНИШИ**

5А380103 – Фуқаролик ҳуқуқи; фуқаролик процессуал ҳуқуқи; оила ҳуқуқи;
халқаро хусусий ҳуқук

Ҳуқук магистри академик даражасини олиш учун

ДИССЕРТАЦИЯ

**ИЛМИЙ РАҲБАР: юридик фанлар
доктори, профессор Д.М.КАРАХОДЖАЕВА**

ТОШКЕНТ – 2012

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш

I боб. “Хидоя”да мулк ҳуқуқининг юридик табиати

- 1.1. “Хидоя”нинг яратилиши, тузилиши ва тартиби.
- 1.2. “Хидоя”да мулк ва мулк ҳуқуқи тушунчаси
- 1.3. Мулк ҳуқуқи элементларининг юридик тавсифи
- 1.4. “Хидоя” бўйича мулк шакллари: уларнинг туркумланиш мезонлари ва турлари

II боб. “Хидоя”да мулк ҳуқуқининг субъектлари ва объектлари.

- 2.1. “Хидоя” бўйича мулкдорлар ва уларнинг ҳуқуқий ҳолати.
- 2.2. “Хидоя”да мулк ҳуқуқи объектларининг турларига умумий тавсиф.
- 2.3. “Хидоя”да мол-мулкларнинг кўчар ва кўчмас мол-мулкларга бўлиниши.

III боб. Мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш.

- 3.1. “Хидоя” бўйича мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш усуслари.
- 3.2. Мулк ҳуқуқини бузганлик учун жавобгарлик.

Холосалар

КИРИШ

Мавзунинг долзарбилиги. Мустақил ўзбек давлатчилигини ва миллий хуқуқий тизимини шакллантиришнинг ўзига хос ва ўзига мос йўли бой маънавий-хуқуқий негизларга асосланади. Ўзбекистон давлати ва хуқуқининг пойдевори – миллий давлатчилигимизнинг таянчлари жуда қадимий ва мустаҳкамдир. Бизнинг давлатимиз кўхна Суғдиёна ва Хоразмдан бошлаб, Қораҳонийлар, Хоразмшоҳлар, Амир Темур ва темурийлар давлатлари ва ўзбек хонликларининг давлат бошқарув тажрибасини, халқимизнинг бутун миллий, тарихий, хуқуқий, маънавий амалиётини ҳамда унинг ўз мустақил давлатига эга бўлиш каби асрий орзуларини ўзида мужассамлаштирган. Ҳозир, XXI аср бошида Ўзбекистон Республикаси янги давлатчилигининг қарор топишида умумжаҳон ва миллий давлатчилик тараққиёти қонуниятлари узвий равишда уйғунлашди.

Минтақамизнинг қадимий тарихи ва бой маданияти, бу ўлкада яшаб ўтган аждодларимизнинг жаҳон маданиятини ривожлантиришга қўшган ғоят улкан ҳиссалари ҳозирги кунда ҳам турмушнинг барча жабҳаларига сезиларли таъсир ўтказмоқда.

“Ўтмишдаги алломаларнинг бебаҳо мероси қанчадан-қанча авлодларнинг маънавий-руҳий онгини ва турмуш тарзини шакллантирган эди ва у ҳамон таъсир кўрсатмоқда”¹, — деб таъкидлайди Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов.

Миллий истиқлол шарофати ўлароқ Ўзбекистон ўзининг маънавий-хуқуқий қадриятларини қайта тиклаш даврига, иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳаларда туб ўзгаришлар даврига қадам қўйди.

Ўзбекистоннинг давлатчилиги ва хуқуқи тарихи – ўзбек халқи бой маънавий-хуқуқий меросининг ажralmas таркибий қисми бўлиб, бир қанча авлодларнинг давлат ва ҳокимият, сиёsat ва хуқук, адолат ва тенглик,

¹

бошқарув ва қонунчилик ҳақидаги ғоялари ва қарашларини ўзида мужассамлаштирган. Бу таълимотлар фақат ўтмишгагина тааллуқли бўлиб қолмай, балки ўз қудрати билан бизнинг ҳозирги кунимизга ҳам таъсир ўтказмоқда. Шу туфайли миллий давлатчилик ва ҳуқуқий тизимимиз тарихига қизиқиш сўнгги йилларда ниҳоятда ошди.

Афсуски, мамлакатимизнинг ўрта асрлардаги, хусусан, Мовароуннахр давридаги ҳуқуқи тарихига, фикҳига бағишиланган кўп қиррали йирик асарлар деярли йўқ. Замондошларимиз бўлмиш бир қатор ҳуқуқшунос ва шарқшунос олимлар ҳозирда бу соҳада тадқиқот олиб бормоқдалар. Зеро, ўрта осиёлик фақиҳларимиз жаҳон ҳуқуқий маданияти тараққиётiga қўшган ҳиссасини атрофлича чукур тадқиқ қилиш давр талабидир. Чунки аждодларимизнинг бой ҳуқуқий тажрибаси ва мероси мустақил ўзбек давлати тараққиётiga мустаҳкам пойdevор бўлиб хизмат қилади.

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, “Ер юзида мусулмончилик пайдо бўлганидан буён асрлар давомида дунёning турли мамлакатларида юзлаб олиму уламолар ислом ҳуқуқшунослиги билан машғул бўлиб келганлар”². Бу соҳада ўзи яратган буюк асарлари ва мактаби билан исломий ҳуқуқ асосларини белгилаб берган ва фикҳ илмининг ҳар томонлама ривож топишига улкан ҳисса қўшган буюк ватандошимиз Бурхонуддин Марғинонийнинг ҳаёти, илмий фаолияти, шоҳ асари “Хидоя”, унинг илмий қиммати, жаҳон миқёсида тутган ўрни, шарҳлари, таржималари, кенг кўламда қўлланиб тарқалишига сабаб бўлган қисқартмалари, тадқиқотлари аҳамияти беқиёсdir. Уларнинг бой илмий меросини “ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва тегишли хulosалар чиқариб, замонавий билимлар, бугунги ҳаёт талабларидан келиб чиқадиган тажрибалар билан бойитиш зарур. Ва бу улуғ меросни аввало ўзимиз учун, келажак авлодлар тарбияси учун беқиёс маънавий озиқ деб билмоғимиз даркор”, - дейдилар юртбошимиз.

²

Демак, шу боис ҳам, “Хидоя”асари, унинг илмий қиммати, жаҳон миқёсида тутган ўрни, шарҳлари, бу борадаги илк долзарб тадқиқотлардандир.

Иккинчидан, бугунги кунда фуқаролик хуқуқий муносабатларини тартибга солишда бой тарихий-хуқуқий меросимизни ўрганиш ҳамда ислом хуқуқшунослигининг асослари, бунда фиқҳнинг таърифи, келиб чиқиши ва асосий тараққиёт босқичлари ҳақида сўз борар экан, ислом хуқуқшунослигининг асосий атамалари, уни ўрганиш зарурияти ва услублари ҳамда илк хуқуқий мактаблар бўйича маълумотларнинг тадқиқ этиг ҳам назарий, ҳам амалий аҳамият касб этади. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маъruzасида таъкидланганидек, “юртимизда ўтган йиллар давомида бозор иқтисодиёти соҳасидаги ўзгаришларнинг ишончли қонунчилик базасини шакллантириш борасида амалга оширилган улкан ишлар ҳеч кимга сир эмас, албатта. Буларнинг барчасини эътироф этган ҳолда, мавжуд қонунларимизнинг кўпчилигини уларни қўллаш амалиёти ва мамлакатимизда бозор муносабатлари ривожланишининг ҳозирги даврдаги янги реал ҳолатидан келиб чиқиб, жиддий қайта кўриб чиқиш зарур”dir³.

Учинчидан, ислом хуқуқшунослиги соҳасида ислоҳот тарафдорлари бўлмиш “Хидоя”, унинг илмий қиммати, жаҳон миқёсида тутган ўрни, шарҳларини ҳам ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Жумладан, фуқаролик хуқуқий муносабатларининг ҳар бир йўналиши устида тўхталиб, ҳар бир мавзу диққат билан тадқиқ этилишининг ҳамда бугунги кун муаммолари билан қиёсий ва илмий таҳлил этилиши ҳам муҳимдир.

³ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъruzаси // Халқ сўзи, 2010 йил 13 ноябрь.

Буюк ватандошимиз Бурхонуддин Марғиноний томонидан кўлланилган хуқук ҳамда қиёсдан фойдаланиб ва замон талабидан келиб чиқиб, хуқукий назариялар яратиш методини ўрганиш ҳам долзарблигини белгилайди. Иккинчидан “Ҳидоя” асарида фуқаролик хуқуқининг барча соҳалари, жумладан, қиёсий хуқуқшунослик, халқаро хуқук, оила хуқуки, мулк хуқуқини ҳимоя қилиш усуллари, мулк хуқуқини бузганлик учун жавобгарлик бўйича ғарб хуқуқшунос олимларидан юзлаб йил муқаддам изланишлар олиб бориб, илмий китоблар ёзиш билан бирга илмий хулосалар чиқаришга муваффақ бўлганлигини ва яратилган асарнинг туб моҳиятини очиш ўзимизнинг миллий хуқукий мафкурамизни шакллантиришда манба сифатида хизмат қиласди. Ушбу тадқиқотнинг аҳамияти ва асосий мақсади ҳам шундадир.

Юқоридагилар билан боғлиқ ҳолда, фуқаролик хуқукий муносабатларида мулк хуқуқини ҳимоя қилиш усуллари, мулк хуқуқини бузганлик учун жавобгарлик ҳамда уни қўллаш амалиётида учрайдиган муаммолар ҳамда сўнгги йилларда ушбу соҳа қонунчилигига киритилган қатор ўзgartериш ва қўшимчалар сабаб илгари назарияда ва амалиётда таҳлил этилмаган долзарб муаммоларни ҳал этиш зарурияти ушбу тадқиқот иши мавзуининг долзарблигини асословчи муҳим мезонларданdir.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Фуқаролик хуқукий муносабатларида мулк хуқуқини ҳимоя қилиш усуллари, мулк хуқуқини бузганлик учун жавобгарлик – кўп қиррали муаммо бўлиб, охирги ўн йилликда у хуқуқшунос олимлар ҳамда амалиёт ходимларининг диққат марказида бўлиб келмоқда. Мулк хуқуқини ҳимоя қилиш усуллари, мулк хуқуқини бузганлик учун жавобгарлик ҳамда мулқдорлар ва уларнинг хуқукий ҳолати муҳофаза қилишга оид баъзи масалалар фуқаролик хуқуки, хуқуқшуносликка оид адабиётларда ёритиб бериб келинмоқда X.Р.Рахмонқулов⁴, И.Б.Зокиров⁵, Ш.Н.Рўзиназаров, Х.Т.Азизовлар⁶,

⁴ Раҳмонқулов X, Фуқаролик хуқуки обьектлари.-Тошкент: ТДЮИ, 2009.-Б.8-9.; Раҳмонқулов X.Р. Олди-сотди шартномаси. -Тошкент: Адолат, 2000. – 139 б.; Гражданское право (Особенная часть). Учебник. (автор

В.Ё.Эргашев⁷, О.Оқюлов⁸, Д.М.Караходжаева⁹, М.Х.Баратов¹⁰, Ю.Б.Саипова¹¹ ва бошқа¹² муаллифларнинг ишларини бунга ёрқин мисол бўла олади. Ушбу ҳуқуқшунослар мазкур муаммони тадқиқ этишда улкан хисса қўшганлар.

Шу билан бирга ислом ҳуқуқида, хусусан “Ҳидоя” асарида мулкчилик масалалари, мулк ҳуқуқининг мазмани ва мулкий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиниши Ш.Исхаков, А.Р.Рахмонов, Ў.М.Ахмаджонов¹³ каби миллий олимларнинг асарларида таҳлил этилган.

Ислом ҳуқуқининг моҳияти ва аҳамияти, “Ҳидоя” асарининг ўрни ва аҳамияти, уни тушуниш ва талқин қилишда алоҳида ёндашувда профессор А.Х.Сайдовнинг ишларини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур¹⁴. Бевосита А.Х.Сайдов томонидан “Ҳидоя” асарига бир қатор шарҳлар, уни тушунишга оид илмий тавсиялар ишлаб чиқилган.

этой главы Х.Р.Рахманкулов) –Ташкент: ТДЮИ, 2009.-158 с.; Рахмонкулов Ҳ. Битимлар.-Тошкент: ТДЮИ, 2010.-30 б.; Гражданское право. Ч.1./Под.ред.А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого. -М.: Проспект, 2003. – 597 с.; Рахмонкулов Ҳ. Мажбурият ҳуқуки (умумий қисм). Дарслик.- Т.:ТДЮИ.2005- 249 б. ва ҳ.зо.

⁵ Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуки: Дарслик I қисм.-Тошкент: ТДЮИ, 2006.-366 б.

⁶ Раҳмонкулов Ҳ., Рўзиназаров Ш., Оқюлов О. ва бошқалар. Хусусий мулк ҳуқуқининг обьектлари.- Тошкент: 2007.-127 б.

⁷ Эргашев В.Ё. Ўзбекистон Республикасида мулк ҳуқуқининг долзарб муаммолари ва ривожланиш истиқболлари.-Тошкент: ТДЮИ, 2009.-128 б.

⁸ Оқюлов О. Кўчмас мулкни сотиш шартномаси / Фуқаролик ҳуқуки. II-қисм.-Тошкент. Илм-Зиё., 2008.-88-99 б.

⁹ Караходжаева Д.М. Проблемы развития и совершенствования законодательства о праве собственности юридических лиц в Республике Узбекистан: Дис. ...докт. юрид. наук. – Ташкент: 2008. – С.17.

¹⁰ Баратов М.Х. Давлат мулк ҳуқуки.-Тошкент: ТДЮИ, 2008.-21 б.; Баратов М. Корхонани сотиш шартномаси/Фуқаролик ҳуқуки. II-қисм.-Тошкент. Илм-Зиё., 2008.-99-105 б.

¹¹ Саипова Ю.Б. Правовой режим недвижимости как имущественной основы предпринимательской деятельности. Автореф....дис.канд.юрид.наук.-Ташкент: 2010.-С.7-8.

¹² Чориев М. Кўчмас мулкни сотиш шартномасининг айрим жиҳатлари/“Бозор иқтисодиёти шароитида савдо муносабатларини ҳуқуқий таъминлаш муаммолари” мавзустдаги илмий-амалий конференция материаллари.-Тошкент: ТДЮИ, 2004. -221 б.; Имомов Н. Ерга нисбатан ашёвий ҳуқуқлар ва уларни амалга ошириш муаммолари./ “Ер конунчилигини такомиллаштириш муаммолари” мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари.-Тошкент: ТДЮИ, -104 б.

¹³ Исҳаков С.А. Бурхондин Марғиноний ва фиқҳ илми. -Тошкент: 2000. –С.63-72.; Исҳаков С.А. Ислом фуқаролик ҳуқуки асослари: Ўқув қўйланма.-Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2005.-84 –бет.; Рахмонов А., Рахмонов Абдумухтор. Ислом ҳуқуки. -Тошкент: ТДЮИ, 2007. - 225 б.; Ахмеджанов У. М. Институт собственности в мусульманском праве. 1963. -13-14 с.

¹⁴ Сайдов А.Х. Сравнительное правоведение (основные правовые системы современности): Учебник / Под. Ред. В.А.Туманова. –М.: Юристъ, 2003.- 155 с.; Маргинани Бурхануддин. Ҳидоя. Комментарии мусульманского права. В 2 ч. Ч. 1. / Под. ред. А.Х.Сайдова. -М.: Волтерс Клювер, 2008. -С. 552-553.

Бундан ташқари, бир қатор шарқшунос олимлар¹⁵ томонидан ҳам “Хидоя” асари ва унинг аҳамияти, ундаги хуқуқий ғояларнинг мазмунига оди асарларлар яратилганлигини таъкидлаб ўтиш мумкин.

Бироқ, шунга қарамай, бугунги қунда, мазкур масалани батафсил ва чуқур ўрганилган деб бўлмайди, зеро мазкур муаммонинг айрим ҳал этилиши лозим бўлган, тадқиқ этилишга муҳтож бўлган қирралари борки, уларни алоҳида тадқиқот обьекти сифатида таҳлил этиш жамият ва давлат учун муҳим аҳамиятга эга. Зеро, мустақилликдан сўнг, айниқса, охирги йилларда мулк хуқуқи ва мулқдорларнинг хуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш давлат сиёсати даражасига қўтарилиши муносабати билан бу борадаги қонун хужжатларида ва амалиётда туб бурилиш бўлди, десак адашмаймиз.

Мазкур масала маълум маънода ўрганилган, бу борада бир қатор мақола ва рисолалар чоп этилган бўлсада, ушбу муаммо етарлича тадқиқ этилмаган, хусусан сўнгти ўн йил ичидаги мазкур масала алоҳида тадқиқот обьекти бўлмаган бўлиб, бу уни янада чуқурроқ ўрганишни талаб этади. Зеро, мулк хуқуқи бўйича дарслик ва ўқув қўлланмаларида ҳам мазкур масалага кам эътибор берилган, мулқдор манфаатлари ўрганилган бўлсада, “Хидоя” асари асосида ушбу масалалар батафсил ва муфассал очиб берилмаган.

Мазкур илмий изланишнинг юзага келишига, сўнгги йилларда хуқуқий манбаларга ва миллий қонунчилигимизга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар, мулкий муносабатларнинг жамият ва давлат ҳаётида тутган ўрни ва мавқеининг тубдан ўзгарганлиги, уни хуқуқий воситалар ёрдамида муҳофаза қилиш масаласига алоҳида эътибор берилаётганлиги ва бундай йўналиш давлат сиёсати даражасига қўтарилаётган бир шароитда амалда ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларни ҳал этиш муддати етиб келганлиги сабаб бўлди.

¹⁵ Кориев О.А. Фарғона фикҳ мактаби ва Бурҳониддин ал -Марғиноний. -Тошкент: Фан, 2009. -35 б.; Кориев О. Ал Марғиноний машҳур фикҳшунос. -Тошкент: Халқ мероси, 2000. –Б.31-40.; Аҳмад Иса Ошур. Ал-фикхул мұяссыр фил мұомалот(Фуқаролик хуқуқи бўйича енгил фикх). -Байрут, 1996.-35-38-б.

Тадқиқотнинг мақсади – мулкнинг ҳуқуқий тушунчасини ва унинг давлат учун аҳамиятини тадқиқ этиш, давлатчилик ривожининг турли даврларида Ўзбекистон шунингдек, хорижий мамлакатлар қонунчилигига мулкка қарши жиноятлар учун жавобгарликнинг ривожланиши масалаларини таҳлил этиш, “Хидоя” асарида мулкий муносабатларнинг ўрнини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотдан кўзланган мақсадга эришиш учун куйидаги **вазифалар** қўйилди:

- 1) тадқиқотнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш ҳамда атамаларини аниқлаштириш;
- 2) “Хидоя” асарида мулкий муносабатларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш масалаларини ривожланиш тенденциясини тадқиқ этиш;
- 3) мулкдорларни муҳофаза қилишни тартибга солувчи фуқаролик-ҳуқуқий нормаларни таснифлашга илмий асосланган ёндашув ишлаб чиқиш;
- 4) мулкдорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилишда хорижий мамлакатлар қонунчилигини таҳлил этиш;
- 5) Мулк ҳуқуқи элементларининг юридик тавсифлаш;
- 6) “Хидоя” бўйича мулк шакллари: уларнинг туркумланиш мезонлари ва турларини таҳлил этиш.
- 7) “Хидоя” бўйича мулкдорлар ва уларнинг ҳуқуқий ҳолатини тадқиқ этиш;
- 8) “Хидоя”да мол-мулкларнинг кўчар ва кўчмас мол-мулкларга бўлинишини қиёсий таҳлил этиш.
- 9) “Хидоя” бўйича мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш усуллари. Мулкка қарши жиноятлар таркибий белгиларини ҳамда объектив ва субъектив элементларини таҳлил қилиш
- 10) амалдаги қонунчилик ҳамда суд амалиётини такомиллаштириш бўйича аниқ таклифларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг обьекти мулкий муносабатларни муҳофаза қилувчи фуқаролик-ҳуқуқий меъёрлар ва уларни қўллаш муносабати билан юзага

келувчи ҳуқуқий муносабатлар ҳамда “Хидоя” бўйича мулк шакллари: ҳуқуқий муносабатлар.

Тадқиқот предметини “Хидоя” бўйича мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш усуллари. Мулкка қарши жиноятларнинг ўзига хос хусусиятлари, улар учун жазо тайинлаш, мулкий муносабатлар таркибий белгиларини ҳамда объектив ва субъектив элементларини таҳлил қилиш ҳамда мулкий муносабатларни ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалалар ташкил қиласди.

Тадқиқотнинг методлари. Тадқиқотнинг методологик асосини билишнинг умумий методлари, шунингдек, назария ва амалиётнинг ўзаро диалектик боғлиқлигини ифодоловчи ҳуқуқшуносликнинг илмий ва фалсафий методлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг назарий асосларини Бурхонуддин Маргинонийнинг ҳаёти, илмий фаолияти, шоҳ асари “Хидоя” асари, фуқаролик, оила ҳуқуқи бўйича кўзга кўринган ҳуқуқшунос олимларнинг асарлари ташкил этади. Тадқиқотнинг норматив негизини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, амалдаги фуқаролик кодекслари ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари, ҳукумат қарорлари, Олий суднинг норматив ҳужжатлари, шунингдек, қиёсий-ҳуқуқий таққослаб таҳлил этиш учун ўрганилган хорижий мамлакатларнинг фуқаролик қонуни ташкил этади.

Тадқиқотни ўрганиш системали ёндашув асосида амалга оширилган. Муаммони ўрганишда анализ ва синтез, ретроспектив таҳлил, ижтимоий-тарихий-ҳуқуқий таҳлил каби тадқиқот усулларидан фойдаланилади.

Диссертацияда умумий илмий ва қиёсий ҳуқуқшунослик, тарихий, аниқ-социологик, тузilmавий-функционал, қиёсий-ҳуқуқий, статистик каби маҳсус методлардан фойдаланилган.

Ушбу илмий тадқиқотда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов асарлари ва маърузаларида баён этилган Бурхонуддин Маргинонийнинг “Хидоя” асари, уни ўрганиш ҳамда мулкий муносабатларни таҳлил этиш фуқаролик ҳуқуқи; фуқаролик процессуал ҳуқуқи; оила ҳуқуқи; халқаро хусусий ҳуқуқ фанларини ривожлантиришда

ҳамда фуқаролик қонунини либераллаштириш, суд-хуқуқ ислоҳотлари, хуқуқни муҳофа қилувчи органлар фаолиятини такомиллаштириш тўғрисидаги фикр ва ғоялари методологик асос бўлиб хизмат қилди.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар.

1. “Ҳидоя” асарида мулкий муносабатларни тартибга солинишини таҳлил қилиб, қуидаги муаллифлик хulosаларига келиш мумкин: 1) мулкчилик билан боғлик муносабатларни тартибга солишда “Ҳидоя” мусулмон ҳуқуқининг қатъий қоидаларидан келиб чиқади; 2) “Ҳидоя” ҳам ўқув қўлланма, ҳам ҳуқуқни қўллашга қаратилган тавсиялар, ҳам суд амалиётини таҳлил этишга оид кўрсатмалар мажмуаси ҳисобланади; 3) мусулмон ҳуқуқи учун муҳим дастурий кўрсатмалар сифатида “Ҳидоя” узқ тарихий ўтмишга эга бўлса-да, ҳозирги кунда ҳам ўзининг аҳамияти ва қийматини йўқотмаганлиги билан аҳамиятлидир; 4) “Ҳидоя”нинг қиймати ва амалий аҳамияти муаллифининг кучли қобилияти, қувваи ҳофизаси ва салоҳиятидан келиб чиқиб, муайян муносабатни ҳуқуқий тартибга солинишини ўта чуқур ёритилганлиги билан кўзга ташланади.

2. Мулкий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда мусулмон ҳуқуқи ва миллий ҳуқуқни қиёсий солиштириш асосида бугунги кундаги қонун нормаларида мулкни шаклларга ажратиш, мулк ҳуқуқининг мазмунини ташкил этувчи триадани белгилаш, мулкдор ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи даъволар тизимининг шакллантирилганлиги билан фарқланишини кўрсатади. Мусулмон ҳуқуқида мулкни шаклларга ажратиш, мулкдор ҳуқуқларининг мазмуни ва мулкни ҳимоя қилувчи даъволар бугунги кундаги каби тизимлаштирилмаган ва айrim даъволар ўз аҳамиятини йўқотганлиги билан характерлидир.

3. “Ҳидоя”да мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишга оид даъваларни қўллашда анча мукаммал тавсияларни ишлаб чиқсанлиги билан бугунги ҳуқуқ тизимимиздан фарқ қилишини ва бу масалада бир қадар чуқур ёндошганлигини кўриш мумкин. Айниқса, тусини ўзгартирадиган ашёларни ҳимоя қилиш ва қайтаришда бу ҳолат яққол кўзга ташланади. Албатта

бугунги кунда тусни ўзгартирадиган ашёлар (масалан, тилла узукка ишлов берилиб ундан тилла тиш ясалиши, қўй сўйилиб гўшт қилиб сотилиши ва шу кабилар)га нисбатан ашёвий ҳуқуқий талаблар эмас, деликт талаблар белгиланиши нуқтаи назаридан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, бу вазиятларда мулк ҳуқуқни ҳимоя қилишда мусулмон ҳуқуқида аралаш даъволар қўлланилган ва бир вақтнинг ўзида туси ўзгартирилган ашёнинг ўзи ва тегишлича етказилган зарарни қоплаш талаб этилган.

4. “Хидоя”даги тавсияларни бугунги амалиётда қўлланилаётган тавсиялар билан солиширишда ўзбошимчалик билан уй-жой қуриш ва унинг оқибатлари масаласида ҳар томонлама ёндашилганлигини кўриш мумкин. Бу ҳолатда инсонпарварлик тамойили ва шахснинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда адолат мезонларига алоҳида эътибор қаратилганлиги кўзга ташланади. Гарчи шахс ўзбошимчалик билан иморат қурган бўлсада, унинг қилган харажат ер мулқдори томонидан тўланганлиги ёки уйнинг ашёларини олиб кетиш имконияти берилганлиги ёхуд ернинг ҳақи ундирилганлиги “Хидоя” ғояларининг инсонпарварлик тамойилига йўғрилганлигини англатади. Бугунги кундаги Олий суд Пленумининг ўзбошимчалик билан иморат қуриш ва унинг оқибатларига оид тавсияларида ҳам ана шундай ғоялар ва кўрсатмалар мавжудлиги ва бу ҳолат энг аввало халқимизнинг миллий ўзига хослигидан келиб чиқишини кўрсатади.

5. “Хидоя”даги ғоялар ва тавсияларни ўрганиш ва ундаги мулкий муносабатларни тартибга солишга оди кўрсатмаларни таҳлил этиш натижасида, мулкнинг муомалада бўлиши, айниқса, омонат сақлашда ўзига хос қоидалар назарда тутилганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Юк топширувчининг омонат сақловчига ишончини “Хидоя”да ҳуқуқий муносабатларда ҳам қўриш мумкин. Факат ўша давр нуқтаи назаридан, ушбу муносабатлар соддароқ кўринишда тартибга солинган. Бу ҳолат омонат сақловчига топширилган мол-мулкка нисбатан тўлиқ жавобгарликни юклаш учун асос бўлмаган. Демак, “Хидоя”да қайд этилишича, омонат сақловчи қолдирилган мулк учун жавоб бермайди, - деб ҳисобланади. Шуни инобатга

олган ҳолда, агар омонатга берилган мулк йўқолса ва бу ҳолат юзасидан омонат сақловчи томонидан қонунбузарлик кузатилмаса, у ҳолда, омонат сақловчи йўқолган мулк учун жавобгар ҳисобланмайди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Мазкур изланиш натижасида эришилган илмий янгилик қўйидагилардан иборат:

- унда илк бора магистрлик диссертацияси даражасида мулкни ҳимоя қилиш ва мулқдорлар хуқуқи шунингдек, мулкка қарши жиноятлар учун жавобгарлик муаммолари “Хидоя” асари билан биргалиқда Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодекси бўйича фуқролик-хуқуқий нуқтаи назардан ўрганилиб, оиласа қарши жиноятларга янгича ёндашув асосида таъриф берилди;
- мулк тушунчаси хуқуқий ва ижтимоий нуқтаи назардан ёритиб берилди ва унинг моҳияти очиб берилди;
- мулкка қарши жиноятлар юридик таҳлил қилинди;
- мулкий муносабатларни муҳофаза қилувчи хуқуқи нормаларини тизимлаштириш ва таснифлаш;
- ушбу муносабатларни тартибга солиш борасида олиб борилаётган ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш юзасидан бир қатор таклифлар ишлаб чиқилди;

Ўтказилган тадқиқот натижасида янги назарий қоидалар шакллантирилиб, уларни амалиётга татбиқ этиш масалалари таҳлил этилди, шунингдек, мулк билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш қонуни тегишли нормаларини такомиллаштириш ва уларни амалиётда қўлланилиши самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар киритилди. Мазкур таклифлардан фуқаролик хуқуқи; фуқаролик процессуал хуқуқи; оила хуқуқи; халқаро хусусий хуқуқ фанларини ривожлантиришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг назарий аҳамияти шундан иборатки, унининг айрим қоидалари

фуқаролик ҳуқуқи фанининг мулк ҳуқуқи ҳамда уларни такомиллаштиришга оид бўлимларини, фуқаролик ҳуқуқи фанининг, мулқдор шахси каби бўлимларини анча кенгайтиради ва чуқурлаштиради. Жумладан, тадқиқот иши фуқаролик ҳуқуқи; фуқаролик процессуал ҳуқуқи; оила ҳуқуқи; халқаро хусусий ҳуқуқ фанларини ривожлантиришда амалий аҳамият касб этади.

Қонунчилик ва қонунни қўллаш амалиётидан олинган бир қанча мисолларда мулкий муносабатларнинг ҳолати, тузилишини илмий-ҳуқуқий прогноз қилиш зарурлиги мулкка қарши жиноятларнинг олдини олишда муҳим рол ўйнаши лозимлигига асосланади.

Тадқиқот натижаларини ҳаққонийлиги унинг методологияси ва методикаси, шунингдек илмий қоидалар, таклифлар ва хulosаларга асос бўлган эмпирик материалнинг репрезентативлиги билан таъминланади.

Тадқиқот натижасида олинган хulosалар ва таклифлар жиноят миллий қонунчилигимизга янги нормалар киритиш ва амалдаги нормаларни такомиллаштиришда эътиборга олиниши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қуйидагилардан иборат:

- ундаги хulosалар ва таклифлар мулкий муносабатлар самарадорлигини ошириш жараёнида комплекс ёндашувга имкон беради;
- мулкий моеосабатларнинг, хусусан унинг объективининг ўзига хос хусусиятлари аниқланган;

тадқиқотда таклиф қилинган амалий услублардан фуқаролик ҳуқуқи фанининг мулк ҳуқуқи ҳамда уларни такомиллаштиришга оид бўлимларини, фуқаролик ҳуқуқи; фуқаролик процессуал ҳуқуқи; оила ҳуқуқи; халқаро хусусий ҳуқуқ фанларини ривожлантиришда фойдаланиш мумкин.

- фуқаролик ҳуқуқи; фуқаролик процессуал ҳуқуқи; оила ҳуқуқи; халқаро хусусий ҳуқуқ фанларининг мулқдор шахси каби бўлимларини анча кенгайтириш тўғрисидаги давлат Дастурлари ишлаб чиқишида фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг эълон қилиниши. Илмий тадқиқот натижалари бўйича олинган илмий хуроса, таклиф ва тавсиялар муаллифнинг чоп этилган мақолаларида ўз аксини топган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, 8 параграфдан иборат бўлган уч боб, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган.

I БОБ. “ХИДОЯ”ДА МУЛК ҲУҚУҚИННИГ ЮРИДИК ТАБИАТИ

1.1. “Хидоя”нинг яратилиши, тузилиши ва тартиби

Шарқ Уйғониш даври шундай қомусий олимларни юзага чиқарди-ки, уларнинг жаҳон маданияти ва илму фанига қўшган ҳиссаси ҳанузгача ҳайрат билан эътироф этилади. 2000 йилда таваллудининг 910 йиллиги нишонланган Бурхонуддин Марғиноний ҳам ана шундай буюк сиймолардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганлариdek, “Ислом дунёсининг буюк алломаси, машҳур “Хидоя” асарининг муаллифи, XII аср бошида таваллуд топган улуғ зот Бурхониддин Марғиноний ҳам шу замин фарзандидир”¹⁶.

Буюк фақих Абул Ҳасан Али ибн абу Бакр ибн Абдул Жалил ал-Фарғоний ар-Риштоний ал-Марғиноний 1123 йил 23–сентябрда туғилган. Олим Куръон, ҳадис илмини мукаммал эгаллаб, фикҳ – ислом ҳуқуқшунослиги борасида чуқур илмга эга бўлганлиги туфайли“Бурхонуддинвал-милла” деган шарафли номлари халқ орасида машҳур бўлган. Марғиноний ўз оиласи тарбиясида ўсиб, энг машҳур ва иқтидорли олимлардан дарс олиб, юксак истеъоди ва изчил фаолияти туфайли Ҳанафий мазҳаби бўйича буюк фақих даражасига қўтарилиган.

Бурхониддин Марғиноний томонидан жуда ҳам кўплаб ҳуқуқий асарлар яратилган бўлиб, уларнинг барчаси ўз даврида талабалар учун ўқув қўлланма сифатида хизмат қилган. Аммо, Шарқ Уйғониш даврида Бурхониддин Марғинонийнинг энг катта хизмати бу “Ал-Хидоя” асари бўлиб, ўша давр учун энг мураккаб бўлган ҳуқуқий масалаларни тартибга солиб берган эди. Марғиноний ушбу асарни 1165-1178 йиллар орасида 13 йил давомида ёзиб тутатган. Мазкур юридик асарни, бугунги кодексларга қиёслаш мумкин. Ушбу кодекс ўз ихчамлиги, мукаммаллиги, ҳанафий мазҳабини бошқа суннийлик мазҳаблари билан қиёсий услубда ўрганиб, хар

¹⁶Каримов И.А. Ватан равнаки учун ҳар биримиз маъсулмиз. Т.9. –Тошкент: Ўзбекистон, 2001. - 77 б.

томонлама ёритганлиги учун ўзига хос катта назарий ва амалий аҳамият касб этади. “Ал-Ҳидоя” асари VIII асрдан буён ҳанафий мазҳаби бўйича энг муҳим ва мўътабар қўлланма сифатида барча мусулмон мамлакатлари мадрасалари ва ислом олий ўкув юртларида ўқитилиб келинмоқда. Унинг матни ва қисқартмалари устидан машҳур фақиҳлар томонидан 60 дан ортиқ шарҳлар ва ҳошиялар ёзилган ва “Ҳидоя” ҳанафий мазҳабининг тарқалиши йўлида таъсирчан омил сифатида хизмат қилиб келгани ҳаммага маълум. Таъкидлаш жоизки, ушбу асарнинг тўлиқ номи “Ҳидоя-фил фуру ал-ғиқҳ”(Ҳидоя. Мусулмон ҳуқуқига изоҳлар.) бўлиб, дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилинган. Президентимиз И.А.Каримов айтганларидек: “Айниқса, бу мумтоз асарнинг Европа тилларига ҳам таржима қилингани, бутун дунёда катта қизиқиш билан ўрганилаётгани, унга турли тилларда кўплаб шарҳ ва изоҳлар битилгани Марғиноний меросининг умумбашарий аҳамиятидан далолат беради”.¹⁷

Жумладан, шуни айтиш жоизки, “Ҳидоя” нинг нафақат таржималари, балки турли даврларда кўчирилган нусҳалари бутун дунё кутубхоналарида нодир китоблар қаторида сақланиб келмоқда. Сўзимизнинг далили сифатида, машҳур Ҳидояшунос олим О.Қориевнинг фикрларини келтириб ўтмоқчимиз. Олимнинг “Фарғона фиқҳ мактаби ва Бурҳониддин ал –Марғиноний” номли китобида Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя” асарини дунёнинг қайси кутубхоналарида ва қандай рақам остида сақланаётгани хақида маълумотлар берилган. Масалан, АҚШда Принстоннинг Жарид кутубхонасида №№ 1698; 1700 ; тартиб рақами билан, Франциянинг Париж шаҳрида жойлашган Миллий кутубхонасида №№ 842-844/1; 1116; 6336; 6763; рақами билан, Германиянинг Подшолик кутубхонасида эса №№4488-4489; рақами, Англиянинг Британия музейи кутубхонасида №№ 196-198; ва Ҳинд кутубхонасида №№211-217; 85-86; 1528-1548; рақамлари билан, Италиянинг Болония кутубхонасида № 160; тартиб рақами билан, Россиянинг Санкт Петербург кутубхонасида №№ 945;

¹⁷ Каримов И.А. Ватан равнаки учун хар биримиз маъсулмиз. Т.9. –Тошкент: Ўзбекистон, 2001. - 77 б.

1091-1094; рақами билан сақланмоқда. Юқорида келтирилган давлатлардан ташқари, Миср, Сурия, Жазоир, Туркия, Покистон ва бошқа Шарқ мамлакатларининг кутубхоналарида ҳам “Ҳидоя” китобининг нусхалари сақланмоқда.¹⁸

Ушбу асар жуда ҳам ноёб асарлар туркумiga кириб, унда келтирилган кўпгина масалалар, фуқаролик ҳуқуқининг манбаси сифатида хизмат қилиши мумкин. Биз, ушбу диссертацияда, “Ал Ҳидоя” асарида айнан мулкий масаларини ёритиш нуқтаи назаридан, унинг тузилиш ва тартибини таҳлил қиласиз.

“Ал-Ҳидоя” асари мусулмонларнинг шахсий ва ижтимоий ҳаётида учрайдиган деярли барча ҳуқуқий ҳолатларни ўз ичига олади. “Ҳидоя” тўрт жилд, 57 китоб, 165 боб, 152 фаслдан таркиб топган.¹⁹ “Ҳидоя”да кўплаб ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи қоидалар белгиланган бўлиб, ундаги асосий қоидалар фуқаролик ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишига бағишлиланган. Айтиш жоизки, “Ал Ҳидоя”нинг ҳар бир жилди турли муаммоларнинг ҳуқуқий ечимида бағишлиланган.

Жумладан, “Ҳидоя” асарининг биринчи ва иккинчи жилларида никоҳ, талоқ, қулларни озод қилиш, шерикчилик ва вақф ҳуқуқи каби масалалар киритилган. Учинчи ва тўртинчи жилларида эса, мулкий муносабатлар, олди-сотди, пул муаммолари, кафолат, гувоҳлик, ваколат, даъво, сулҳ, ҳомийлик ва қозиларнинг вазифалари, берилган гувоҳликдан қайтиш, иқрор бўлиш, қарз бериш, ижара, омонат шартномаси, меросни тақсимлаш, васият, овчилик, дехқончилик ва боғдорчилик, жиноятлар, хун ҳақи тўлаш, хусусидаги масалалар киритилган.

Шу ўринда, биз “Ҳидоя” нинг ҳуқуқшунослик тизимидағи ўрни ҳақида сўз юритаётган эканмиз, айнан ушбу соҳага тааллуқли бўлган китобларнинг номини келтириб ўтишни мақсадга мувофиқ деб билдик:

¹⁸Кориев О.А. Фарғона фикр мактаби ва Бурҳониддин ал -Марғиноний. -Тошкент: Фан, 2009. -35 б.

¹⁹ Рахманов А., Рахманов Абдумухтор. Ислом ҳуқуки. -Тошкент: ТДЮИ, 2007. - 225 б.

Иккинчи жузънинг учинчи китоби “Китоб ул -Худуд” (“Жазолар ҳақидаги китоб”) деб номланади. Бу китоб тўрт боб ва икки фаслда баён этилади.

✚ Тўртинчи китоб -“Китоб ус-Сарқа” (“Ўғрилик ҳақидаги китоб”) Бу китоб уч боб ва икки фаслдан иборат.

✚ Бешинчи китоб -“Китоб ус-Сияр” (“Ҳарбий юришлар китоби”) Ушбу китоб ўн боб ва олти фаслдан ташкил топган.

✚ Тўққизинчи китоб - “Китоб ул-Мафқуд” (“Бедарак йўқолганлар ҳақидаги китоб”) деб номланади. Бу китоб боб ва фаслларга ажратилмаган.

✚ “Ал -Хидоя”нинг учинчи жузъи “Китоб уш-Шарика” (“Шерикчилик ҳақидаги китоб”) билан бошланади. Бу китоб фақатгина тўрт фаслга ажратилган.

✚ Иккинчи китоб - “Китоб ул-вақф” (“Вақф китоби”) деб номланиб, бу китоб бир фаслдан иборат.

✚ Учинчи китоб – “Китоб ал-Буйуъ” (“Олди-сотди ҳақидаги китоб”) Бу китоб ўн боб ва беш фаслдан иборат.

✚ Тўртинчи китоб - “Китоб ус-Сарф” деб аталиб, бир хил жинсда бўлган қийматли нарсалар билан олди-сотди қилиш, унинг шартлари ва тартиби ҳақида баён қилинади. Бу китоб боб ва фаслларга бўлинмаган.

✚ Бешинчи китоб - “Китоб ул-Қафала” (“Қафолат китоби”) Бу китоб икки боб ва бир фаслдан иборат.

✚ Олтинчи китоб – “Китоб ал-Ҳавала” (“Қарзларни бирордан иккинчи бир кишига ўтказиш ҳақидаги китоб”).

✚ Еттинчи китоб -“Китоб одоб ул-Қози”(“Қозининг одоби ҳақидаги китоб”) деб аталади. Бу китоб икки боб ва тўрт фаслдан иборат.

✚ Саккизинчи китоб -“Китоб уш-Шаҳада”(“Гувоҳлик ҳақидаги китоб”) деб аталади.

✚ Тўққизинчи китоб –“Китоб ур-ружуъ ан шаҳада” (“Берилган гувоҳликдан қайтиш ҳақидаги китоб”)

✚ Ўнинчи китоб - “Китоб ул-Вакала” (“Ваколатлар ҳақидаги китоб”).

 Ўн биринчи китоб - “Китоб уд-Даъва” (“Даъволар ҳақидаги китоб”)
Бу китоб 4 боб ва 3 фаслдан иборат.

 Ўн иккинчи китоб - “Китоб ул-Иқрор” (“Иқрор бўлиш ҳақидаги китоб”)
Бу китоб икки боб ва икки фаслдан иборат.

 Ўн учинчи китоб - “Китоб ус-Сулҳ” (“Сулҳ ҳақидаги китоб”)
Бу китоб 2 боб ва 3 фаслдан иборат.

 Ўн тўртинчи китоб - “Китоб ул-Мудораба” (“Ишбилармонликда шерикчилик ҳақидаги китоб”).
Бу китоб 1 боб ва тўрт фаслдан иборат.

 Ўн бешинчи китоб - “Китоб ал-Вадиъа” (“Омонатлар ҳақидаги китоб”).

 Ўн олтинчи китоб - “Китоб ул-Ория” (“Мол-мulkни фойдаланишга бериш ҳақидаги китоб”)

 Ўн еттинчи китоб -“Китоб ул-Хиба” (“Совға бериш ҳақидаги китоб”)
Бу китоб 1 боб ва 2 фаслдан ташкил топган.

 Ўн саккизинчи китоб - “Китоб ул-Ижарат” (“Ижарапар ҳақидаги китоб”)
Бу китоб 9 боб ва 1 фаслдан иборат.

 Йигирма биринчи китоб - “Китоб ул- Икроҳ” (“Зўрлаш ёки мажбуrlash ҳақидаги китоб”)
Бу китобда фақат битта фасл ажратилган.

 Йигирма иккинчи китоб –“Китоб ул-Ҳажр”(“Қарамоғига олиш ҳақидаги китоб”)
Бу китоб бир боб ва бир фаслдан ташкил топган.

“Ал Ҳидоя”нинг иккинчи жилд тўртинчи жузъининг иккинчи китоби -“Китоб-ул Ғасб” (“Зўравонлик ҳақидаги китоб”)
Бу китоб уч фаслдан ташкил топган.

 Учинчи китоби - “Китоб уш-Шуфъа” (“Сотиб олиш ҳуқуқида бошқалардан устунроқ бўлиш ҳақидаги китоб”)
Бу китоб 3 боб ва 4 фаслдан иборат.

 Тўртинчи китоб - “Китоб ул- Қисма” (“Тақсимлаш ҳақидаги китоб”)
Бу китобда 1 боб ва тўрт фасл бор.

 Бешинчи китоб - “Китоб ал-Музораа” (“Қишлоқ хўжалиги ишларида шерикчилик ҳақидаги китоб”).

 Олтинчи китоб - “Китоб ул-Мусоқа” (“Мевали дарахтлар устидан шерикчилик қилиш ҳақидаги китоб”).

 Ўнинчи китоб - “Китоб иҳяа ул-Мават” (“Хосилсиз ерларни ўзлаштириш ҳақидаги китоб ”) деб номланади. Бу китоб 3 фаслдан иборат.

 Ўн учинчи китоб - “Китоб ур- Раҳи” (“Заколат олиш ва бериш ҳақидаги китоб”) деб номланади. Бу китоб 4 боб ва 3 фаслдан иборат.

 Ўн тўртинчи китоб -“Китоб ул-Жиноят” (“Жиноятлар ҳақидаги китоб”). Бу китоб беш боб ва етти фаслдан иборат.

 Ўн олтинчи китоб - “Китоб ул-Васийя” (“Васиятлар ҳақидаги китоб”). Бу китоб етти боб ва уч фаслдан иборат²⁰.

Юқорида келтирилган маълумотларга қараб, айтишимиз мумкинки, “Хидоя” асарининг асосий қисми фуқаролик масалаларининг ечимиға қаратилган. Жумладан, оила ва никоҳ муносабатлари, мулкий муносабатлар ҳамда васият масалалари фикримизга далилдир.

2.1. “Хидоя”да мулк ва мулк ҳуқуқи тушунчаси

Мамлакатимизни модернизация ва ислоҳ қилиш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилаётган вазиятда юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқий ислоҳотлар бевосита ҳалқимизнинг фаровон яшashi, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқиши ва кафолатланиши билан чамбарчас боғлиқдир. Шу маънода олганда, мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ, мулкдорлар синфини шаклланишига алоҳида эътибор қаратилганлиги, хусусан Конституциянинг 53-моддасида “Ўзбекистон

²⁰ Кориев О. Ал Марғиноний машҳур фикрхшунос. -Тошкент: Ҳалқ мероси, 2000. –Б.31-40.

иқтисодиётининг негизини хилма хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат барча мулк шаклларининг teng ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди”, деб белгиланиши мулк ҳуқуқининг ривожланишида муҳим, асосий манба бўлиб ҳисобланади.

Ҳар қандай жамият иқтисодий устқурмасининг асосини унда амал қилаётган мулкий муносабат ташкил этар экан, унинг муваффақиятли ривожланиши бевосита мулк ҳуқуқининг шаклланиши ва ҳимоя қилиниши қай даражада эканлиги билан бевосита боғлиқ бўлади. Бинобарин, мулк ҳуқуқининг вужудга келиши, у билан боғлиқ муносабатларнинг тартибга солинишини ўрганиш доимо долзарб масалалардан бўлиб ҳисобланади.

Ўрта Осиё шароитида жамоа бўлиб яшаш туйғуси ғоят муҳим аҳамият касб этади ва одамларни бир бирига яқинлаштиришга, бир бирини қўллаб кувватлаб ҳаёт кечиришга замин туғдиради. Шу маънода, халқимизинг турмуш ва тафаккур тарзига назар ташлайдиган бўлсак, бошқаларга ҳеч ўхшамайдиган, минг йиллар давомида шаклланган, нафақат ўзаро муомала, балки, ҳаётимизнинг узвий бир қисми сифатида намоён бўладиган бир қатор ўзига хос хусусиятларни кўрамиз. Демак, тарихни ўрганиш асосида бугунги кундаги мавжуд ижтимоий муносабатларга назар ташлаш ҳар бир инсоннинг бу борадаги фикрларининг тўлиқ бўлишига замин яратади. Юртбошимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, Марғинонийнинг ўлмас мероси, хусусан, эллик етти китобдан иборат “Хидоя”- “Тўғри йўл” деб аталган асари, мана саккиз асрдирки, мусулмон мамлакатларида энг нуфузли ва мукаммал ҳуқуқий манба сифатида эътироф этиб келинаётгани албатта бежиз эмас.²¹

И.Б.Зокировнинг таъкидлашича, мусулмон ҳуқуқини шаклланишида ва ривожланишида буюк аждодларимиз Бурҳонуддин Марғиноний, Имом ал-Бухорий, Абу Исо Муҳаммад бин Исо Термизийлар муҳим роль ўйнайдилар. Улар томонидан мусулмон ҳуқуқининг муҳим манбай Ҳадислар тўпланиб, тизимга солинди, шарҳлар тайёрланди. Айниқса, Марғинонийнинг “Хидоя”

²¹Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. -Тошкент: Маънавият, 2008. - 18 б.

номли кўп томли асари асрлар давомида мусулмон ҳуқуқида асосий қўлланма сифатида хизмат қилмокда²².

Мусулмон ҳуқуқида фуқаролик ҳуқуқи билан тартибга солинадиган бир қатор институтлар тарихан мавжуд бўлиб, улар ўзига хос тарзда ҳуқуқий тартибга солиниб келинган.

Умуман олганда, мусулмон ҳуқуқининг асосий қисми хусусий ҳукуқдан иборат бўлиб, ушбу муносабатлар ўзаро шахсий мулкий алоқаларнинг алмашинуви натижасида ташкил топган. Шахсий ҳуқуқий муносабатларнинг асосий қисмини фуқаролик ҳуқуқи (муомалат) ташкил этган бўлиб, ушбу йўналиш асосан мулкий масалалар, ҳар хил турдаги битим ва шартномаларни, мажбуриятларни қонуний бажарилишини тартибга солиш вазифасини бажарган. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, шариат томонидан кўриқланадиган асосий қадриятлар яъни, дин, инсон ҳаёти, ақл заковат кабилар қаторида, мулк ҳам алоҳида ўринни эгаллаган.

Мусулмон ҳуқуқида, хусусан, “Ҳидоя”да мулк институти табиати диний хусусиятга эга бўлгани боис мулк тушунчасига нисбатан диний ёндашув аниқ кўзга ташланади, унинг асосида диний шарҳлар ётади. Унга мувофиқ, барча мулк охир оқибат фақат Оллоҳга тегишлидир.

Айтиш жоизки, мулк масалалари шариатда алоҳида ўринни эгалламаган. Фақатгина, фақиҳлар томонидан, қуйидаги масалалар – ғаним (харбий юришлар натижасида кўлга киритилган ўлжа), закот, мерос масалалари ва баъзи турдаги шартномаларни ўрганиш билан бирга, кўриб чиқилган. Шу билан бирга, ўрта асрларда ислом ҳуқуқининг ривожланишига қуйидаги мавзулар – давлатнинг молиявий аҳволи, солиқлар, аҳоли турли қатламларининг молиявий аҳволи, яъни мулк масалаларини ўзида мужассам этган асарлар таъсир этган эди. Буларга буюк фақиҳ Абу Юсуф (731-798) томонидан ёзилган “Китоб ул Хирож” асарини мисол тариқасида келтиришимиз мумкин. Ушбу асар халифа Хорун ар Рашиднинг буйруғига

²²Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи: Дарслик. I қисм. Қайта ишланган ва тўлдирилган бешинчи нашр.-Тошкент: ТДЮИ, 2009. - 53 б.

кўра, ёзилган бўлиб, унда солиқ масалаларининг тартибга солиниши ва давлат мулкини бошқариш каби масалалар ёритилган.

Ҳозирги замон мусулмон ҳуқуқшунослиги эса, мулкий муносабатларга алоҳида эътибор қаратган. Хусусан, ўрта аср фақиҳларининг фикрларига таянган ҳолда, мусулмон ҳуқуқшунослиги ушбу муносабатларни ҳозирги замон ҳуқуқий қолипига солишга ҳаракат қилмоқда. Бу мулкий муносабатларнинг барча тушунчалари ва категорияларига тааллукли бўлиб, уларнинг энг асосий тушунчалари қаторига мол-мулк киради.

“Мол” сўзи Қуръоннинг 90 дан ортиқ оятларига келтирилган бўлса-да, бу сўзга шариатнинг асосий манбасида аниқ таъриф берилмаган. “Мол” тушунчаси деганда, биз, аввало моддий қийматга эга бўлган нарсани тушунамиз. Шу билан бирга, кўплаб фақиҳларнинг фикрига кўра, “мол” тушунчаси нафақат жисмоний нарсаларни, балки ашёнинг фойдали тарафларини ўзида жамлаган, мулкнинг ўзгача бир тури сифатида намоён бўлган. Ушбу хусусиятларнинг ҳисобга олиниши, мулкнинг ҳуқуқий мақомини белгилашда жуда муҳим роль ўйнайди. Айтиш жоизки, шариатга кўра, мусулмонларга фақатгина фойдали хусусиятларга эга бўлган мулклардан фойдаланишга рухsat берилган эди. Лекин, баъзи турдаги (масалан, спиртли ичимликлар, чўчқа гўшти) мол - мулкларга шариат томонидан фойдаланиш рухsat этилмаган, чунки, улар ҳаром, фойдали хусусиятларга эга эмас ва ўз қимматини йўқотган, деб тан олинган.

Бугунги кунда фуқаролик ҳуқуқи назариясидаги мулк ва мулк ҳуқуқи тушунчаси ашёга нисбатан эганинг мутлақ ҳуқуқдорлигидан келиб чиқади. Замонавий цивилистикада, шахслар томонидан табиат бойликларини, ашёларини ўзлаштиришда бўладиган ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган ва мустаҳкамлайдиган ҳуқуқий нормалар тизими – юридик маънодаги “мулк” тушунчаси сифатида қўлланилади. Бу маънодаги мулк - мулк ҳуқуқи (субъектга тегишли соф маънодаги субъектив ҳуқуқ сифатида эмас, балки муайян ҳуқуқ соҳаси) сифатида кўрилади.

Мулк ҳуқуқи тушунчасининг юридик таърифи ФКнинг 164-моддасида берилган. Унга мувофиқ, мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир. Бу таъриф мулкдорнинг ўз мулкига нисбатан муносабатига доир барча ҳуқукий жиҳатларини қамраб олади. Шу билан бирга, ушбу таърифда учинчи шахсларнинг мулкдор мулкига муносабатларининг энг муҳим қонуний асоси кафолатланган. Яъни, мулкдорнинг мулк ҳуқуқини ким томонидан бўлмасин ҳар қандай бузишдан муҳофазалай олиши императив меъёр сифатида мустаҳкамланган. Бу эса, ўз навбатида, мулкдор мулк ҳуқуқини мажбурий маънода “муқаддаслигини” ифодалайди.

“Хидоя” да ёзилишича, “мулк” тушунчасига турли мазҳабларда ҳар хил талқин этилади. Баъзи фақихлар мулк қуидаги хусусиятларга эга бўлиши шарт деганлар: қиймат, истеъмолга яроқлилик, хусусий бўла олиш²³. Ҳанафий уламоларининг фикрича, у жамғарилиш хусусиятига ҳам эга бўлиши шарт²⁴. Шоғъий ва Ҳанбалий мазҳабининг тарафдорлари инсон меҳнати пул билан ўлчанадиган бўлса, уни ҳам мулк дейиш мумкинлигини таъкидлаган. Баъзилар араб тилида “шай” сўзи мулкни ифода этади, дейишса, аксарият бошқа олимлар фақат “мол, амвол” деган сўзларгина мулкни англатади, чунки “шай” деб аталиши мумкин бўлган ҳар бир нарса ҳам мулк бўла олмайди, дейишган²⁵. Бизнингча ҳам, бу фикр ҳақиқатга яқин. Шиа мазҳаби ҳуқуқшуносларининг фикрига кўра, мулк қуидаги хусусиятларга эга бўлиши керак: хусусий мулк бўла олиш, айланма фойда предмети бўлиш ҳамда инсонга фойда келтириш. Мол-мулқ, ашёнинг шундай хусусиятларга эга бўлиш томони бугунги фуқаролик ҳуқуқида ҳам эътироф этилади. Жумладан, И.Б. Зокировнинг фикрига кўра, фуқаролик ҳуқуқининг

²³Қаранг: Садагар М.Н. Основы мусульманского права. -М.: 1968. -С.45-60.

²⁴Ўша жойда.- 47-б.

²⁵Ўша жойда-50-б.

объектларидан бири ҳисобланган ашёлар, муайян моддий қийматга эга бўлган, ҳамда иқтисодий муносабатнинг предмети бўла оладиган нарсаларгина бўлиши мумкин²⁶. Ҳ.Р.Раҳмонқулов фикрига кўра, моддий неъмат деганда – ашёлар, ишлар, хизматлар натижалари ҳамда шахсларнинг моддий эҳтиёжларини таъминлаш хусусиятига эга ва муомалада бўладиган бошқа (озиқ-овқат, кийим-кечак, турар-жой ва ҳакозолар) неъматлар тушунилади²⁷.

“Хидоя”га кўра, хусусий мулк бўла олмайдиган нарсалар қўйидаги турларга бўлинади:

- 1) Ҳаво, денгиз, саҳролар(яъни, умумга тегишли мулклар);
- 2) Умму валад, яъни, ўз ҳожасидан фарзанд кўрган чўри;
- 3) Умум жамоат фойдаланиган жойлар, қуруқликдаги ва сувдаги қатнов ерлар, масжид мадрасалар, мактаблар;
- 4) Шариат ҳукмига ҳаром қилниган, мусулмонларни диндан қайтарадиган, чалғитадиган нарсалар.

Бугунги кунда хусусий мулк бўла олмайдиган мол-мулклар доираси, Ўзбекистон Республикаси 1991 йил 19 ноябрдаги “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида” ги қонунида белгиланган бўлиб, мазкур қонуннинг 4-моддасига кўра, “1. Ўзбекистон Республикаси оммавий мулки объектлари тўлиқ равишда ёки ман давлат тасарруфидан чиқарилади ва хусусийлаштирилади.

2. Қўйидаги давлат мулки объектлари давлат тасарруфидан чиқарилмайди ва хусусийлаштирилмайди:

- 1) Ўзбекистон Республикаси худуди доирасида ер (қонун хужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно), ер ости бойликлари, ички сувлар, ҳаво ҳавзаси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси;
- 2) маданий мерос объектлари, давлат фондларини киритган ҳолда, шу жумладан китобларнинг, кино, фото ва фонохужжатлар, архивлар ва илмий-

²⁶ Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳукуки. 1 қисм. - Тошкент: ТДЮИ, 2008.252 б.-

²⁷ Раҳмонқулов Ҳ.Р. Фуқаролик ҳукук объектлари. –Тошкент: ТДЮИ, 2009. – 24 б.

тадқиқот муассасаларининг фондлари, музейлар ва музей бойликлари, шунингдек муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар;

3) Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг, валюта захирасининг, давлат мақсадли жамғармаларининг, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг маблағлари, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг олтин захираси;

4) пул муомаласи бўйича хизмат кўрсатувчи давлат ташкилотлари, қимматли қоғозларни, орденларни, медалларни ва почта тўлови белгиларини ишлаб чиқаришни таъминловчи корхоналар ва ташкилотлар;

5) Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг, Миллий хавфсизлик хизматининг ва Ички ишлар вазирлигининг корхоналари, муассасалари ва ҳарбий-техникавий мол-мулки (саноатда қайта ишлов берилгунига қадар, шунингдек саноатда қайта ишлов берилиши мумкин бўлмаган мол-мулк);

6) ионловчи нурланиш манбаларидан фойдаланиб илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишларини олиб борувчи, рентген ускуналари, асбоб-ускуналар ва жиҳозларни ишлаб чиқиш, тайёрлаш ва реализация қилишни амалга оширувчи корхоналар ва объектлар;

7) радиоактив моддаларни кавлаб олиш, ишлаб чиқариш, ташиш, қайта ишлашни, радиоактив чиқиндиларни кўмиш, уран ва бошқа бўлинувчи материалларни, шунингдек улардан ясалган буюмларни реализация қилишни амалга оширувчи корхоналар ва объектлар;

8) қурол-яроғ ва ўқ-дорилар, ҳимоя воситалари, ҳарбий техника, эҳтиёт қисмлар, бутловчи қисмлар ва улар учун асбоб-ускуналар, портловчи моддалар, пиротехника маҳсулотлари, шунингдек уларни ишлаб чиқариш учун маҳсус материаллар ва ускуналар ишлаб чиқиш, тайёрлаш, таъмирлаш ва реализация қилишни амалга оширувчи корхоналар;

9) овчилик ва спорт соҳасида фойдаланиладиган ўқотар қуроллар ва ўқ-дорилар, шунингдек тиф қурол (совға тарзидаги миллий пичоқлар бундан

мустасно) ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва реализация қилишни амалга оширувчи корхоналар ва ташкилотлар;

10) кучли таъсир этадиган заҳарлар, гиёҳвандлик моддалари ва заҳарли моддалар ишлаб чиқарувчи, шунингдек таркибида гиёҳвандлик моддалари ва заҳарли моддалар бўлган экинлар экувчи, етиштирувчи ва уларга қайта ишлов берувчи корхоналар;

11) Ўзбекистон Республикасининг давлат захиралари. Фуқаро муҳофазаси ва сафарбарлик мақсадидаги обьектлар ҳамда мол-мулк;

12) атом энергетикаси обьектларини (ускуналари, тизимлари ва аппаратларини ўрнатиш) ва стратегик аҳамиятдаги обьектларни қуриш ва монтаж қилиш ишларини олиб бориш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни таъмирлашни амалга оширувчи ихтисослаштирилган корхоналар ва ташкилотлар;

13) портлаш хавфи бўлган ва заҳарли моддаларни ташишни амалга оширувчи ихтисослаштирилган корхоналар;

14) умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари. Ҳарбийлаштирилган автоколонналар;

15) санитария-эпидемиология станциялари. Суд-тиббий экспертизаси бюролари. Атроф муҳит ҳолатини назорат қилувчи ҳамда табиатни муҳофаза қилувчи хизматлар;

16) даволаш-ишлаб чиқариш устахоналари, жазони ижро этиш муассасаларининг корхоналари;

17) маҳсус вазифаларни бажарадиган корхоналар (Республика маҳсус алоқа узели, 15361 рақамли Ҳарбий қисм, Электромагнит мослик маркази);

18) қабристонлар. (ЎзР 03.04.2006 й. ЎРҚ-27-сон Қонуни таҳриридаги банд).

Маълумки, исломда хусусий мулк абадий, ниҳоясиз, деб ҳисобланади. Бундай қоида амалдаги қонунчиликда ҳам белгиланганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Амалдаги ФКнинг 164-моддасида, “мулк ҳуқуқининг муддатсизлиги” қоидаси белгиланган бўлиб, ушбу қоида мулк ҳуқуқининг

муайян муддат билан чекланмаслигини англатади. Бунда фуқаролик ҳуқуқи назариясидаги “Фуқаролик ҳуқуқининг амал қилиш муддатлари” мулк ҳуқуқига нисбатан татбиқ этилмаслиги юридик адабиётларда ҳам қайд этилган²⁸. Хусусий мулк эгаси (молик) ўз мулкининг тўла ҳуқуқли соҳибидир. Ҳеч бир шахс унинг ўз мулкини тўлиқ тасарруф этишига халақит бера, олмайди. Бундай қоида амалдаги ФКнинг 1-моддасида “хусусий ишларга ўзбошимчалик билан аралashiшга йўл қўйилмайди” тарзида белгиланган. А.А.Мухаммадиевнинг фикрича, давлатнинг ривожланиш даражаси ҳуқуқнинг такомиллашиши, фуқаролар манфаатларини ифода этиши ва ҳимояланиши билан бевосита боғлик. Мусулмон ҳуқуқи, таъбир жоиз бўлса, мусулмон фуқаролик ҳуқуқи ҳам ўз моҳияти жихатидан хусусий мулкнинг муқаддаслиги ва дахлсизлиги, аҳолининг табақаларга, жинсларга бўлиниши, фуқароларнинг диний эътиқоди, уларнинг мулк эгаси бўлиш ёки бўлмаслиги ва бошқа тамойилларга жавоб бериши билан ифодаланади²⁹.

Мулкдор ўз тасарруфи туфайли ўзгалар мулкига, шахсига зиён етказган тақдирдагина унинг фаолиятига аралashiш, уни тартибга чақириши мумкин. Шу ўринда, амалдаги ФКнинг 172-моддасини келтириб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу моддага кўра, “мулкдорнинг ўз ҳуқуқларини амалга ошириши бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт.

Қонунларда назарда тутилган ҳолларда, шартларда ва доирада мулкдор бошқа шахслар унинг мол-мулкидан чекланган тарзда фойдаланишига йўл қўйишга мажбур.

Мулкдор ўзининг устунлик мавқеини суюистъемол қилишга, бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини камситадиган ўзга ҳаракатларни қилишга ҳақли эмас.

²⁸ Имомов А.Ф. Фуқаролик ҳуқуқида муддатлар ва даъво муддати. –Т.:ТДЮИ, 2005,-45 б.

²⁹ Мухаммадиев А.А. Фуқаролик ҳуқуқи тамойилларининг назарий ва амалий муаммолари. –Тошкент: ТДЮИ, 2011.- 35.б.

Мулкдор ўз ҳуқуқини амалга оширганида фуқароларнинг соғлиғига ва атроф муҳитга зарар етказишининг олдини олиш чораларини кўришга мажбур”.

Ислом ҳуқуқида хусусий мулк кўплаб қонун қоидалар билан тартибга солинади. Хусусий мулк эгалиги масаласида фақиҳлар кўплаб фикрлар билдирганлар. Ҳанафий мазҳаби намоёндалари мулкка 15 йил эгалик қилиш, уни хусусий мулкка айлантиради, деган фикрни билдирганлар³⁰. Моливий мазҳаби фақиҳларининг фикрига кўра эса, кўчмас мулкка 10 йил, кўчар мулкка 2-3 йил эгалик қилган шахс, ўша мулк эгаси эътиroz билдирамаган ҳолдагина унинг мутлақ эгаси бўлиб қолади.

Бугунги кунда, юқоридаги қоида Фуқаролик Кодексининг 187- моддаси билан тартибга солинган. Ушбу моддага кўра, “мулкдор бўлмаган, лекин кўчмас мол-мулкка ўн беш йил давомида ёки бошқа мол-мулкка беш йил давомида ўзиники каби ҳалол, ошкора ва узлуксиз эгалик қилган шахс бу мол-мулкка мулк ҳуқуқини олади (эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат)”, деб белгилаб кўйилган.

Хусусий мулкнинг вужудга келиши, ислом ҳуқуқига кўра, эгалик фуқаролик битимлари, мерос олиш ва ғаниматларга эга бўлиш орқали қўлга киритилади.

Айтиш жоизки, замонавий цивилистикада мулк ҳуқуқини вужудга келиш асослари жуда ҳам кенг. Бундай тавсифдаги юридик фактларнинг рўйхати келтирилган ФКнинг 15 бобининг таҳлили натижасида мулк ҳуқуқининг вужудга келиш асослари қуидагилар ҳисобланади: меҳнат фаолияти, мол-мулкдан фойдаланиш соҳасидаги тадбиркорлик ва бошқа хўжалик фаолияти натижасида мол-мулкни яратиш ва қўпайтириш, фуқаролик қонунчилигига назарда тутилган мулк ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказишга йўналтирилган олди-сотди, айирбошлаш, ҳадя, рента, умрбод таъминлаш, шарти билан уй жойни бошқа шахсга ўтказиш шартномалари

³⁰Қаранг: Садагар М.Н. Основы мусульманского права. -М.: 1968.-С.-60.

ҳамда қонун билан тақиқланмаган бошқа битимлар: мерос олиш, давлат мулкини хусусийлаштириш; эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирүвчи муддат ва бошқа қонунга зид бўлмаган асослардан иборатdir. Айтиш жоизки, мулк ҳуқуқини вужудга келишида топилма ва хазиналар ҳам алоҳида ўринга эга. В.Ё.Эргашевнинг фикрича, ҳозирги кунда топилма билан муомалада бўлиш ҳамда унга нисбатан мулк ҳуқуқини қўлга киритиш тартиби ФКнинг 192, 193, 194-моддалри билан тартибга солинади. Эътироф этиш лозимки, янги ФКнинг топилмага доир қоидалари 1964-йилги ГКдан анчагина фарқланади. Энг асосий фарқланадиган жиҳати шундаки, агар 1964 йилги ГК бўйича топилмага нисбатан мулк ҳуқуқи факат давлат томонидан вужудга келиши кўрсатилган бўлса, эндиликда эса ашёга нисбатан мулк ҳуқуқини уни биринчи бўлиб топиб олган шахс қўлга киритиши мумкин. Айнан мазкур ўзгариш эгасиз ашёларга нисбатан мулк ҳуқуқини қўлга киритишини фуқаролар мулк ҳуқуқини вужудга келтирүвчи аосолардан бири сифатида ўрганиш имконини беради. Агар ашёни топиб олган шахс топилган ашёни мулк қилиб олишдан бош тортгандан сўнггина, аўё давлат мулкига ўтади³¹.

Шариат нормасига мувофиқ, мулк ҳуқуқи субъект бошқариши мумкин бўлган маълум бир мол-мулкка эгалик қилгандагина пайдо бўлади.

Мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи чегараланмагандир. Шунинг учун ҳам агар, бирор шахс эгаси номаълум бўлган нарсани топиб олса, у ўз ўзидан топиб олган шахсники бўла олмаган. Бинобарин, топилган нарсани эзгу мақсадларга сарф қилиш шарт бўлиб ҳисобланган(ноёб топилмалар бундан мустасно). Шу ўринда, амалдаги ФКнинг 192-моддасида, “Йўқолган ашёни топиб олган шахс бу ҳақда уни йўқотган шахсни ёки ашё эгасини ёхуд уни олиш ҳуқуқига эга бўлган ўзга маълум шахслардан биронтасини дарҳол хабардор этиши ҳамда топилган ашёни шу шахсга қайтариши шарт.... Башарти, топилган ашё қайтарилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган

³¹ Эргашев В.Ё. Ўзбекистон Республикасида мулк ҳуқуқининг долзарб муаммолари ва ривожланиш истиқболлари. -Тошкент: ТДЮИ, 2009. -69 б.

шахс номаълум бўлса ёки унинг манзили маълум бўлмаса, ашёни топиб олган шахс топилма тўғрисида милицияга, тегишли давлат органларига ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига маълум қилиши шарт” -, дейилган. ФКнинг 193 – моддасида эса, “Башарти, топилма тўғрисида милицияга ёки тегишли давлат органига хабар қилинган пайтдан эътиборан олти ой мобайнида йўқолган ашёни олишга ҳақли бўлган шахс аниқланмаса ҳамда ашёни топган шахсга ёхуд милиция, тегишли давлат органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига ана шу ашёга бўлган ўз ҳукуқи тўғрисида арз қилмаса, ашёни топиб олган шахс унга эгалик ҳукуқини олади”-, деб келтириб ўтилган.

Ҳозирги вақтга келиб, мулкий муносабатлар – жамиятдаги бойликларни ўзлаштириш хусусидаги иқтисодий муносабатларга айланган. Мулкчилик, биринчидан инсоннинг бойлиги бўлмиш ашё, буюм ёки бошқа нарсага нисбатан эгалик ҳис туёғуси билан боғлиқ муносабат, иккинчидан, ана шу бойлик, неъмат хусусида кишилар ўртасида вужудга келган муносабатдир. Кишилар буюмларни, неъматларни ўзиники қилиб олганда гина ўзлаштиришлари мумкин, чунки жамиятда ўзганики бўлган неъматларни ўзлаштириб бўлмайди. Мулк соҳиби ўз мулкига мустақил таяниб иш кўради. Мулксиз ўзганинг мулкини ижарага олувчи ёки мулқдорга ёлланиб ишловчи шахс тўлиқ маънода ҳали мустақил эмас. Неъматлар икки йўсинда: ишлаб чиқариш ресурслари, яъни воситалари ва ишлаб чиқариш натижалари сифатида ўзлаштирилади.

Мулкчилик бу – масъулият билан манфаатнинг узвий бирлиги хисобланади. Мулкчилик реал бўлиши учун мулқдорнинг иқтисодий манфаати – унинг бойлик эгаси сифатидаги ҳаётий эҳтиёжи бўлиб, хатти-ҳаракат, феъл-атворини иқтисодий мотивацияси (сабабини) юзага чиқаради³².

Мамлакатимизда бозор муносабатларини шакллантириш, мулкчилик муносабатларини тубдан қайта кўриб чиқишни тақозо этади. Шахсни

³² Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодий назария. -Тошкент: Мехнат. 1995. -133 б.

мулқдан бегоналашувига асосланган ижтимоий алоҳида имтиёзли мавқега барҳам берилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган мамлакатимиз иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этиши мустаҳкамлаб қўйилди³³.

Табиат бойликлари ва киши меҳнати натижалари шахслар томонидан айрим-айрим ҳолда ўзлаштирилмай, балки биргалашиб ва ўзаро ҳамкорлик билан ўзлаштирилади. Бинобарин, мулк табиат нарсаларини ўзлаштиришда кишилар ва уларнинг жамоалари ўртасида бўлган муносабатни, яъни ижтимоий муносабатни, ижтимоий ишлаб чиқариш муносабатларини билдиради.

Юқорида айтганлардан маълум бўлишича, мулк ишлаб чиқаришнинг зарур шарти ва ишлаб чиқарилган бойликларнинг ўзлаштирилиши натижаси ҳисобланади.

Мулк ишлаб чиқариш воситалари ва ишлаб чиқарилган маҳсу-лотларни эгаллаш, фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш соҳасида бўладиган ижтимоий муносабатларнинг мажмуи сифатида ҳам таърифланиши мумкин.

1.3. Мулк хуқуқи элементларининг юридик тавсифи

Маълумки, мулк хуқуқи уч элемент-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишдан ташкил топади. Шунингдек мулк хуқуқини ҳар қандай бузилишлардан бартараф этишни талаб қилиш хуқуқи тушунчалари мулк хуқуқининг мазмунини ташкил этади. Мулк хуқуқининг мазмунини ташкил этадиган бу элементлар мулк эгасига қонун билан белгиланган доираларда берилади.

³³ Раҳмонқулов Ҳ. Эволюция права собственности (проблемы собственности сравнительное исследования). - Ташкент: Адолат, 1995. -34 б.

ФКнинг 164-моддасида белгиланишича, мулқдор ўзига тегишли мол-мулкка ўз ихтиёрига кўра, ўз хоҳиши ва манфаатларини кўзлаб эгалик қиласди, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Шу маънода мулқдор ўз мулкига бўлган ҳуқуқларини ихтиёрий равишда, ўз хоҳишига кўра амалга оширади. Мулқдорнинг ўз хоҳиши деганда, унинг ўз эрки, иродаси билан ўз манфаатларини кўзлаб, бироннинг (учинчи шахсларнинг) тазиикисиз, ғайрихуқуқий таъсирсиз ҳаракат қилиши назарда тутилади. Агар мулқдорга нисбатан бундай ҳолатда зўрлик, тазиик кўрсатилган бўлса, қонун мулқдорнинг хоҳиш-иродаси эркин амалга оширилишини кафолатлайди ва муҳофаза қиласди. Айни вақтда мулқдорнинг ўз хоҳишига кўра иш тутиши қонун, инсоф ва адолат доирасида амалга оширилиши лозим.

Мулкни эгаллаш ҳуқуқи мулкни қўлда ёки унга нисбатан ўз ҳуқуқларини амалга оширишга имкон берувчи бирон жойда сақлаб туришдир. Мулкни қонунга мувофиқ равишда ўз қўлида ёки ўз эрки-иродаси таъсири остида сақлаб турган шахс мулкни эгаллаш ҳуқуқига эга. Бундай ҳуқуқ, аввало, мулк эгасига тегишли бўлади. Аввало деганимизнинг боиси шундаки, мулкни эгаллаш ҳуқуқи қонун ёки шартномага асосан бошқа шахсда ҳам бўлиши мумкин. Масалан, мулк шартнома бўйича ижарага берилганида, вақтинча текин фойдаланиш учун топширилишида, омонатга қўйилишида ёки маъмурий далолатномаларга биноан вақтинча сақлаш учун бирон ташкилот ёки фуқароларга ўтказилишида эгалик ҳуқуқи мулк эгаси ҳисобланмаган шахсда ҳам бўлиши мумкин.

Мулкни қонун талабларига мувофиқ қўлда сақлаб туришга қонуний эгаллаш деб айтилса, қонуний асослар бўлмай туриб биронларга қарашли мулкни эгаллаш, масалан, бироннинг ўғирлатган ёки йўқотган мулкини қўлда сақлашга қонунсиз эгаллаш деб айтилади.

Мулқдан фойдаланиш ҳуқуқи – мулкнинг фойдали хусусиятларини ўзлаштириш, мулқдан иқтисодий маънода фойда кўришдир. Мулқдан қонунга мувофиқ равишда фойдаланувчи шахс шу мулқдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади. Мулқдан фойдаланиш ҳуқуқи шу мулкни эгаллаш

хуқуқи билан чамбарчас боғлиқдир. Мулкни эгалламай, қўлда сақламай туриб ундан фойдаланиб ҳам бўлмайди. Масалан, мулк ижараси шартномасига мувофиқ, ижарага берувчи даставвал мулкни ижарага олувчига қонун ёки шартномада кўзда тутилган тартибда топширади. Топшириш билан бир вақтда ижарага олувчида мулкка нисбатан эгалик қилиш хуқуқи ҳам вужудга келади ва у шундан сўнг ижарага берилган мол-мулқдан фойдаланиши мумкин. Мулқдан ишлаб чиқаришда ёки кундалик ҳаётда фойдаланишда бу мулк бутунлай истеъмол қилинади ёки муайян вақт давомида аста-секин эскиради.

Агар бирорнинг мулкидан фойдаланиш қонун ёки шартнома билан белгиланган асослар бўлмай туриб амалга оширса, бундай фойдаланиш қонунсиз фойдаланиш ҳисобланади. Масалан, ўғирланган ёки йўқотилган мулқдан фойдаланиш.

Мулкни тасарруф этиш хуқуқи – мулкнинг юридик тақдирини белгилаш, яъни мулк юзасидан бошқа шахслар билан бўладиган хуқуқий муносабатни белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган хуқуқдир.

Мулк эгаси тасарруф этиш хуқуқига биноан мулк юзасидан хилма-хил битимлар, шартномалар, чунончи, ашёни сотиш, ҳадя қилиш, ижарага қўйиш тўғрисида шартномалар тузла олади. Агар ашё бутунлай кераксиз бўлиб қолса, мулк эгаси бундай ашёни ташлаб юбориши, ўзидан бирон-бир усул билан соқит қилиши мумкин. Бу хуқуқ мулқдорга ўз мол-мулкига нисбатан қонунга зид бўлмаган ҳар қандай харакатларни амалга ошириш, шу жумладан мол-мулқдан гаров нарсаси сифатида фойдаланиши ёки унга бошқача йўллар билан вазифа юклаш, уни бегоналаштириш ёки мол-мулкни бошқача усул билан тасарруф этишга имкон беради.

Бу хуқуқнинг қўлдан кетиши билан мулкка нисбатан бўлган эгалик хуқуқи ҳам қўлдан кетади. Масалан, мулкни омонатга қўйишда ашёни эгаллаш хуқуқи, ижарага беришда ашёни эгаллаш ва ундан фойдаланиш хуқуқи бирорнга ўтса, ашёнинг сотилиши ёки ҳадя қилинишида эса субъектив

мулк хуқуқининг ҳар уч элементи: эгаллаш, фойдаланиш ва тасарруф этиш хуқуқлари ҳам бутунлай бошқа шахсга (янги мулкдорга) ўтади.

Айрим ҳолларда, чунончи, мулкни йўқотиш, ўғирлатиш ҳолларида мулк эгаси ўз мулкни эгаллаш, фойдаланиш ва уни тасарруф этиш имкониятидан маҳрум бўлса ҳам, эгалик хуқуқини қонунда белгиланган ҳолларда ва муддатларда ўзи сақлаб туради. Фуқарога тегишли мулк ўғирлатилганида унинг кимнинг қўлида бўлишилиги аниқланганидан сўнг қонун билан белгиланган уч йиллик даъво муддати давомида талаб қилиб олиниши мумкин. Акс ҳолда мулкка нисбатан бўлган эгалик хуқуқи йўқолади. Умуман олганда мулкни тасарруф этиш элементи кимда бўлса, шу шахс (гарчи мулкнинг қўлида, яъни эгалигида ёки фойдаланишида бўлмаса ҳам) мулкдор ҳисобланади. Зеро, тасарруф этиш элементи мулкнинг шакли ва хуқуқий мақомига қараб муайян ҳужжатлар (ордер, тилхат ва ҳ.к.) билан тасдиқланади.

Мулк эгалари ўзларига тегишли мулк хуқуқидан ғайриқонуний мақсадларда, бироннинг заарига фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Мулкдор хуқуқлари ва ваколатларининг чегараси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 54-моддасида баён қилинган бўлиб, унга асосан мулкдор ўз хуқуқларини амалга оширишда экологик мухитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг хуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт.

Бу Конституциявий норма ФКнинг 172-моддасида батафсил талқин қилинган. Ушбу моддага асосан мулкдор ўз мулкий хуқуқларини амалга оширишдан қўйидаги шартларига амал қилиши лозим:

1. Мулкдорнинг ўз хуқуқларини амалга ошириши бошқа шахсларнинг хуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаат-ларини бузмаслиги шарт;

2. Қонунларда назарда тутилган ҳолларда, шартларда ва доирада мулкдор бошқа шахслар унинг мол-мулкидан чекланган тарзда фойдаланишига йўл қўйишга мажбур (масалан, кўчмас мулк - ер участкаси эгаси

кўшни ер участкаси эгаси кўшни ер участкасининг эгасидан зарур ҳолларда, бошқа ер участкаларининг эгаларидан ҳам ўзганинг ер участкасидан чекланган ҳолда фойдаланиш (сервитут) хуқуқини беришни талаб қилишга ҳақли. Одатда, сервитут пиёдалар ва транспорт йўли, электр, алоқа, газ ёки сув қувурлари ўтказиш учун зарур бўлиши мумкин. Ер участкасида сервитут белгиланиши ер эгасини мулк ҳуқуқидан асло маҳрум қилмайди. Сервитутдан фойдаланувчи билан ер участкаси эгаси ўртасида сервитут ҳақида битим тузилиб, у қўчмас мулкка оид битимлар каби рўйхатдан ўтказилади. Сервитут белгиланган участканинг эгаси агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, сервитут кимнинг фойдасини кўзлаб белгиланган бўлса, ўша шахсдан участкадан фойдалангандлик учун мутаносиб ҳақ талаб қилишга ҳақлидир (ФКнинг 173-моддаси);

3. Мулқдор ўзининг устунлик мавқеини суистеъмол қилишга, бошқа шахсларнинг хуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини камситадиган ўзга ҳаракатларни қилишга ҳақли эмас;

4. Мулқдор ўз хуқуқини амалга оширганда фуқароларнинг соғлиғига ва атроф-муҳитга зарар етказишнинг олдини олиш чораларини кўришга мажбур.

Мулк хуқуқининг мазмунида нафақат мулқдорнинг хуқуқлари, балки мол-мулкни сақлаб туриш бурчи ҳам ётади. ФКнинг 174-моддасига асосан, ўзига қарашли мол-мулкни сақлаш, агар қонун хужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мулк эгасининг зиммасида бўлади. Агар мулқдор бу мажбуриятни бажармаса, баъзи ҳолларда унинг мулкий хуқуқлари чега-ралаб қўйилиши ёки мол-мулк ундан олиб қўйилиши ҳақида даъво олдиндан огоҳлантирмасдан ҳам қўзғатилиши мумкин (масалан, ФКнинг 190-моддасида қўзда тутилган асослар бўйича).

“Ҳидоя”га кўра, мулк хуқуқи элементларига таъриф бериб ўтамиз. “Ҳидоя”га кўра, мулк хуқуқининг элементларига мулкка мутлақ эгалик қилиш(қабз), фойдаланиш(манфаат) ва тасарруф этиш(тамлик) киради. Аммо, айтиш жоизки, мулкка мутлақ эгалик қилиш хуқуқи давлат ёки қонун

томонидан чегараланган бўлади. Шариатга кўра, мулк ҳуқуқининг вужудга келишида ҳар хил ҳолатлар мавжуд бўлиши мумкин. Бундай ҳолатларга мисол тариқасида, васиятга ёки ҳадяга кўра мулкка эгалик қилиш ёки эр томонидан хотиннинг қариндошларига қалин пули ёки қанчадир миқдорда мол -мулк берилишини келтиришимиз мумкин.

Умуман, мусулмон ҳуқуқида мулк ҳуқуқига эга бўлиш дастлабки ва хосила турларига бўлинган. Дастлабки эгалик бу - аввал ҳеч кимга тегишли бўлмаган ашёларни қўлга киритишдир. Факиҳлар ушбу усулга ҳарбий юришлардан қўлга киритилган ўлжаларни (ғанимат) ҳам киритганлар ва улар шариат бўйича ҳуқуқ субъектлари бўлиб ҳисобланган. Шу ерда, мусулмон ҳуқуқига кўра, урушларда эгасиз қолган мол-мулклардан фойдаланиш ва уларнинг турлари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтишни мақсадга мувофиқ, деб билдик.

Айтиш жоизки, мусулмон ҳуқуки ўзаро урушларда эгасиз сочилиб ётган ашё буюмларга, ғанимат сифатида эга бўлишга, ҳайвонларни ов қилишга, табиат бойликларидан, дарёдаги неъматлардан фойдаланишга рухсат берган. “Хидоя”га кўра, ғанимат, яъни ўлжа олинган мол-мулклар учтурга бўлинади:

1) Анфол. Унга асосан душманлардан урушлар натижасида тортиб олинган ер майдонлари киради. Давлат бошлиғи ушбу ерларни тасарруф қиласди. У ўз хоҳишига кўра бу ерларни хоҳлаган одамига бера олади. Бундай ерлар ҳадя қилинмаган, вакф учун олинадиган хусусий мулк обьекти бўла олмайди. Мазкур ерлардан олинган фойда чегараларни мустаҳкамлаш, йўл, кўпrik қуришлари учун ишлатилган;

2) Фай буюмлари. Ушбу мулкларга ҳарбий юришлар вақтида урушсиз, тинч йўл билан қўлга киритилган ашёлар кирган. Улар асосан қўчар мулклар бўлган;

3) Ғанимат буюмлари. Булар ҳарбий юришларда қўлга киритилган ўлжалар бўлиб, асосан қўчар мулклардан иборат бўлган. Улар иштирокчилар орасида teng тақсимланган. Ғаниматга қўлга киритилган барча нарсалар-

буомлар, қуллар, ҳарбий асиrlар ҳам киради. Ганиматнинг бешдан бир қисми байтулмолга(ислом аввалидаги иқтисодий марказ, асосан Макка ҳисобланган) жўнатилиб; қолган қисми барча иштирокчилар ўртасида бўлинган.

4) Луқота. Ушбу гурӯхга ҳар қандай топилма буюмлар, топилган болалар ва кишилар киради. Мазкур топилмаларнинг ўзлаштирилиши уларнинг топилган вақти ва жойига боғлик. Ўз шахсий томорқасидан хазина топиб олган шахс унинг эгаси бўлади. Шу каби хазинани ўзгалар еридан қазиб олиш унга эгалик ҳуқуқини бермайди. Уламолар фикрига кўра, бирор жойдан топиб олинган буюм хусусида бир йил давомида халқ орасида эълон қилиб туриш шарт. Ушбу муддат ўтгандан сўнг эгаси топилмаса, топиб олган одам уни ўзлаштириши мумкин. Бугунги кунда бу муддат 6 ойни ташкил этади.(ФКнинг 193-моддаси)

Эгаликнинг ҳосила усули мулкнинг бир шахсдан иккинчи шахсга ўтиши(таслим) натижасида ҳосил бўлади. Бундай ҳолатлар “Хидоя”да васият ва олди-сотди шартномалари мисолида акс этган.

Таъкидлаш лозимки, олди-сотди шартномаси мулкий муносабатларнинг кадимги турларидан бири бўлиб, кўп асрлик ривожланиш тарихига эга. Маълумки, мусулмон ҳуқуқида, шартномалар, одатда оғзаки шаклда тузилган. Агар томонлар учун қиммати катта суммали шартнома бўлса, ёзма шаклда ҳам тузилиши мумкин эди. Савдо ривожланиши билан олди–сотди шартномаси энг кўп тарқалган шартномалардан бири бўлиб қолган. У ёзма тузилиши, шунингдек гувоҳлар иштирокида ёки уларнинг иштирокисиз оғзаки тузилиши мумкин эди. Олди–сотди шартномасининг объекти бўлиб муомаладан чиқарилмаган ҳар қандай ашё бўлиши мумкин³⁴.

Рим ҳуқуқида эса, олди-сотди шартномаси консенсувал *emptio et Vendito* шартнома ҳисобланиб, бир тараф-сотовчи (venditor) иккинчи тараф –харидор (emptor)га, мулк (merx)ни таклиф қиласи, иккинчи тараф-харидор эса таклиф

³⁴ Боймирзаев Р. Мусулмон ҳуқуқи. Маъruzalар матни. Ҳукукшунослик факультети. 2006.

қилинган ашёниг нархини (premium) тўлайди. Мулк ва унинг нархи тўғрисидаги шартлар олди-сотди шартномасининг муҳим қисми бўлиб ҳисобланган³⁵. “Ҳидоя” бўйичя олди-сотди, ҳозирги ҳукуқшуносликдаги каби мол-мулк ва унга нисбатан ҳукуқни бошқа шахсга ўтказишга қаратилган шартнома ҳисобланган.

Хусусан, Ҳидояда олди-сотди муносабатлари ҳақида сўз кетганда, уни розилик билдирувчининг сийға (ийжоб ва қабул) йўли билан амалга оширилиши баён қилинган. Жумладан, “ийжоб” атамаси музокаралардаги бир тарафнинг сўзларини ифода этган бўлса, “қабул” эса иккинчи тарафнинг сўзларини кўрсатган. Масалан, Зоҳид биринчи бўлиб Умарга “Мен сенга ўзимга тегишли бўлган молимни ўн дирҳамга сотдим” деса, Умар бунга жавобан : “- Сенга тегишли бўлган молни айтган нархингга сотиб олдим” деса, Зоҳиднинг сўзлари “ийжоб”, Умарники эса – “қабул” дейилган. Агарда аксинча, Умар биринчи бўлиб Зоҳидга : “Сенга тегишли бўлган молни ўн дирҳамга сотиб олдим ” деб мурожаат қилса, Зоҳид бунга жавобан : “Мен сенга бу молни сен айтган нархинга сотдим” деса, Умарнинг сўзлари “ийжоб”, Зоҳиднинг сўзлари эса “қабул” дейилган³⁶.

Таъкидлаш жоизки, фикҳда ҳар қандай шартнома ва муносабатлар барча мусулмонларнинг tengligини тақозо этган. Яъни, ҳар бир шартномада тарафлар teng ҳукукли ҳисобланади. Ундан ташқари, олди-сотди шартномалари амалга оширилаётганда, тарафларнинг ҳар бир сўзларига қаттиқ аҳамият берилган. Шунингдек, ислом ҳукуқида олди-сотдини фақат вояга етганлар, ақли расо ва мустаҳкам хотирага эга эркаклар ҳам аёллар ҳам амалга ошириши мумкин деб эътироф этилган. Сотувчи мулкдор бўлиши

³⁵ Рахманов А. Сущность договоров и обязательств в исламском праве и национальном законодательстве Республики Узбекистан. -Тошкент:Академия МВД Республики Узбекистан, 2005. – 288 с.

³⁶ Маргинани Бурхануддин. Ҳидоя. Комментарии мусульманского права. В 2 ч. Ч. 1. -М.: Волтерс Клювер, 2008. -С. 552-553.

керак³⁷. Ёш болалар, 15 ёшга тўлмаган вояга етмаганлар, шунингдек, руҳий касаллар ва ақли заифлар муомала лаёқатига эга эмас, - деб ҳисобланган³⁸.

Китобда олди-сотди муносабатларига тегишли бўлган кўплаб эътиборга лойик бўлган қонун-қоидалар келтириб ўтилган. Масалан, сотиб олинаётган нарса қиймати маълум ва аниқ пул бирлигига акс эттирилиши керак. Кейинги қоида эса қуидагича, ер олди-сотдиси амалга оширилаётганда, ушбу битим фақатгина шу ердаги дарахтларга тегишли бўлади, унинг меваси ва ҳосили эса бундан мустаснодир. Яна бир мисол, уй олди-сотдиси амалга оширилганда, ушбу битим сотилаётган уйга тегишли бўлган барча кўчмас ашё ва ускуналарни ҳам қамраб олиши ҳақида айтиб ўтилган³⁹.

Юқорида келтирилган биринчи қоиданинг мазмунини қуидагича таърифлаш мумкин, деб ўйлаймиз. Олди-сотди шартномаси амалга оширилаётганда, пул тўланиши олдиндан келишилиб, унинг қийматини аниқлаштириш шартноманинг қонуний кучга эга бўлишидан далолатdir. Яни, 1 дирҳамнинг қиймати, унинг оғирлигига қараб, ҳар хил бўлиши мумкинлиги назарда тутилмоқда. Кейинги 2 қоидага аҳамият бериб қарасак, уларнинг ўхашаш тарафларини кўришимиз мумкин. Ер билан дарахт ажралмас бўлгани каби, уй билан унга тегишли ашёлар ҳам ажралмасдир.

Хидояда тарафлар ўртасидаги эркин танлаш хуқуқи ҳақида ҳам сўз юритилади. Эркин танлаш хуқуқининг 5 та тури мавжуд: 1) эркин келишув хуқуқи; 2) эркин шартларни танлаш(ҳаяруш-шарт); 3) эркин муҳокама қилиш(ҳаярут-таин); 4) эркин кўздан кечириш(ҳаярут-руят) ва 5) шартноманинг обьектида нуқсон ва камчиликларни аниқлашнинг эркинлиги⁴⁰. Мазкур 5 та ҳолатни бугунги кунда бизнинг қонунчилигимизда ва хуқуқни қўллаш амалиётимизда қўлланиладиган шартномалар эркинлигининг 3 та

³⁷ Рахманов А. Сущность договоров и обязательств в исламском праве и национальном законодательстве Республики Узбекистан. –Тошкент: 2005. – 67 с.

³⁸ Боймирзаев Р. Мусулмон хуқуқи. Маъruzалар матни. -Тошкент: 2006.

³⁹ Маргинани Бурхануддин. Хидоя. Комментарии мусульманского права. В 2 ч. Ч. 1. -М.: Волтерс Клювер, 2008. -С. 555- 565.

⁴⁰ Маргинани Бурхануддин. Хидоя. Комментарии мусульманского права. В 2 ч. Ч. 1. -М.: Волтерс Клювер, 2008. –С. 566.

ҳолати: контрагентни танлаш, шартнома предметини танлаш ва шартнома шартларини танлаш эркинлиги билан ўхшаш эканлигини эътироф этиш мумкин. Шу билан бирга амалдаги қонунчиликда шартноманинг шарти тарафлар келишувида бошқача тартиб белгилаб қўйилмаганлиги туфайли қўлланиладиган норма(диспозитив норма)да назарда тутилган ҳолларда тарафлар ўзаро келишиб, унинг қўлланишини бекор қилишлари ёки унда назарда тутилгандан бошқача шартни белгилашлари мумкинлиги, бундай келишув бўлмаганда шартноманинг шарти диспозитив норма билан белгиланишининг ўрнатилганлиги (ФКнинг 354-моддаси) ҳам Ҳидояда белгиланган қоидаларга мослигини билдиради.

Юқорида келтириб ўтилган ҳар бир қоидаларнинг ўзига хос ўрни мавжуд. Масалан, биринчи қоиданинг мазмунига кўра, олди-сотди шартномасининг тарафлари ўз розиликларини аҳдлашувнинг охирида беришлари ҳақида сўз юритилади. Яъни, бизнингча, бу ерда шартноманинг барча шартларини етарлича тушиниб олиб, кейин ризолик берилиши назарда тутилмоқда. Иккинчи қоидага кўра эса, тарафлардан бири ўз розилигини 3 кун мобайнида эълон қилиши керак бўлади. Учинчи қоида эса, асосан икки ёки уч хилдаги нарсаларга тааллуқли бўлиб, қайси бирини танлашни муҳокама қилиш учун муддат талаб қилиш ҳуқуқини айтиб ўтади. Тўртинчи қоидага кўра, агар харидор сотиб олинаётган ашё ёки мулкни кўрмасдан шартнома тузса-ю, мулкни кўргач, ундан қониқма-са, иккинчи тараф шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Бешинчи қоида эса, ўз номи билан айтиб турибдики, агар харидор, сотиб олган мулкида, ундан фойдаланиш жараёнида, бирон бир нуқсон ёки камчилик топса, мулкни қайтариб бериш ҳуқуқига эгадир.

Таъкидлаш жоизки, олди-сотди шартномасининг бошқа бир тури салам савдоси шартномаси ҳисобланган. Ушбу шартнома, мусулмон ҳуқуқида ҳозирги кунга келиб ҳам дехқонларни эксплуатация қилиш борасида асос бўлиб ҳизмат қилмоқда. Мусулмон ҳуқуқида ипотеканинг йўқлиги эса, салам шартномасининг кенг ёйилишига туртки бўлган. “Ҳидоя” да ёзилишича,

салам — ҳали пишмаган, тайёр бўлмаган нарсани олдиндан келишиб пулини баҳолаб, сўнг ўша молни топширишлик, деган мазмунни англатади. Савдонинг салам тури жоизлиги Қуръоннинг 2-сураси 278-ояти билан событ бўлган. Расулуллоҳ (САВ) Мадинага келганларида шароит тақозосига кўра дехқонлар меваларни ҳали ғўралик давридаёқ сотишар экан, пишгандан кейин оловчи келиб узиб кетаверган. Расулуллоҳ (САВ) буни кўриб: - "Саламни маълум муддатга, маълум ўлчовларда қилинглар"-, деганлар. Фақиҳлар наздида саламни тарозда тортиладиган ва ўлчанадиган нарсаларда ва экиладиган уруғларда кўллаш жоиздир. Ханафий қонуншуносларининг наздида саламни ҳайвонларда жорий қилиш мумкин эмас. Бу ҳақда Имом Шофеъий: "Ҳайвонларда ҳам жорий қилиш мумкин, чунки ўша ҳайвоннинг жинсини, сифатини, ёшини, навини баён қилгандан сўнг тафовут енгиллашади ва худди бир либос каби савдо муомаласида осон кечади", деганлар. Ханафиylар бунга жавобан: "Аввало либослар бир хил дастгоҳда тикилгани учун жуда кам ҳолда бир-биридан фарқ қиласи, Иккинчидан, Расулуллоҳ (САВ) савдонинг салам турини ҳайвонларда, ҳатто чумчуқларда кўллашдан қайтарганлари ривоят қилинган. Саламни териларнинг (чунки тери турлича бўлади мисол: түяning, қора-молнинг) адади билан ҳам, ўтиннинг боғи билан ҳам (чунки утиннинг узунлиги, қалинлиги ҳар хил) қилиб бўлмайди. Бунинг сабаби тафовутли нарсаларда салам адо этилмайди, Аммо қуйидаги нарсаларнинг сифатлари: бўйи, эни, узунлиги маълум бўлса, салам буларда ҳам жоиздир. Салам савдосининг асосий қоидаларидан бири мусаллам, яъни топшириладиган товарнинг савдо аҳди даврида ҳам, товарни топшириш вақтида ҳам мавжуд бўлишлигидир. Аммо, товар аҳд тузилиш вақтида ҳозир бўлмай адо этиш даврида ҳозир бўлса ёки аксинча бўлса ҳам, саламга руҳсат этилмайди. Имом Шофеъий бунга эътиroz билдириб: "Адо қилиш даври (яъни ҳосилни топшириш даври)да мусаллам ҳозир бўлса, салам жоиз бўлади", деганлар. Ханафий мазҳаби ҳукуқшунослари Расулуллоҳ (САВ)нинг: "Меваларга то шакл кирмагунга қадар салам қилманглар", деган сўзларини ҳужжат қилишган. Уларнинг фикрича,

топширишликка қодир бўлишлик вужуд бор бўлган нарса билан бўлади. Саламни аниқ муайян бир вақтга белгилаб, сўнг жорий қилиш лозим. Салам кишиларни қашшоқликдан тўсиб қолиш учун машруъ қилинган савдо тури бўлиб, албатта маълум муддат зарурдир.

Машҳур факих Абу Ханифа саламнинг жоиз бўлиши учун еттита шарт бўлиши яъни, биринчидан, жинси маълум бўлиши керак (буғдой, арпа), иккинчидан, нави маълум бўлиши керак (сугориладиган ёки ёмғир суви билан унадиган), учинчидан, сифати маълум бўлиши керак (яъни яхши ёки дуруст эмас каби), тўртинчидан, миқдори маълум бўлиши керак (яъни шунча килограмм), бешинчидан, топшириш вақти маълум бўлиши керак, олтинчидан, молнинг саноғи маълум бўлиши даркор (яъни аҳд, уларни ёши, адади маълум бўлса), еттинчидан, топшириш жойининг маълум бўлиши керак, дедилар. Ханафий мазҳабида савдонинг салам бобини қўллашда ушбу шартларга қатъий амал қилинади.

Кейинги мисол тариқасида, “Ҳидоя” да васият бўйича мулкка эгалик қилишни кўриб чиқиши мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлаймиз.

Ҳар бир давлатда оиланинг иқтисодий асосини мулк ташкил этади. Мулксиз оила мавжуд бўла олмайди. Мулкий ва мерос муносабатларидан вужудга келадиган ҳуқуқлар ҳар доим давлатнинг ҳимояси остида бўлиб келган. Шунингдек, асосий қонунимизнинг 36-моддасида шундай дейилган: “Ҳар бир шахс мулқдор бўлиш ҳуқуқига эга. Банкка қўйилган омонатлар сир тутилиши ва мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланади”⁴¹. Шу билан бирга, конституциямиз муқаддимасида ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таянган ҳолда қабул қилинганлиги таъкидлаб ўтилган. Хусусан, “Ҳидоя” асарида васият ва ворислик масалаларига алоҳида эътибор берилган. Жумладан, унда қайд этилишича **vasijja** (араб. қўплиги “васайа”; туркийча “васият”) ўлим тўшагида ётган кишининг сўнгги иродасини ифода этувчи топшириқ деганидир. Бошқа ҳар қандай фармойиш, хужжатларига

⁴¹Ўзбекистон Республикаси конституциясига шарх. -Тошкент: ”Ўзбекистон” НМИУ, 2008. - 159 б.

қўйиладиган талаблар васияга нисбатан ҳам татбиқ этилади, яъни васият қилувчи ҳуқук ва муомала лаёқатига ҳамда васият қилаётган мулкни тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлиши лозим⁴². Ҳидояда айтилишича, баъзи кишиларнинг васияти дуруст бўлмайди. Бундай шахсга мисол сифатида балогат ёшига етмаган боланинг васияти келтириб ўтилган. Чунки, васият бу хайру эҳсон саналади, вояга етмаган бола эса ҳали хайру эҳсон ажратадиган кишилардан эмас, деб айтилган. Васийя ҳакида Қуръонда ҳам қўйидаги кўрсатма берилган: “...Бақара сурасининг 180-оятида: “ Бирорингизга ўлим келган пайтида агар у мол-дунё қолдираётган бўлса, адолат-тўғрилик билан ота-онага, қариндош-уругга васият қилиши фарз этилди. (Бундай васият қилиш) Оллоҳдан кўркувчилар устидаги бурчdir”⁴³.

Одатда, мусулмон ҳуқуқида васият қилиш эркинлиги чегараланади. Васият қилувчи қонун бўйича ворисларнинг мерос ҳуқуқини ўзgartира олмайди. Бундан ташқари, васият бўйича қонунга асосан, ворислар доирасига кирмайдиган шахслар меросхўр бўлиб қолган тақдирда мол - мулкнинг фақат учдан бири берилиши мумкин, холос. “Ҳидоя”да ёзилишича, мероснинг учдан бири фақатгина бир шахсга васият қилиниши мумкин.

Мабодо, иккинчи шахсга худди шу миқдорда васият қилинса, меросхўрлар буни қабул қиласликлари мумкин, натижада васиятга қўра, юқоридаги икки киши фақат учдан бир улуш меросга шерик ёки эга бўлиши мумкин.

Мусулмон ҳуқуқида ворисликка аёл ва эркакнинг мерос ҳуқуки тенг бўлмаган. Агар бугунги кундаги фуқаролик ҳуқуқига эътибор берсак, мерос ҳуқуқига нисбатан эркак ва аёл ворис сифатида тенг ҳуқукларга эга.

Демак, мусулмон ҳуқуқида меросхўрлик нуқтаи назаридан эркак ва аёл тенг, лекин мерос тақсимотида аёл эркак улушининг ярмини олади, холос. Шунингдек, марҳумнинг узоқ қариндош уруғларини меросхўр сифатида навбатга чақирилишида ҳам эркак ва аёл тенг эмас. Бу ҳолат

⁴² Рахманов А., Рахманов А. Ислом ҳуқуки. -Тошкент: ТДЮИ, 2007. – 308 б.

⁴³ Қуръони Карим /Таржимон ва муаллиф Алоуддин Мансур. – Тошкент: “Чўлпон”, 2001. - 59 б.

бўйича, “Ҳидоя”да қўйидаги мисол келтирилган: “Бир кимса “Молимнинг учдан бирини қариндошларимга беринглар”, деб васият этиб кетса ва унинг икки амакиси ва икки тоғаси бўлса, у ҳолда васият меросга қиёс этилиб, молнинг учдан бири икки амакигадир. Чунки мерос бобида амаки тоғага нисбатан марҳумга яқин ҳисобланади”⁴⁴. Кўриб турганимиздек, меросни бўлиш масаласида эркакнинг қариндошларига аёлникига кўра кўпроқ ворислик ҳуқуқи берилган. Жумладан, мусулмон ҳуқуқида “фарз” меросхўрлари мавжуд бўлиб, уларга қонунда белгиланган улушларни олиш ҳуқуқига эга шахслар киради. Биринчи даражадаги “фарз” меросхўрлар қаторига вафот этган одамнинг ота-онаси, хотини (эри) киради. Мерос қолдирувчининг вафотидан кейин туғиладиган фарзанд ҳам меросхўр саналади. Иккинчи даражадаги “фарз” меросхўрларга эса, боболар ва бувилар, ака-ука, опа- сингиллар, набиралар киради. Колган қариндошлар ҳам қонун бўйича ворис бўлишлари мумкин бўлади. ЎзР ФК нинг 1135, 1136, 1137 моддаларида юқоридаги келтирилган меросхўрларнинг ворислик навбати тартибга солинган. Қуръон бўйича ворисларнинг улушлари $1/2$, $1/4$, $1/6$, $1/8$, $1/3$, $2/3$ тарзида бўлинган бўлиб, ушбу улушларига ҳиёнат қилиш жуда катта гуноҳ ҳисобланган.

Мусулмон ҳуқуқига кўра, васиятномани тузиш оғзаки ва ёзма шаклда бўлиши мумкин бўлиб, унинг қонуний, деб топилиши учун икки гувоҳ иштирок этиши шарт. Мерос қолдирувчи васиятномани хоҳлаган вақтида ўзгартириши ва бекор қилиши мумкин. Агарда, васият нотўғри ёки меросхўрларнинг хоҳишига зид бўлса, унда қозига мурожаат қилиш ҳуқуқи белгиланган эди. Қози эса, ўз навбатида, васиятни ўзгартириш ёки бекор қилиш учун ҳукм чиқарган.

Маълумки, мусулмон ҳуқуқига кўра мулкни тасаррuf этиш деганда, мулкнинг юридик тақдирини белгилаш, яъни мулк юзасидан бошқа шахслар билан бўладиган ҳуқуқий муносабатни белгилаш, ўзгартириш ва бекор

⁴⁴ Исҳоқов С. Бурхонуддин Марғиноний ва фикҳ илми. –Тошкент: Адолат, 2002. - 95 б.

қилиш тушунилади. Масалан, мулкни омонатга қўйишда ашёни эгаллаш ҳуқуқи, ижарага беришда эса ашёни эгаллаш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи бошқа бировга ўтади. Қуйида биз, мулкни тасарруф этиш элементини, “Хидоя” да омонат шартномаси талқини мисолида келтириб ўтамиз.

Исломда тижорат ва мулкий шартномалар кенг тарқалган. Унда тижорат ва мулкий шартномалар, хусусий мулк асосларини ҳимоя қилиниши, мол-мulkни воситачи орқали учинчи шахсга ижарага бериш, ёлланма меҳнатнинг хусусиятлари таҳлил этилган. Ислом ҳуқуқшунослари бундай шартномаларга олди-сотди, ижара, қарз, ҳадя, омонат, сулҳ ва бошқаларни киритганлар⁴⁵.

Мол-мulkни эгаллаш ҳуқуқи нафақат мулқдорларда, балки мулқдор бўлмаган шахсда бўлиши ҳам мумкин. Бу ҳолат “Хидоя”да ҳам белгиланган эди.

Шариатда вадиа (омонат) шартномаси бу бир шахс томонидан иккинчи шахсга мол-мulkини сақлашга бериш сифатида тушунилган. “Хидоя” га кўра, мулқдор “моди” ёки омонат берувчи; омонат сақловчи шахс эса, “муставдиъ” деб аталган. Бу ҳолатни қадимги Рим хусусий ҳуқуқида ҳам кузатиш мумкин. Рим ҳуқуқида омонат сақловчи “мулкнинг титул эгаси” ёки “титулли эга” деб юритилган ва бу ҳолат кейинчалик қитъа ҳуқуқ тизимиға ҳам кўчган. Бугунги фуқаролик қонунчилигига ҳам омонат сақловчи “мулкнинг титул эгаси” мақомига эга. “Хидоя”да айтилишича, сақлаш учун берилган мол-мulk эса “вадиат” деб номланади, чунки, “вадиаъ” сўзининг луғавий маъноси “қолдирмоқ” деган маънони билдиради. Ўз навбатида, мол-мulk юқ топширувчи томонидан омонат сақловчига қолдирилади. “Хидоя”га кўра, омонатга берилган мол-мulk омонат сақловчига ишонч юзасидан қолдирилади⁴⁶.

⁴⁵Раҳманов А.Р. Ислом ҳуқуқида шартнома ва мажбуриятлар ҳамда миллий қонунчилик (киёсий ҳуқуқий таҳлили) : Тарих фанлари доктори. Дис. Автореф. – Тошкент: 2008 -23 б.

⁴⁶Маргинани Бурхануддин. Хидоя. Комментарии мусульманского права. В 2 ч. Ч. 1. - М.: Волтерс Клювер, 2008. – 192 с.

Айтиш жоизки, замонавий миллий фуқаролик ҳуқуқида ҳам ўзаро ишончга асосланган кўплаб ҳуқуқий муносабатлар ва шартномаларни учратиш мумкин ва амалдаги Фуқаролик кодексида ўз ифодасини топган омонат сақлаш шартномасида (ФКнинг 51-боби, 875-893- моддалари) ҳам юк топширувчи (мулкдор) ўзига тегишли мол-мулкни омонат сақловчига ишонган ҳолда сақлаш учун топширади. Юк топширувчи-мулкдорнинг ишончи шундан иборатки, бунда мол-мулк тўлиқ ҳолда сақланиши учун бошқа шахсга ишониб қолдирилади ва мулкдор шу шахснинг омонатини сақлай олишга ишонч билдиради.

Юк топширувчининг омонат сақловчига ишончини “Ҳидоя”да ҳуқуқий муносабатларда ҳам кўриш мумкин. Фақат ўша давр нуқтаи назаридан, ушбу муносабатлар соддароқ кўринишида тартибга солинган. Бу ҳолат омонат сақловчига топширилган мол-мулкка нисбатан тўлиқ жавобгарликни юклаш учун асос бўлмаган. Демак, “Ҳидоя”да қайд этилишича, омонат сақловчи қолдирилган мулк учун жавоб бермайди, - деб ҳисобланади. Шуни инобатга олган ҳолда, агар омонатга берилган мулк йўқолса ва бу ҳолат юзасидан омонат сақловчи томонидан қонунбузарлик кузатилмаса, у ҳолда, омонат сақловчи йўқолган мулк учун жавобгар ҳисобланмайди. Зоро, Мухаммад (с.а.в.) шундай деб айтганлар: “Софдил ва ҳалол сақловчи жавобгар эмас”. Бинобарин, “Ҳидоя”да ёзилишича, одамлар учун омонат шартномаси жуда муҳим шартномалар сирасига кирган, лекин, агар омонат сақловчи шахсга топширилган омонат учун жавобгарлик юклатилганида, хеч ким бундай мажбуриятни бўйнига олишни истамаган бўлар эди⁴⁷.

Бугунги кунда ушбу муаммолар фуқаролик қонунчилигига бартараф этилган. Фуқаролик қонунчилигига профессионал омонат сақлаш муносабатлари юзага келиши билан омонатга топширилган юк учун жавобгарликни тўлиқ ўз зиммасига оладиган ихтисослашган субъектлар фаолият олиб бормокда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик

⁴⁷Ўша китоб.

кодексининг 875-моддаси 2-қисмида шундай дейилган: “Омонат сақлашни ўз касб фаолиятининг мақсадларидан бири сифатида амалга оширадиган ташкилот (профессионал омонат сақловчи) омонат сақлаш шартномасида сақловчининг юк топширувчидан ашёни шартномада назарда тутилган муддатда сақлашга қабул қилиш мажбурияти кўзда тутилиши мумкин.”⁴⁸ Кўриб турганимиздек, “Хидоя”даги кўпчилик ҳолатларни миллий қонунчилигимизда ҳам кузатишими мумкин.

“Хидоя” да ёзилишича, муставдиль (омонат сақловчи) омонатни ўзи қабул қилганидан сўнг, ушбу омонатни бегона шахсга топширса, ёки сақлаш жойини ўзгартирса, у ҳолда омонат сақловчи ушбу мол-мулкка жавобгар бўлиб ҳисобланади. Аммо, шуни айтиш лозимки, агар омонат мулки табиий офатлар таъсирида хавф-хатарда қолса, омонат сақловчи омонатни қутқариш мақсадида сақлаш жойини ўзгартириши мумкин⁴⁹. Юқорида келтирилган ҳолатлар Фуқаролик кодексининг 882 ва 884-моддаларида қуидагича баён этилган: “Омонат сақловчи ашёни сақлаш шартларини ўзгартириш зарурлиги хақида дарҳол юк топширувчини хабардор қилиши ва унинг жавобини кутиши шарт.

Ашёнинг йўқолиши ёки шикастланиши хавфи пайдо бўлган тақдирда, омонат сақловчи сақлаш шартномасида назарда тутилган сақлаш усули, жойи ва бошқа шартларни юк топширувчининг жавобини кутмасдан ўзгартириши шарт.

Агар сақлаш вақтида ашёнинг бузилиш хавфи аниқ бўлиб қолса ёки ашё бузилган бўлса, ёки унинг тўлиқ сақланишини таъминлашга имкон бермайдиган вазиятлар вужудга келган бўлса, юк топширувчи эса ўз вақтида чоралар қўришини кутиш мумкин бўлмаса, омонат сақловчи ашёни ёки унинг бир қисмини сақлаш жойида амалда бўлган баҳода мустақил сотишга ҳақли. Агар мазкур вазиятлар омонат сақловчи айбдор бўлмаган сабабларга

⁴⁸ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. (2007 йил 1 майдаги ўзгартириш ва қўшимчалари билан) Расмий нашр. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Тошкент: Адолат, 2007. -356 б.

⁴⁹ Маргинани Бурхануддин. Хидоя. Комментарии мусульманского права. В 2 ч. Ч. 1. -М.: Волтерс Клювер, 2008. – 193 с.

кўра вужудга келган бўлса, у сотиш учун қилган ўз харажатларини харид баҳосидан ундириш ҳуқуқига эга” (ФКнинг 882-моддаси). Фуқаролик кодексининг 884-моддасига кўра, агар қонун ҳужжатларида ёки омонат сақлаш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, омонат сақловчи юк топширувчининг розилигисиз ашёни сақлаш учун учинчи шахсга топширишга ҳақли эмас, башарти буни юк топширувчининг манфаатлари зарур қилиб қўйган ва омонат сақловчи унинг розилигини олиш имкониятидан маҳрум бўлган бўлмаса. Омонат сақловчи ашёни учинчи шахсга топширганлиги ҳакида юк топширувчини кечиктирмай хабардор қилиши шарт.

Сақлаш учун ашё топширилган учинчи шахснинг ҳаракатлари учун омонат сақловчи жавоб беради⁵⁰.

Таъкидлаш жоизки, агар ушбу ҳолат гувоҳлар орқали тасдиқланса, омонат сақловчи омонат обьектига нисбатан жавобгар бўлиб ҳисобланмайди. “Хидоя”га кўра, агар омонатнинг эгаси омонат сақловчидан мулкни қайтаришини талаб қилса, аммо муставдіъ омонатни ўз вақтида қайтармаса, иккинчи шахс омонат обьектига нисбатан жавобгар бўлади. Бунинг сабаби шундаки, омонатни мулк эгасининг биринчи талабидаёқ ўз вақтида қайтармаслик, ёки умуман қайтаришдан бош тортиш қонунга ҳилоф ҳисобланган. Сақлашга топширилган мол мулк уни сақлашга қабул қилиб олган шахснинг мол-мулки билан қўшилиб кетган бўлса, у мазкур мол-мулкнинг ҳақиқий эгасига ҳақ тўлаши лозим. Шунга ўхшаш қоида Фуқаролик кодексининг 879-моддасида қуйидагича баён этилади: “Ашё эгасизлантириб сақланганида сақлаш учун қабул қилинган ашёлар бошқа юк топширувчиларнинг шунга ўхшаш ва шундай сифатли ашёлари билан аралаштириб юборилиши мумкин. Юк топширувчига teng миқдорда ёки тарафлар келишган миқдорда шунга ўхшаш ва шундай сифатли ашёлар қайтариб берилади.

⁵⁰Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Расмий нашр. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Тошкент: Адолат, 2007.-Б.359-360.

Эгасизлантириб сақлаш бундай ҳол омонат сақлаш шартномасида бевосита назарда тутилган ҳоллардагина амалга оширилади”⁵¹.

“Хидоя” бўйича, агар мулкнинг аралашуви тасодифан юз берган бўлса, мулқдор бутун мол-мулкнинг тегишли қисмида иштарокчига айланади. “Хидоя”га кўра, агар икки ёки уч шахс томонидан омонат мулки муставдиъга топширилганидан сўнг, омонат эгаларидан бири ўз улушкин сўраб келса ва ушбу ҳолатда омонат эгалари тўлиқ ҳолда бўлишмаса, Абу Ҳанифа наздларида, муставдиъ омонатни беришга ҳақли эмас. Аммо, Абу Ҳанифанинг шогирдлари қуйидагича фикр юритганлар: “Омонат эгаларидан бири, фақатгина ўзининг улушкин сўрагани учун, омонат қайтарилиши керак”- деб ҳисоблаганлар. Абу Ҳанифанинг фикрларига кўра эса, омонат сақловчи омонатни эгаларидан бирига бераётганида, ушбу объектни тақсимлаш мажбуриятини олган бўлиб ҳисобланади. Бу ҳолат эса, омонат шартномасига ҳос эмас деганлар.

“Хидоя”га кўра, агар омонат обьекти бир шахсдан иккинчи шахсга берилса, ва иккинчи шахс ўз навбатида, омонат обьектини учинчи шахсга топширса ва бунинг оқибатида омонат йўқолса, Абу Ҳанифанинг фикрига кўра, биринчи омонат сақловчи томонидан мулк эгасига ҳақ тўланиши шарт⁵².

Юқоридаги ҳолатларни Фуқаролик кодексининг 889-890-моддаларида қуйидагича талқин қилинишини кузатишимиш мумкин: “Омонат сақловчи сақлаш учун қабул қилинган ашё йўқолганлиги, кам чиқсанлиги ёки шикастланганлиги учун ушбу Кодекснинг 333-моддасида назарда тутилган асосларга кўра жавобгар бўлади.

Профессионал омонат сақловчи ашёнинг йўқолиши, кам чиқиши ёки шикастланиши:

енгиб бўлмас куч таъсири оқибатида;

⁵¹ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Расмий нашр. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Тошкент: Адолат, 2007. -358 б.

⁵² Маргинани Бурхануддин. Хидоя. Комментарии мусульманского права. В 2 ч. Ч. 1. - М.: Волтерс Клювер, 2008. – 197 с.

ашёning уни сақлаш учун қабул қилиш чоғида омонат сақловчи билмаган ва билиши шарт бўлмаган яширин хоссалари туфайли;

сақланадётган ашёning йўқолганлиги, кам чиққанлиги ёки шикастланганлиги юк топширувчининг қасдан қилганлиги ёки қўпол эҳтиётсизлиги натижасида юз берганлигини исботламаса жавобгар бўлади.

Шартномада назарда тутилган сақлаш муддати ёки омонат сақловчининг талабига кўра ашёни қайтариб олиши шарт бўлган вақт тугагач, юк топширувчи сақланадётган ашёни қайтариб олмаса, омонат сақловчи бундан буён ашё йўқолганлиги, кам чиққанлиги ёки шикастланганлиги учун қасдан ҳаракат қилган ёки қўпол эҳтиётсизлик қилган тақдирдагина жавоб беради” (ФКнинг 889-моддаси). Фуқаролик кодексининг 890-моддасида эса қуидаги холат эътироф этилган: “Ашё йўқолганлиги, кам чиққанлиги ёки шикастланганлиги туфайли юк топширувчига етказилган зарар, агар қонунда ёки сақлаш шартномасида бошқа ҳол назарда тутилган бўлмаса, ушбу Кодекснинг 324-моддасига мувофиқ омонат сақловчи томонидан қопланади.

Ашё текин сақланганида унинг йўқолиши, кам чиқиши ёки шикастланиши туфайли юк топширувчига етказилган зарар:

ашёлар йўқолганлиги ва кам чиққанлиги учун — йўқолган ёки этишмаётган ашёларнинг қиймати миқдорида;

ашёлар шикастланганлиги учун — уларнинг қиймати қанча суммага камайган бўлса, шунча сумма миқдорида қопланади.

Агар омонат сақловчи жавобгар бўлган ҳолда шикаст этиши натижасида ашёning сифати ундан дастлабки вазифаси бўйича фойдаланиш мумкин бўлмайдиган даражада ўзгарган бўлса, юк топширувчи ундан воз кечишга ва омонат сақловчидан ушбу ашёning қийматини, шунингдек, агар қонунда ёки омонат сақлаш шартномасида назарда тутилган бўлса, бошқа зарарни ҳам қоплашни талаб қилишга ҳақли”.

Маълумки, Рим ҳуқуқи билан мусулмон ҳуқуқи дунёдаги энг қадимги ҳуқуқ тизими бўлиб ҳисобланган. Рим ҳуқуқида, мусулмон ҳуқуқидан фарқли ўлароқ, мулк ҳуқуқи элементларининг 5 тури мавжуд. Булар:

- 1) мазкур мол-мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи (*ius possidendi*);
- 2) ундан фойдаланиш ҳуқуқи (*ius utendi*);
- 3) ҳосил ва даромад олиш ҳуқуқи (*ius fruendi*);
- 4) тасарруф қилиш ҳуқуқи (*ius abutendi*);
- 5) ўз мулкининг бошқалар қўлидан ўзига қайтарилиши талаб қилиб олиш ҳуқуқи (*ius vindicandi*).

Бу ҳуқуқлар хусусий мулк эгасининг ҳамма мулкларига ва уларга кўшила борган ашёларга дахлдор бўлган. Мулкдор бу ашёларни кўпайтиришда ўз меҳнати ёки бошқалар меҳнатидан фойдаланиши мумкин бўлган. Ер эгаси эса ерига ва унинг устидаги барча нарсаларга ҳукмронлик қилган.

Рим юристлари: “Мулкдор ўз мулки билан нима хоҳласа шуни қилиш ҳуқуқига эга, фақат у қонунда тақиқланган ишлардангина сақланиши керак”, деган фикрда бўлганлар. Бундай чеклаш кўпроқ кўчмас мулкка тааллуқли бўлган.

1.4. “Ҳидоя” бўйича мулк шакллари: уларнинг туркумланиш мезонлари ва турлари.

Мусулмон ҳуқуқида хусусий мулк ҳуқуқига катта эътибор берилган. Қуръонга асосан хусусий мулк муқаддас ва дахлсиз бўлиб ҳисобланади.

Рим ҳуқуқидаги квирит мулки ва перегринлар мулки ўртасидаги фарқ бўлганидек, мусулмон ҳуқуқи ҳам туб мусулмон араблар ва мусулмон динини қабул қилган аҳоли билан мусулмон бўлмаган, лекин мусулмон давлатига қарамлигини тан олиб, ўз динини сақлаб қолган холи-зимминлар мулк ҳуқуқи ўртасида фарқ бўлган.

Мусулмон ҳуқуқида мулк шакллари 3 хил турда бўлган. Буларга: мулк (ёки хусусий мулк) тариқасидаги ерлар; хирож (солик солинадиган) ерлар; ҳобус (хусусий мулк эгалари диний муассасалар ёки худойихоналарга мулк қилиб берган ерлар).

Мусулмон ҳуқуқида ерга бўлган хусусий мулк ҳуқуқи тўғрисида ҳар хил фикрлар мавжуд бўлиб, баъзи муаллифлар шарқда ерга нисбатан хусусий мулк ҳуқуқи бўлмаган, дейди бошқа бирлари ерга хусусий мулк ҳуқуқи бўлиб, у кенг ривожланган деб тушунтиради. Хусусий мулк эгасига мулқдан фойдаланиш (манфаат), эгаллаш (кабз), даромад олиш (томлик) ва тасарруф этиш ҳуқуқлари берилган⁵³.

Хусусий мулк билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солища “Хидоя” муҳим роль ўйнаган⁵⁴. Унга кўра, мулкни эгаллаш ҳуқуқи исботлаш воситаларидан бири бўлиб, ашё кимнингдир эгалигида мустаҳкамланган бўлмаса, унда тузилган битимлар ҳақиқий ҳисобланмайди, яъни юридик кучга эга бўлмайди.

Хусусий мулк_объектлари асосан эгалланган ерлар(мулк)дан иборат бўлиб, улар ўз навбатида вужудга келиши ва солик тўланиши ёки тўланмаслигига қараб, *мулки хурри-холис ва мулки хирон* турларига бўлинади.

Мулки хурри-холис ҳуқуқига эгалар-йирик ер эгалари ва жамият ихтиёридаги шахслардан иборат бўлиб, улар ҳар қандай соликлардан озод эдилар ва ўз ерларини ери бўлмаган ёки кам ерга эга бўлган мардикор ва чорикорларнинг меҳнатидан фойдаланиб ишлатар эдилар.

Мулки хиром ҳуқуқига эга бўлганлар асосан ер эгалари, аҳолининг кўп қисмини ташкил қилувчи меҳнаткаш деҳқонлардан иборат бўлиб, улар шариат бўйича олинган ҳосилнинг ўндан бир қисми миқдорда мўмай (натурал) солик (хирож) тўлашга мажбур эдилар.

Чорвадор ва бошқа меҳнаткашлар, шунингдек оила аъзоларининг хусусий мулклари бўлиб, уларнинг ўзларига тегишли турар жой, уй-рўзғор

⁵³ Ахмеджанов У. М. Институт собственности в мусульманском праве. 1963. -13-14 с.

⁵⁴ Хидоя. Комментарий мусульманского права. Т. 1-4. –Т.: 1893.

буюмлари, уй ҳайвонлари ва шахсий истеъмол учун бўлган бошқа нарсалардан ташкил топади.

Косиб ва хунармандларнинг хусусий мулклари уларнинг ўз шахсий меҳнаткашлари, оила аъзолари ва ёлланган шахслардан олинган даромадлардан, йирик бўлмаган ишлаб чиқариш воситалардан иборат эди.

Хусусий мулк биринчи галда мулк эгаларининг ўзлари томонидан химоя қилинарди. Мулкий ҳукуқ бузилган тақдирда мулк эгасининг шикоятларига асосан ушбу ҳукуқ қози(суд) томонидан тикланиши назарда тутиларди. Мулкий ҳукуқни тиклаш учун мусулмон ҳукуқида даъво муддати жорий қилинмаганлиги туфайли, қози мулк эгасининг шикояти ушбу қоидага биноан рад қилиш ҳукуқига эга эмас эди. Ўтмишда Ўзбекистонда ишлаб чиқариш ва иқтисодий муносабатларни дехқончилик ва чорвачиликка асосланган бўлганлиги туфайли ер майдонлари ва участкалари фуқаролик-ҳукуқий муносабатларининг асосий обьектларидан ҳисобланиб келинган. Ер ҳам давлат мулки ҳам хусусий мулк ҳукуқини обьекти сифатида фуқаролик муомаласида бўлди. Қайси мулк ҳукуқининг обьекти бўлишидан қатъий назар ер муқаддас (дахлсиз) мулк сифатида муҳофаза қилинади. Фуқаролик-ҳукуқий муносабатларининг ердан бошқа обьектлари мусулмон ҳукуқининг тегишли қоидаларига мувофиқ тартибга солинади.

Хирож ерлари. Яъни, ерга солиқ тўланадиган ерлар. Халифаликка ихтиёрий равишда бўйсунган жойларда маҳаллий аҳоли ерга бўлган мулк ҳукуқини сақлаб қолган бўлса, фатҳ этилган ҳудудларда мусулмон жамоаси ерга нисбатан олий ҳукуққа эга бўлган. Ер эгалари бу ер авлоддан авлодга ўтишини истисно этувчи айрим узуфрукт ҳукуқинигина сақлаб қолганлар.

Узуфрукт (лотинча сўз бўлиб) — роман давлатлари ҳукуқида қонунга биноан ёки шартнома бўйича бошқа шахсга қарашли мол-мулкнинг моҳиятини сақлаб қолган ҳолда ундан фойдаланиш, унинг меваларини ўзлаштириш ҳукуқи. Узуфрукт умрбод, муайян муддатга ёки юз бериши узуфруктари (фойдаланувчи) ҳукуқини тугатувчи шарт билан белгиланиши мумкин.

Бундай ерлар хирож ерлар деб аталган, чунки уларга ҳар йили мол ёки пул кўринишида ундириладиган солиқ-хирож солинган. Хирожнинг қонуний хусусияти ижтиҳод қоидаларига асосланади.

Шуни таъкидлаш зарурки, хирожнинг назарий асослари ҳижрий V асрда вужудга келган. Илк ислом даврида фатҳ этилган ерлар аскарларга мулк қилиб берилган, лекин бу сиёsat қўшинни заифлаштириш билан бир вақтда, хирожга қараганда, камроқ солиқ-закот ундирувчи давлатга зиён етказган. Шу сабабли халифа Умар даврида ерни мулқдорлари ихтиёрида қолдириб, уларга хирож тўлаш мажбуриятини юклаган, шу билан бирга, мулқдорнинг ислом динига кириши ҳам, ер майдонларининг мусулмонларга сотилиши ҳам бу ерларни солиқ-хирож тўлашдан озод қилмаслигини белгилаб қўйган.

Давлат мулкига қуйидагилар киради: а) эгасиз ерлар; б) иқтисодий ва стратегик аҳамиятга эга бўлган ерлар; в)"ўлик" яъни фойдаланмай ётган ерлар; хабус(вақф) мол-мулки.

Ер давлат мулкининг асосий обьекти ҳисобланади. Ишлов бериладиган ер деҳқонлар қўлида бўлиб, ундан фойдаланганликлари учун ер режаси ва бошқа солиқлар давлатга тўланади.

Вақф мулки билан боғлиқ муносабатлар хуқуқнинг алоҳида институти бўлмиш вақф мулки хуқуқи билан тартибга солинади.

Вақф мулки – турли диний жамиятлар (масжитлар), ўкув юртлари(мадрасалар) ва бошқа муассасалар фойдасига васият қилиб қолдирилган мол-мулк, уларга ўtkазилган турли хайр-эҳсонлар, ёрдамлар, садақалар ва ёрдамлар ҳисобига ташкил топади.

Вақф мулк хуқуқи обьекти бўлиб, катта майдонлардан иборат суғориладиган ерлар, кўчмас ва кўчар мол-мулклар, жумладан, карvonсаройлар, ҳаммоллар, савдо бинолари ва омборлар, тегирмонлар, мадраса бинолари, ётоқҳоналар, шунингдек фойда келтирадиган даромадлар, бошқа мол-мулклар ҳисобланади.

Вақф мулкини ифодаловчи асосий хусусиятлари шундан иборатки, унинг обьекти ҳисобланувчи мол-мулк фуқаролик муомаласидан чиқарилган бўлади. Вақф мулкини таъсис этиш қўйидаги шартларга асосланади:

А) таъсис этувчи мол-мulkни тасарруф этиш лаёқатига эга бўлиши керак (бундай шахс мусулмон бўлиши зарур, лекин Худо йўлига садақа қилувчи христиан ёки яхудий бўлишига ҳам йўл қўйилади);

Б) таъсис этувчи вақф мулки ҳуқуқининг эгаси ёки биргаликда эгалик қилиш ҳуқуқига эга бўлиш керак. Шунинг билан бирга, ушбу мулк кўчмас ва нақд ҳолатда бўлиши керак (фойдаланиш мумкин бўлмаган ер ёки истеъмол хусусиятига эга бўлган ашёлар вақф мулки бўлишига йўл қўйилмайди);

В) таъсисчи мулкни эгаллаш ҳуқуқидан тўлиқ воз кечиши керак, чунки вақфнинг ўрнатилиши мол-мулкни узуфруктга ўтказиш билан тенглаштирилади;

Г) вақфни таъсис этиш учун ўрнатиладиган тартибга, унинг шаклига риоя қилиш зарурлиги талаб қилинади.

Вақф мол-мулкига солиқ солинмайди ва бошқа йиғимлар талаб қилинмайди. Ўз мол-мулкини вақфга ўтказган шахслар мусулмон руҳонийларининг ҳурматига сазовор бўлади. Ислом ҳуқуқига асосан вақф мулки ўзининг ҳуқуқий ҳолати бўйича муқаддас ҳисобланади ва ҳеч ким томонидан тортиб олинишига йўл қўйилмайди. Вақф ихтиёридаги мулкни сотиш, ҳадя қилиш ёки мажбуриятни таъминлаш учун ундан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Маълумки, “Ҳидоя”да “вақфлар китоби” мавжуд бўлиб, ушбу китобнинг асосий қоидаларини қўйида келтириб ўтамиш.

Вақфнинг луғавий маъноси — боғламоқ, деган мазмунни билдиради⁵⁵. Шариат истилоҳида эса вақф моддий бойликни вақф қилган киши эгалигига боғлашлик ва орият (фоизсиз қарз бериш)да мумкин бўлганидек фақирларга манфаати билан ёрдам беришлиkdir. Вақфнинг қачон кучга кириши хақида

⁵⁵Қаранг: Исҳаков С.А. Бурхондин Марғиноний ва фикҳ илми. -Тошкент: 2000. –С.63-72.

фиқҳ уламолари қуидагича фикр билдиришган: Имом Абу Юсуф ва Имом Мұхаммад яна: “Вақф молни Аллоҳнинг мулкиётига боғлашлиқdir, шу зайлда вақф моли кишининг мулкидан чиқиб, Аллоҳнинг мулкига ўтади, фойдаси эса бандаларга оид бўлади. Ушбу сабабга кўра ҳам вақф доимий қолиб, у сотилмайди ҳам, ҳадя қилиб, инъом ҳам этилмайди ва мерос қилиб ҳам берилмайди”, деб ҳисоблаганлар. Бу машхур икки фақиҳ ўз сўзларига Ҳазрати Умар Самиғ номли киши ерини садақа қилиб беришни хоҳлаганида Расулуллоҳ (САВ) унга: “Сотилмаслик, мерос қилиб қолдирмаслик ва эҳсон қилиб юбормаслик шарти билан ерингни аслини садақа қил”, деган гапларини далил қилгандар. Бу икки ҳуқуқшуноснинг фикрига кўра аслида ҳам савобнинг тўхтовсиз бориб туришлиги учун ҳам вақф қилинган мулк доимий бўлиши керак. Ушбу тарздаги доимийлик эса, факат вақф қилувчининг моликлик ҳаққини ўртадан олиб ташлаб, молни Аллоҳга бағишлишилиги билан сакланиб қолиши мумкин. Ҳазрати Имом Абу Ханифа эса ўз сўзларини ҳам Насс билан, ҳам ақлий далил билан исботлаганлар. Абу Ханифа Расулуллоҳ (САВ)нинг: “Моллар ворислар орасида тақсим қилинишдан тўсиб қолинмайди”, деган ҳадисларини, ҳамда машхур саҳоба Шурайхнинг: “Расулуллоҳ (САВ) жоҳилият даврида вақф қилинган моллар сотилишини буюрганлар”, деган сўзларини далил қилиб келтирганлар, Жоҳилият даврида бўлса ҳам вақф қилинган молларни сотишиликка буюрганларидан кўриниб турибдики, ўша молларнинг моликлик (эгалик) ҳаққи ўз эгаларига тегишли бўлган. Агар моликлик уларнинг қўлидан кетган бўлганда эди Расулуллоҳ (САВ) вақф қилган кишиларга ўша молларини сотишини буюрмаган бўлардилар. Ушбу моллардан зироат учун, уй бино қилиш учун ва бошқа соҳаларда фойдаланиш мумкин. Демак, вақф қилувчи вақф қилган еридан олинган маҳсулотларини жойида ишлатиши ва тартибли ишлатилишини назорат қилиб туришиликка ҳақлидир. Факат у ушбу молларнинг маҳсулотларини садақа қилиб беради. Вақф эгасининг ушбу тарздаги тасарруфга эга бўлишилиги учун, албатта, молнинг ўз мулкиётида бўлиши лозим. Ушбу ҳолдагина ўзидан кейин молни унинг мулкиётидан

чиқариб, бошқа биронинг мулкиётига ўтказишилик жоиз бўлади. Юқорида Абу Ханифанинг: “То қози ҳукм қилмагунича ёки вақф қилган кимса вақфий ўз ўлимига боғламагунича унинг вақф молидаги эгалик ҳаққи ўртадан кўтарилимайди”, деган сўзлари ҳақида, буюк ватандошимиз Бурхониддин Марғиноний: “Ижтиход қилишилик мумкин бўлган ўринда ҳукм беришиликдир” деб Абу Ханифанинг мулкчилик масалаларида қозининг нуфузини кўрсатиб ўтганларини эслатганлар, “Хидоя”да келтирилишича, ўлимига боғлаш ҳолатида мулк вақф қилувчининг мулкиётидан чиқиб кетмайди, балки вақф молининг маҳсулотлари доимий равишда фақирумискинларга садақа қилиб турилади. Бу худди, бирор молнинг фойдасини то қиёматгача садақа сифатида берилишини васият қилганлик ҳолати каби давомли бўлади. Ўлими арафасида, бетобланиб ётган чоғида молини вақф қилган кишининг масаласида уламолар ихтилоф қилишган. Абу Ханифага кўра, бу вақф давомийликни наслб қилмайди, Абу Юсуф ва И мом Муҳаммадга кўра эса давомийлик қозонади, лекин бу ҳукм вақф қилинган молнинг учдан бирига ўтиши мумкин дейишган. Соғлом ҳолатда вақф қилинганда эса бу ҳукм мулкнинг ҳаммасини қамраб олади.

Бу факиҳларни ўзаро ихтилофларига қарамай қилинган вақф қабул қилинади, шу билан вақф мулки, вақф қилувчининг мулкиётидан чиқиб кетади, лекин қайси инсоннинг номига вақф қилинган бўлса, бутунлай ўтиб кетмайди. Яъни тўлиқ тасарруфга эга бўлмайди. Ханафий уломаларининг энг кўзга кўринадиган томонларидан бири шундаки, унда ҳали содир этилмаган ишга ҳам шариат кўзи билан қараб баҳо берилади, И мом Абу Юсуф ҳали тақсим қилинмаган молни ҳам вақф қилса бўлади, деб фикр билдирганлар, чунки у кишининг наздида ўша тақсим қилиниши лозим бўлган моллар, вақф қилувчининг насибаси борлиги кифоя қилинган, И мом Муҳаммад наздларида эса вақф қилувчи қўлида бўлган нарсани вақф қилиши лозим бўлганлиги учун ҳали тақсим қилинмаган молни вақф қилишилик мумкин эмас. Бу ихтилоф тақсим қилиниши мумкин бўлган молларда катта роль ўйнайди. Лекин, тақсим қилинмайдиган молларда И мом Муҳаммадга кўра муштарак

ҳолда ҳам вақф жоиздир (яъни, бир молда бир неча киши шерик). Фақат бу моллар масжид ва қабристон учун вақф қилишга ярамайди, Абу Юсуф фикрларига кўра ҳам тақсим қилинмаган молни масжид ва қабристон учун вақф қилиб бўлмайди, чунки шерикликнинг давом этиши вақф қилинган молни Аллоҳ ризоси учун қўлланишига тўсиқ бўлади. Мисол учун, бундай “ерда шериклардан бири бу йил ўликлар учун мозор бўлиб хизмат қиласди, деса, келаси йили шериги бу йил экин экамиз, деса ёки бу йил ушбу ерда намоз ўқиласди, деса шериги эса бу йил энди бу ерда мол боқамиз, деса, қанчалик носоғлом ҳолатни келтириб чиқариши кабидир. Аммо масжид ва қабристон атрофидаги вақф қилинган ерлар масаласи бундай эмасдир, чунки ундан фойдаланиш мумкин ва маҳсулотлари вақфнинг эҳтиёжига кўра, тарқатилиши мумкин.

Вақф қилган киши молнинг ҳаммасини вақф қилганидан сўнг тақсимот бўлиб, бу молдан унга бир бўлагигина тегса, Имом Муҳаммадга кўра, бу умумийлик (шериклик) илгаридан мавжуд бўлганлиги учун ҳадяда бўлганидек вақф бузилади. Фақат бетоблик чоғида ҳадя ёки вақф қилган бўлса-ю, лекин, унинг ўзи бир қисмидан воз кечса (фикридан қайтса) ёки ўлганидан сўнг унинг ворислари молнинг учдан икки қисмини талаб қилса, бу ҳолатда умумийлик қайта майдонга келганлиги учун ҳадя ва вақф меросхўрлардан қолган қисмларда бузилмайди. Агар вақф қилинган молнинг ажратилган маълум бир қисми бошқа бировга тегишли эканлиги маълум бўлиб қолса, у ҳолда умумийлик ягона молда бўлмаганлиги учун вақф бузулмайди. Мулкни вақф қилаётганда, Абу Ханифа ва Имом Муҳаммадга кўра, вақф кучга кириши учун ниҳоясиз (сўнгсиз) бир жиҳатга боғланishi шарт. Имом Абу Юсуфга кўра, эса, охири маълум бўлган жиҳатларга боғланса ҳам вақф жоиз бўлиб, у жиҳат охирига етганда, вақф исмларидан сўз юритилмаса, қилинган вақф моли факирларга ўтади.

Шаръий масалаларда фуқаролар илгари ўтган сахобаларнинг қилган ишларидан ҳам бирор шаръий хукм татбиқ қилишган. Худди шунга кўра, Расулуллоҳ (САВ) даврларида бир жамоат сахобаларнинг кўчмас

мулкларини вақф қилганлари эътибори билан, вақф қилувчи киши кўчмас мулкни вақф қилиши мумкиндири. Ханафий мазҳаби намоёндалари бир овоздан кўчириладиган ва ўзгартириш мумкин бўлган молни вақф қилиш мумкин эмас, дейишган. Абу Юсуф кўчмас мулк ҳақида яна шундай қўшимча қилган: “Бир киши кўчмас мулқда ҳайвонлари ва бу ҳайвонларни боқувчи бўлган ўз қули билан биргаликда вақф қилиши жоиздир”. Худди ушбу шаклда ер ҳайдашлик учун, ерга ишлов бериш учун зарур бўлган иш қуроллари ҳам вақф қилиниши фақихлар томонидан рухсат этилган. Ханафий уламолари шаръий масалаларни ҳал қилишда фақат қиёсдан моҳирона фойдаланибгина қолмай, балки “истихсон”дан ҳам унумли фойдаланганлар.

Имом Муҳаммад ва Абу Юсуф истихсонга⁵⁶ кўра, от ва қурол-аслаҳани Аллоҳ йўлида вақф қилиш жоиз, дейишган, ваҳоланки, қиёсга кўра бу мумкин эмасди. Истиҳсоннинг таянчи бу борада ворид бўлган ҳадислардан бири, яъни “Расулуллоҳ (САВ)нинг — “Холид зирхини ва отини Аллоҳ йўлида вақф этди, Талха ибн Убайдуллоҳ эса, зирхини Аллоҳ йўлида вақф этди” деган сўzlаридир. Ханафий мазҳаби вакилларининг энг кўзга кўринган томонларидан яна бири улар бошқа мазҳаб вакиллари тан олмайдиган фикҳий ҳолат — “таомул”ни ҳам шаръий эътибор билан баҳолаганлар. Абу Юсуф бу фикрга қўшилмай, насс⁵⁷ бор жойда қиёс қилинмайди, Нассда эса фақат отлар ва қурол-аслаҳалар зикр қилинган деб Имом Муҳаммад фикрига раддия берганлар, Имом Муҳаммад эса истиснода⁵⁸ бўлганидек қиёснинг баъзан таомул туфайли тарқ этилиши ва юқорида зикр этилган ашёларда ҳам таомулнинг мавжудлигини айтган. Нусайр ибн Яҳёдан Куръон ҳукмида бўлган шарт билан ўз китобларини вақф қилганликлари ҳақидаги ривоят Имом Муҳаммаднинг сўzlарини янада қувватлайди.

Бурҳониддин Марғиноний ҳам ушбу фикрга қушилиб, хоҳ Курон, хоҳ бошқа диний таълимотларни ўз ичига олган китобларни ҳам вақф қилиш

⁵⁶Киёснинг иккинчи тури, луғавий маъноси, бир ишни яхши деб санаш.

⁵⁷Куръон ояти, ёки сахих ҳадис.

⁵⁸Шариатда кўrsatilmagan масалалarda факихлар томонидан ҳал қилиб берилган фикҳий ечим.

жоиз деганлар. Машхур фақих Абу Лайс Самарқандий ҳам уларнинг сўзини кувватлаганлар.

Шофиъий мазҳабининг асосчиси Имом Шофиъий бу соҳада қуидагича фикр билдирганлар: асли айнан қолиб фойдаланиш ва сотиш мумкин бўлган ҳар қандай нарсани вақф қилиш мумкинdir. Чунки ундан фойдаланиш нуқтаи назаридан, улар ҳам кўчмас мулк ёки от ва қурол-аслаҳа хукмида бўладилар.

Ханафий мазҳаби тарафдорлари бу фикрга қўшилмаганлар, улар Имом Шофиъийга жавобан: “Вақф учун шарт бўлган абадият, ташиш мумкин бўлган молларда рўёбга чиқмаганлиги учун улар ҳам олтин ва кумуш хукмидадирлар”, дейишган. Кўчмас мулк эса ундан фарқ қиласи, яъни унда вақф абадийлашади. Айни замонда таомул тарафидан бизнинг фикримизга қарши бирор далил бўлмаганлиги учун қиёснинг аслига суюниб қолаверамиз. Маълумки от ва қурол-аслаҳа мусулмонлар тарихида жиҳод анжомлари ва дин таъбири билан айтганда, “жиҳод - диннинг чўққиси” ҳисоблангани учун курол ва отдан ташқари ташиш мумкин бўлган барча моллар уларга тенг қийматда эмас. Вақф аниқ, муайян бўлганидан сўнг уни сотиш ёки бошқасига мулк қилиб бериши мумкин эмас, Абу Юсуф шу ўринда, агар вақф моли бўлиниши мумкин бўлган шериклик моли бўлса, икки оти тараф тақсимни исташи мумкин (талаб қилишга ҳақли) ва ушбу молдан ҳисса (улуш) олиши тўғридир. Агар ҳали тақсим қилинмаган ва икки киши ўртасида бўлган кўчмас мулкни улардан бири вақф қилса, ҳисса ажратишни шериги билан ўзи ҳал қиласи, Иттифоқо шериги вафот этган бўлса, ҳисса ажратишга унинг васийси — марҳумнинг ваколатли кишиси ҳам ҳақли бўлади.

Аммо ўз мулкининг ярмисини вақф қилган бўлса, бу ҳолатда ҳиссаланишни қози билан амалга оширади ёки қолган улушни бошқа бир одамга сотиб ҳиссаланишни у билан қилиб бўлгач, унга сотган нарсасини ундан такрор сотиб олади, чунки бир киши бир вақтнинг ўзида ҳам насиба ажратган, ҳам насибаланган бўла олмайди. Ҳиссалашилган даврда ўртадаги пулларда тафовут бўлиб қолса, у ҳолда вақф қилган кишига вақф моли

баробарида пул берилиши мумкин эмас, лекин вақф қилган инсон ушбу тафовутни бартараф этиш учун пул бераётган бўлса, бу жоиз бўлиб, гўёки бу ҳолатда берилган сумма миқдорида мол сотиб олинган ҳисобланади.

Мулкни вақф қилаётган вақтда вақф қилувчи шарт қўйса ҳам, қуймаса ҳам мутавалли (иш бошқарувчи, яъни вақф мулкини бошқарувчи) вақф молини манфаат берувчи, маҳсулдор ҳолда сақлаши ўз-ўзидан шарт бўлади. Чунки, вақфдан асосий мақсад, вақф фойдасининг давомий ҳолда қўлланишидир. Маҳсулдор бўлмаган мол фойдасининг давомий бўлиши эса, турган гапки, мумкин эмас. Ушбу эътибор билан вақфни маъмурий (обод, манфаатли, маҳсулдор) ҳолга келтирилиш шарти ўз-ўзидан майдонга келади, Ўлимидан сўнг фақирларга ўтиши шарти билан маълум бир кишига қилинган вақф учун керакли сарфлар, масъул ҳисобланмиш кимса томонидан қопланади. Уни ҳаёти давомида бу ҳолат сақланиб қолиб, ундан фақат вақфнинг эски ҳолатини сақлаб қоладиган даражада харажат олинади, холос.

Вақт ўтиши натижасида вақф моли эскирган ёки қулаган бўлса, у фойдаланадиган даражадаги ҳолатга келтириб қўйилади. Чунки, вақф молининг фойдаси (яъни тушум) номига вақф қилинган кимсага тегишли бўлган, шу жиҳатдан ҳам ундан ушбу бинони тузатиб қўйишга етадиган маблағ сўралади, ортиқча талаб қилишлик эса шаръян мумкин эмас. Вақф қилинган бинодан тушган фойда эса унинг ҳақи ҳисобланиб, унинг розилигисиз бошқа мақсадларда ишлатиб бўлмайди. Энди вақф бир кимсанинг номига эмас, фақирлар номига қилинган бўлса, у ҳолда айрим фақихларнинг сўзларига кўра, уларнинг розиликлари бўлмаса ҳам тушумдан ушбу бинонинг манфаатдорлигини қайта тиклаш учун олиб ишлатилади. Агар бир киши уйини унда фарзандининг яшашини шарт қилиб вақф этса, у ҳолда ушбу уйни маъмурчилигига уйда яшовчи киши масъул бўлади. Аммо уйда яшовчи киши ўз ҳуқуқидан фойдаланиб, буни рад этса ёки у фақир бўлиб, ушбу уйни тузатишга қурби етмаса, бу ҳолда қози вақф қилинган мулкни сақлаб қолиш мажбуриятини тушуниб етган ҳолда ушбу уйни ижарага қўяди, ижарадан тушган маблағга эса уни таъмирлайди, сўнг уйни

номига вақф қилинган кишига қайтаради. Шу тариқа вақф қилинганинг ва яшовчининг хуқуқлари сақланган бўлади. Нима учун қози уйни ижарага берганлигига келсак, унда яшовчи киши, гарчи вақф қилиб кетган инсоннинг фарзанди бўлсада, уй унинг том маънодаги мулки ҳисобланмаганлиги учун фарзанд уни бирорга ижарага беришга хуқуқи йўқ. Мана шу боисдан ҳам бу масалани қози ҳал этади. Вақф мулки мусулмон қонунчилигига дахлсиз ҳисобланади.

Мусулмон хуқуқшунослари вақф масаласида энг майда деталларга ҳам эътибор беришган. Мисол учун “Хидоя” матнида келган: “Вақфнинг эски қурилма ва майда-чуйда қурилиш аслаҳаларини қози вақфни таъмирида қўллайди. Агар ушбу ашёларга эҳтиёж бўлмаса, уларни келаси таъмир вақтигача сақлаб қўяди”, деган ибора сўзимизга далил бўла олади . Мусулмон хуқуқшунослари фикрига, агар бузилган иморатнинг (яъни вақф қилинган) қурилиш моллари уни тузатишга ярамаса, уларнинг ўзини сотиб, ўша пулга таъмир учун ярайдиган ашёлар сотиб олинади. Ушбу эски қурилиш моллари вақф қилинганлар орасида тақсимланишига йўл қўйилмайди, чунки бу вақф қилинган мулкнинг бир бўлаги бўлганлиги учун унда вақф қилинганларнинг ҳақлари йўқ. Уларнинг фақат вақф фойдасида ҳақлари бор, холос, Вақф асли Аллоҳга оид бўлганлиги учун бу ҳолатда уларга фақат вақф фойдасидан берилади. Ханафий мазҳаби тарафдорлари вақф фойдаси ҳақида ҳам бир қанча фикрларни билдирганлар: агар вақф қилган кимса вақфнинг фойдасини ўзига тахсис (тааллукли) қилса ёки мутаваллийликни бўйнига олса, бу Абу Юсуфга жоиздир, Имом Муҳаммад эса қиёсга кўра мумкин эмас, дейдилар. Бунга, Ханафий мазҳабида кўзга кўринган машҳур фақих Ҳилол ар-Розий ибн Яҳё ал-Басарий ҳам қўшилганлар. Аслида бу ихтилоғли масаладир, Машҳур икки Имом ўз сўзларини қўйидагича асосламоқчи бўлганлар:

Имом Муҳаммад: “Вақф, илгари айтганимиздек, бошқа кимсанинг мулкига ўтиши туфайли молни ўз ихтиёри ила беришлиқдир. Ҳолбуки шундоқ экан, вақф қилувчи вақф моли баъзисининг ёки ҳаммасининг

фойдасини ўзига хос бўлишини шарт қиласидиган бўлса, у ҳолатда бу вақф бекор ҳисобланади, Чунки киши ўз молини ўзига бериши, бу ақл кўтарадиган иш эмас”, дейдилар.

Имом Абу Юсуф эса: Пайғамбаримиз (САВ) ўз садақаларидан еганлари ҳақидаги ривоятга таянганлар. Абу Юсуфга кўра, киши шарт қўйишлик сурати или ўз садақасидан ейиши мумкин, чунки Абу Юсуф вақф ҳақида: “Вақф, бу мулкни савоб ҳосил қилишлик учун Аллоҳга бағишлишдир”. Шу тарзда вақф қилган инсон Аллоҳга оид бўлган молни ўзлаштирган ҳисобланиб, юкорида келтирилганидек, ўз молини ўзига берган дейилмайди. Масалан: бир карvonсаройни ёки ўз ерининг бир қисмини қабристон учун вақф қиласар экан, мазкур карvonсаройга қатнаши ёки омбор сувидан ишлатиши ёки ўлиги ушбу мозорга қўмилишини шарт қилиши жоиз бўлгани кабидир, Айни вақтда вақфдан қўзда тутилган мақсад савоб — кишини ўз нафсига сарф қилиши билан ҳам эришилади. Расулуллоҳ (САВ) бу ҳакда: “Кишини ўз нафсига харожат қилиши ҳам садақадир”, деганлар. Яна Абу Юсуфнинг фикрига кўра вақф қилган киши истаган вақтида вақф қилган ерини бошқа бир ер билан алмаштиришни шарт қилишга ҳақлидир. Имом Мухаммад бу фикрга эътиroz билдириб, бу ҳолатда “вақф жоиз, лекин шарти ботил” деган.

Агар вақф қилувчи ўзи учун давр ичида ихтиёр олиб, шу уч кун ичида воз кечишликни шарт қилган бўлса, Абу Юсуфга кўра, вақф ҳам, шарт ҳам жоиз ҳисобланса, Имом Мухаммадга кўра, вақф ботилдир, Ҳилол ар-Розий: “Баъзи фақиҳлар вақф қилувчи мутаваллийликнинг ўзига тааллуқли бўлишини шарт қилса, бу вазифа уники бўлади, агар бу мазмундаги шарт булмаса, вақф қилувчи мутаваллий бўла олмайди”, деб фикр билдирган, деганлар. Таниқли фақиҳ олимлар бу сўз Имом Мухаммадга тегишли бўлса керак, чунки Имом Мухаммад фикрига кўра, вақф саҳиҳ бўлишлиги учун вақф қилувчи мулкини мутаваллига топшириши шарт эди, деганлар, Бу ҳолатда эса вақф қилувчи вақф молини таслим қилганидан сўнг у молга ўзи бошқарувчилик қила олмайди. Вақфнинг мутаваллийлигини ўзига шарт

қилган киши ишончли шахс бўлмаса, фақирларнинг ҳаққини асраш мақсадида қози ундан мутаваллийликни олиб қўйиши мумкин. Агар васий (мархум томонидан ишонч билдирилиб, фарзандларига раҳнамо қилиб васият қилинган шахс) ҳам ишончли шахс деб эътироф этилмаса, қози уни ҳам бу ишдан озод этишга ҳақли. Вақф этиш чоғида вақф этувчи ўзини на султоннинг ва на қозининг амри билан мутаваллийликдан озод қилмаслик шартини қўйса, бу шарт мусулмон ҳуқуқи меъёrlарига зид бўлгани учун бекор қилинади.

П БОБ. “ҲИДОЯ”ДА МУЛК ҲУҚУҚИННИГ СУБЬЕКТЛАРИ ВА ОБЪЕКТЛАРИ.

2.1. “Ҳидоя” бўйича мулкдорлар ва уларнинг ҳуқуқий ҳолати

Қайд этиш лозимки, “Ҳидоя” да мулк субъектларига бағишлиланган алоҳида китоб бўлмаса-да, биз, турли шартномаларда келтирилган маълумотлардан келиб чиқкан ҳолда, мулкдорларнинг ҳуқуқий ҳолатини очиб бериш ва миллий қонунчилигимиз билан ўзаро боғлиқлигини ва фарқларини кўрсатиб беришга ҳаракат қиласиз.

Шариат бўйича фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари (муомалот) батафсил тартибга солинади. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларининг субъекти жисмоний шахслар бўлиши мумкин. Шариат юридик шахсларнинг ҳуқуқий ҳолатини алоҳида тарзда кўриб чиқмайди. Жисмоний шахслар томонидан қилинган фуқаролик–ҳуқуқий ҳаракат қонуний (халол) ва йўл қўйилган (жоиз) ёки қонунсиз, йўл қўйилмаган (ҳаром) бўлиши мумкин. Ҳаракат, шунингдек, шариат нуқтаи назаридан мақтовга лойик (мустаҳиб) ва танбеҳли (макрух), мажбурий ва мажбурий бўлмаган каби турларга бўлинади.

Жисмоний шахсларнинг лаёқатлигига жинси, табақаси, мулкий аҳволи, айниқса эътиқоди таъсир этади. Тўлиқ даражадаги ҳуқуқ лаёқатига ва муомала лаёқатига мулкдор мусулмон эркак кишилар, ҳукмрон табақа вакиллари эга бўлган. Ҳуқуқий лаёқат туғилишдан бошлаб, мерос масалаларида эса туғилмасдан ҳам аввал вужудга келган ва ўлим билан ёки бедарак йўқолиш билан тугаган. Ёш болалар, 15 ёшга тўлмаган вояга этмаганлар, шунингдек, руҳий касаллар ва ақли заифлар муомала лаёқатига эга эмас, деб ҳисобланган.

“Ҳидоя”да ёзилишича, муомала лаёқати эркакларда ўн саккиз ёшдан, аёлларда эса ўн етти ёш деб саналади. Айтиш жоизки, мусулмон ҳуқуқига кўра, муомала лаёқати ва жинсий етуклик бир хил маъно касб этади. Абу Ҳанифанинг шогирдлари наздларида, аёл ва эркак муомала лаёқатига ўн беш

ёшида эга бўладилар. Абу Ҳанифага кўра, эса, эркаклар ўн тўққиз ёшда муомала лаёқатига эга бўладилар. Айтиш жоизки, агар эркак ва аёл ўзини муомалага лаёқатли ва балофат ёшига етган, деб эълон қилса, уларни гаплариға ишониш даркор. Ва албатта, улар муомала лаёқатига эга шахслар сифатида, умумий қонун қоидаларга риоя этишлари мумкин бўлади⁵⁹. Кўриб турганимиздек, мулк ҳуқуқи субъектларининг ҳуқуқ ва муомала лаёқатида бир қанча ўхшаш тарафлари ҳам мавжуд. Масалан, субъектларнинг ҳуқуқ лаёқати туғилганидан пайдо бўлиши, ёки, мерос ҳуқуқи боланинг туғилмасидан вужудга келиши бизнинг миллий қонунчилигимизда ҳам акс этган. Аммо, эркак ва аёлларнинг муомала лаёқатига эга бўлиш ёши ҳақида бир қанча фақиҳларнинг фикри ҳар хил бўлсада, умумий тўхтамга келганда, ўн саккиз ёш сифатида қабул қилинган.

Айтиш жоизки, “Ҳидоя”да, балофат ёшига етмаган, ақли заиф ва қулларнинг субъект сифатида ҳуқукий ҳолати ҳақида алоҳида китоб ажратилган бўлиб, “Китоб ул-Хажр” деб номланган. Ушбу китобда ёзилишича, муомала лаёқати чекланганлар қаторига: вояга етмаган шахслар, қуллар ва ақли заифлар кирганлар. Вояга етмаган шахсларнинг мулкий муносабатларга кириши учун, уларга васий бўлган шахснинг розилиги керак бўлади ва шундагина уларнинг ҳуқукий ҳаракатлари қонуний деб эътироф этилади. Қулларни мулкий муносабатларга киришиши учун, уларнинг хўжайинларини розилиги керак бўлган. Ақли заифларнинг ҳар қандай муносабатда иштирок этиши ноқонуний саналган.⁶⁰

Ислом ҳуқуқшунослигида ҳомийлар уч гурухдан бирига мансуб бўладилар:

- 1) табиий ҳомийлар, улар қариндошлиги жиҳатидан валийлар дейилиб, уларга ота ва бобо киради;
- 2) васиятга кўра тайинланган ҳомийлар, яъни васийлар;
- 3) ҳукумат томонидан тайинланган ҳомийлар, яъни қайюмлар.

⁵⁹ Маргинани Бурхануддин. Ҳидоя. Комментарии мусульманского права. В 2 ч. -М.: Волтерс Клювер, 2008. - 291 с.

⁶⁰ Ўша китоб. Стр.282

Ота ва бободан иборат табиий ҳомийлар ҳеч ким томонидан тайинланмайдилар ва ҳомий деб тасдиқланмайдилар. Уларга бундай тавсиянинг кераги йўқ. Улар ўз фарзандларига оталиклари сабабли ҳомийлик қилишга тўра ҳақлидирлар.

Васият орқали тайинланиш ҳуқуқидан факат ота ва боболар фойдаланишлари мумкин. Абу Ҳанифанинг фикрига кўра, ота ва бободан ташқари, яқин қариндошлар ҳам вояга етмаган болалар учун васият орқали ҳомий тайинлаш ҳуқуқига эгадирлар.⁶¹ Шиа оқими намоёндаларининг фикрига кўра, васият орқали ҳомий тайинлаш ҳуқуқидан факат ота боболар фойдаланиб, бошқа қариндошлар, ҳатто, она ҳам бу ҳуқуқдан маҳрум.⁶² Истисно тариқасида, она бирор инсоннинг ўз болалариға васият орқали ҳомий қилиб тайинланган тақдирда, мазкур ҳомий болаларга қолдирилган мол-мулкнинг факат 3/1 қисмини тассаруф этиши мумкин.⁶³

Балоғатга етмаган болаларга ғамхўрлик қиласидан валийлари бўлмаган ҳолатларда ҳоким уларга ҳомийлик қилиш учун қайюм тайинлайди.

“Ҳидоя”да ёзилишича, вояга етмаган шахслар ёки қуллар олди -сотди муносабатларига киришган бўлсалар ва бирон бир нарса харид қилмоқчи ёки сотмоқчи бўлсалар, бундай ҳолларда васий ёки ҳомийнинг розилиги талаб қилинади. Бу ерда ёзилишича, васий ўз қарамогида бўлган шахснинг мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилган ҳолда, унга ҳар томонлама фойдали бўладиган муносабатларга розилик бериши даркор бўлган. Ва албатта, ушбу муносабатларнинг мазмун моҳиятини вояга етмаган шахсга тушунтириши керак бўлган.⁶⁴

Кўриб турганимиздек, ҳар қандай ҳолатда ҳам, мулкдор ким бўлишидан қатъи назар, хоҳ вояга етмаган шахс бўлсин, хоҳ ақли заиф, уларнинг мулк ҳуқуқлари шариат томонидан ҳар доим ҳимоя қилиб келинган.

⁶¹ Қаранг: Торнау Н. Изложение начал мусульманского права. -СПб, 1850. -С.216.

⁶² Ўша китоб.-277-б.

⁶³ Ўша асар.-279-б.

⁶⁴ Маргинани Бурхануддин. Ҳидоя. Комментарии мусульманского права. В 2 ч. -М.: Волтерс Клювер, 2008. - 283 с.

Шуни инобатга олган ҳолда, айтиш жоизки, ҳоким қуйидаги ҳолатларда васийларни алмаштириши шарт:

- 1) васий етимларни ёки балофатга етмаган болаларнинг номига қолдирилган мулкни тасарруф қилиш чоғида хиёнатга қўл урганида;
- 2) айрим шахслар ақлий, жисмоний заифлиги жиҳатидан мол-мулкни бошқара олмаган ҳолатларда, то ўзлари соғаймагунича ёки муомала лаёқатига эга бўлмагунларича, ҳоким томонидан қайюмлар тайинланиши мумкин.

Бизга маълумки, амалдаги Оила кодексига кўра(173-193моддалар) васийлик ва ҳомийликка тайинланадиган шахсларга бир қанча талаблар қўйилган бўлиб, ушбу талабларга жавоб берган шахсларгина васий ва ҳомий этиб тайинланишлари мумкин. Ислом ҳуқуқига кўра ҳам, ҳомийлар муомалага лаёқатли, ислом динига эътиқод қилувчи ҳамда инсонлар орасида адолатлилиги ва соғдиллиги билан танилган бўлиши шарт.

Қуллар ислом динида ҳуқуқ субъекти ҳисоблансаларда, васийлик ва қайюник қилишга ўз ҳожаларини рухсатини олишлари шарт бўлган.

Ҳомийларнинг жавобгарлиги қуйидагиларда намоён бўлади:

- 1) васият орқали ҳомий тайинлашда икки нафар мусулмон эркак киши гувоҳ бўлиши ва ёзма ҳужжатга ўз гувоҳликларининг тасдиғи сифатида имзо чекишлиари шарт. Мазкур ҳолатда аёл кишининг гувоҳлиги қабул қилинмайди;
- 2) ҳомий қилиб тайинланган шахслар мазкур ишга ўз розиликларини очик ойдин билдириб қўйишлари шарт. Улар фақатгина васият қолдираётган шахс тирик чоғидагина ҳомийлигини рад қила олиши мумкин. Васият эгаси дунёдан ўтганидан сўнг мазкур мажбуриятдан воз кечиб бўлмайди.
- 3) қайюм қилиб тайинланган шахс ишдан воз кеча олмайди;
- 4) бир кишига нисбатан иккита ҳомий тайинланган вақтда, улар хар бир ишни келишилган ҳолда амалга оширишлари шарт;
- 5) ҳомий бир ўзи қийналиб бошқара олмаган ҳолатларда ҳоким ёки қозининг буйруғига кўра унга ёрдамчи тайинланади;

6) ҳокимнинг ёки бош қозининг рухсатисиз ҳомий шахс ўз мажбуриятларини ўзга бир шахсга топшира олмайди;

7) ҳомий шахс мулкка нисбатан қарамоғида эҳтиёкорлик ва адолат билан муносабатда бўлиши лозим. Агар унинг совуққонлиги, бепарволиги оқибатида ёки айби билан қарамоғидаги мулкка зарар, талафот етса, қози уни моддий жавобгарликка тортади;

8) Имом Абу Ҳанифа ва шиа оқими мазҳаблари вакилларининг фикрига кўра, ҳомий шахс қайтариб бериш шарти билан қарамоғидаги мулқдан қарзларни тўлаши ёки тирикчилиги учун олиб ишлатиши мумкин.

9) ҳомийларга меҳнатлари ва мажбуриятлари учун муайян маош, мукофот, иш ҳаққи белгиланмаган. Улар асосан савоб учун, холис ухровий ажр⁶⁵ учун ҳомийлик қиласидар.

10) ҳомийларнинг устидан қозилар назорат олиб борадилар;

11) ҳомийнинг қарамоғида бўлган ўсмир балоғат ёшига етгач ўз ҳомийсидан ўзининг мол-мулки бўйича қилган тасарруфлари юзасидан ҳисбот берини талаб қилишга ҳақли. Абу Ҳанифанинг фикрига кўра, мазкур ҳисбот юзасидан низо чиқсан вақтда ҳомий сўзининг тасдиғи сифатида қасам ичиши етарлидир.

Юқоридагиларни кўриб чиқсан ҳолда, шуни айтиш мумкинки, “Ҳидоя”да ва амалдаги фуқаролик ва оила кодексларининг моддалари ўртасида бир қанча боғликларни кўрамиз. Буларга, васий ва ҳомийларга талаб қўйилиши, вояга етмаган шахснинг мулкий ҳуқуqlари ва улардан келадиган фойда ҳар доим биринчи ўринда эканлиги, ёки, васийларнинг ҳаракатлари юқори турувчи органлар томонидан назорат қилиниши кабиларни мисол сифатида келтирсак бўлади. Умуман олганда, “Ҳидоя”да ва мусулмон ҳуқуқида мулқдорларнинг ҳуқуқий ҳолати миллий қонунчилигимиз билан ўзаро ўхшаш тарафлари кўплиги билан характерланади. Энг асосийси, ҳар иккаласида ҳам, мулк ҳуқуки ва

⁶⁵ Охирида бериладиган мукофот

мулқдорларнинг ҳуқуқий ҳолати муҳим аҳамиятга эга бўлганлиги ва қонунлар билан ҳимоя қилинганлигидадир.

Маълумки, амалдаги ФКнинг 168-моддасида, мулк ҳуқуқи субъектлари, уларнинг ҳуқуқий ҳолати белгилаб ўтилган. Фуқаролар, юридик шахслар ва давлат мулк ҳуқуқининг субъектлариdir.

Мол-мулк мулк ҳуқуқи асосида бир шахсга ёки икки ва ундан ортиқ шахсларга қарашли бўлиши мумкин.

Мол-мулк фуқаро, юридик шахс ёки давлатнинг мулки бўлишига қараб мулк ҳуқуқини, мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ҳамда уни тасарруф этиш ҳуқуқини вужудга келтириш ва бекор қилиш хусусиятлари қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади.

Юқорида айтилганидек, мулк ҳуқуқинин субъектларидан бири бу фуқаролардир. Фуқаро мулки хусусий мулкнинг ўзига хос кўриниши бўлиб, мулкнинг бошқа турлари нисбатан қўйидаги афзалликларга эга:

1. Мулқдор ҳар доим конкрет шахс бўлади;
2. Мулқдор мулкка нисбатан энг яқин бўлади ва шу сабабли ҳам унга таъсир қилишда қатор устунликларга эга;
3. Бинобарин, бундай мол-мулк ташмачилик, ўғрилик, хўжасизликнинг қурбони бўлиш эҳтимолидан узоқдир.

Айтиш жоизки, фуқароларга қарашли мол-мулк оила мулки кўринишида ҳам бўлиши мумкин. Оила – кишиларни бир-бирлари билан қон-қариндошлиқ ёки никоҳ асосида биргаликда яшаб, умумий хўжалик юритувчи уюшмасидир.

Юридик шахслар эса, мулк ҳуқуқининг субъекти сифатида қўйидаги турларга бўлинади: а) маҳалла мулки; б) кооператив мулк; в) жамоа корхоналарининг мулки; г) ижара корхонасининг мулки; д) хусусий корхоналар мулки; е) хўжалик ширкати ва жамияти мулки; з) жамоат бирлашмаларининг мулки; и) диний ташкилотларнинг мулки.

Маҳалла ижтимоий ўз-ўзини бошқаришнинг бошланғич бўғини ҳисобланади. Маҳалла мулки қўйидаги маблағлардан шаклланади:

—маҳалла аҳолисининг биргаликдаги меҳнат фаолияти ва уларнинг умумий даромадлари;

—фуқаролар ва юридик шахсларнинг ихтиёрий бадаллари, хайр-эҳсонлари;

—халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари томонидан белгиланган тартибда ажратилган бюджет маблағлари;

—шунингдек, қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа маблағлар⁶⁶.

Маҳаллада истиқомат қилувчи аҳоли томонидан сайлаб қўйил-ган органлар маҳалла мулкининг субъекти ҳисобланади. Маҳалла мулкининг тайинланишидан мақсад, турли маросимлар, тадбирлар, шунингдек кам таъминланган оиласарга нисбатан моддий ёрдам бериш ҳисобланади. Шу билан бирга, ушбу органлар ўз мулки бўлган обьектларни вақтинчалик ёки доимий фойдаланиш учун юридик ва жисмоний шахсларга беришга, ижарага топширишга, ўз тасарруфидан чиқаришга, қонун хужжатларига мувофиқ мазкур мулк билан боғлиқ бошқа битимлар тузишга ҳақлидир.

Кооператив мулк хўжаликни биргаликда юритиш ёки бошқа фаолият билан шуғулланиш учун аъзолик асосида ихтиёрий бир-лашган фуқароларнинг биргаликдаги мулкидир. Кооператив мулк ўз таркиби бўйича унинг аъзолари мол-мулкини умумлаштириш, хўжа-лик фаолиятини юритиш асосида олинган даромадлар ва ҳоказо-лардан ташкил топади. Кооператив тугатилган тақдирда бюджет, банклар ва бошқа қарз берувчилар билан ҳисоб-китоблар қилинга-нидан кейин қолган мол-мулк кооператив аъзолари ўртасида тақ-симланади⁶⁷.

Ижарага олинган корхона мулки таркибига асосан ишлаб чиқарилган маҳсулотдан олинган даромад ва бошқалар киради. Корхонанинг бошқарув органи мулк ҳуқуқини амалга оширувчи субъект ҳисобланади. Бундай мақомдаги корхоналар мулки билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон

⁶⁶ Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонуни. Ўзбекистон Республикасининг янги қонунлари. 21-сон. -Т.: Адолат. 1999. 129-б.

⁶⁷ Ўзбекистон Республикасининг Мулкчилик тўғрисидаги қонуни. Ўзбекистон Республикасининг қонун ва фармонлари. -Т.: Ўзбекистон. 1992. 13-б.

Республикасининг, Мулкчилик, Ижара⁶⁸ тўғрисидаги қонунларида мустаҳкамланган.

Жамоа корхонасиning мулки давлат корхонасиning бутун мол-мулки меҳнат жамоаси аъзолари томонидан сотиб олиш ёки бошқача усуллар билан қўлга киритилган тақдирда вужудга келади. Унинг таркибига, шунингдек ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, олин-ган даромад ва бошқалар ҳам киради.

Мулкдор ягона жисмоний шахс томонидан тузилган ва бошқариладиган тижоратчи ташкилот хусу-сий корхона деб эътироф этилади. Хусусий корхона ўз мулкида алоҳида мол-мulkка эга бўлади ва ўз номидан мулкий ҳукуқларга эга бўлиши ҳамда уларни амалга ошириши мумкин. Хусусий корхона ўз мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли бутун мол-мулк билан жавоб беради. Хусусий корхона мулкдори корхонанинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда хусусий корхонанинг мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли мол-мулк билан қонун ҳужжатларига муво-фиқ субсидиар жавобгар бўлади.

Хусусий корхонанинг устав фонди бўлинмасдир ва уни мулкдорнинг ўзи белгилайди. Пул, қимматли қоҳозлар, пул билан баҳоланадиган бошқа мол-мулк ёки мулкий ҳукуқлар ёхуд бошқа шахсга бериладиган ўзга ҳукуқлар хусусий корхонанинг устав фон-дига қўшиладиган ҳисса бўлиши мумкин. Мулкдор хусусий корхона-нинг устав фондига ўзи киритадиган мол-мulkни мустақил баҳолай-ди. Агар хусусий корхонанинг устав фонди шакллантирилаётганда мулкдор ўз оила аъзоларининг умумий (улушли ёки биргаликдаги) мулки ҳисобланган мол-мulkни корхонага бераётган бўлса, ушбу мол-мulkning барча мулкдорларидан нотариал тасдиқланган рози-лик олиш талаб этилади. Хусусий корхонанинг устав фондини қўпайтириш ва камайтириш мулкдорнинг қарорига қўра хусусий корхонанинг уставига ўзгартишлар киритиш йўли билан амалга оширилади.

⁶⁸ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1992. 1-сон. 45-модда.

Агар иккинчи молия йилининг ва шундан кейинги ҳар бир молия йилининг якунида хусусий корхона соф активларининг қиймати унинг устав фондидан кам эканлиги маълум бўлиб қолса, хусусий корхона ўз устав фондини ўзининг соф активлари қийматидан ошмайдиган миқдорда камайтириши шарт.

Хусусий корхона соф активларининг қиймати қонун ҳужжат-ларида белгиланган тартибда аникланади. Хусусий корхона мулкдо-ри хусусий корхонанинг пул маблағларини ҳамда бошқа мол-мулки-ни тасарруф этади. Мулкдор хусусий корхонанинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин қолган фойдасидан ўз ихтиёрига кўра фойдаланиш, хусусий корхонага тегишли мол-мулкни бошқа шахсга бериш, ижарага бериш, гаровга қўйиш, бошқа юридик шахсларнинг устав фондига ҳисса сифатида киритиш ёки ушбу мол-мулкни бошқача усулда тасарруф этиш ҳуқуқига эга. Хусусий корхонанинг мол-мулки национализация қилинмайди, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Хусусий корхонанинг мол-мулки реквизиция қилинмайди, хусу-сий корхонанинг мулкдорига реквизиция қилинаётган мол-мулкнинг бозор қийматига муодил компенсацияси тўланадиган табиий офат-лар, авариялар, эпидемиялар, эпизоотиялар ва фавқулодда тусдаги бошқа ҳолатлар бундан мустасно⁶⁹.

Хўжалик ширкати ва жамиятларининг мулки юридик шахс ҳисобланган хўжалик ширкати ва жамиятининг мулки қатнашчиларнинг қўшган ҳиссаси ҳисобидан, хўжалик фаолияти натижасида олинган ҳамда қонунда ман этилмаган бошқа асосларда улар томонидан қўлга киритилган мол-мулқдан ҳосил бўлади.

Хўжалик ширкатларининг мол-мулки ФК ва «Хўжалик ширкат-лари тўғрисида”ги қонунда ўз ифодасини топган. Хўжалик ширкат-ларининг мол-мулкининг дастлабки асоси унинг устав фондида ўз ифодасини топади.

⁶⁹ Ўзбекистон Республикасининг Хусусий корхоналар тўғрисидаги қонуни. / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2004 йил 3-сон, 28-модда.

Чунки ширкат иштирокчилари (таъсисчилари) ширкатга аъзо бўлиб кираётганда қўшган улушларининг номинал қийматидан таркиб топади. Ширкат устав фондининг миқдори ширкатни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатларни тақдим этиш санасидаги ҳолатга кўра қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан кам бўлмаслиги керак. Ширкат иштирокчисининг ширкат устав фондидаги улушининг миқдори фоизларда ёки каср кўринишида белгиланади. Ширкат ишти-рокчиси улушининг миқдори унинг улушининг номинал қиймати билан ширкат устав фондининг ўзаро нисбатига мувофиқ бўлиши керак. Ширкат иштирокчиси улушининг ҳақиқий қиймати ширкат соф активлари қийматининг унинг ширкат устав фондидаги улуши миқдорига мутаносиб бўлган бир қисмига мос бўлади. Ширкат давлат рўйхатидан ўтказиладиган пайтга қадар унинг ҳар бир иштирокчиси ўз ҳиссасининг камида ўттиз фоизини ширкатнинг устав фондига киритиши шарт. Ҳиссанинг қолган қисми таъсис шартномасида кўрсатилган муддатда киритилиши лозим бўлиб, бу муддат ширкат давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги керак.

Пул, қимматли қоғозлар, бошқа ашёлар ёки мулкий ҳукуқлар ёхуд пул баҳосига эга бўлган бошқа шахсга ўтказиладиган ўзга ҳукуқлар иштирокчиларнинг ширкат устав фондига қўшадиган ҳамда ширкатга қабул қилинадиган учинчи шахсларнинг ҳиссалари бўлиши мумкин. Ширкатнинг устав фондига пулсиз ҳиссасининг пул хисобидаги баҳоси ширкатнинг барча иштирокчилари томонидан бир овоздан қабул қилинадиган ширкат иштирокчилари умумий йиғилишининг қарори билан тасдиқланади.

Ширкатга тегишли мол-мулк унга устав фондига ҳисса сифатида фойдаланишга берилган муддат ўтгунига қадар мол-мулқдан фойдаланиш ҳукуқи тугатилган тақдирда, ширкатнинг мол-мулкни берган иштирокчиси ширкатнинг талабига биноан унга шундай мол-мулқдан шунга ўхшаш шароитларда қолган муддат мобайнида фойдаланганлик учун тўланадиган ҳаққа teng пул товони тўлаши шарт. Пул товони ширкат томонидан уни

бериш талабномаси тақдим этилганидан эътиборан, агар ширкат иштирокчилари умумий йиғилишининг қарори билан товон тўлашнинг бошқача тартиби белгиланган бўлмаса, бир ой ичида бир йўла тўланиши керак. Бундай қарор ширкатнинг устав фондига ҳисса сифатида мол-мулқдан фойдаланиш хуқуқини берган ва бу хуқуқ муддатидан илгари тугатилган ширкат иштирокчисининг овозини ҳисобга олма-ган ҳолда ширкат иштирокчиларининг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Ширкат иштирокчиси устав фондига ҳисса сифати-да ширкатга фойдаланиш учун бериб қўйган мол-мулқдан фойдала-ниш хуқуқининг муддатидан илгари тугатилганлиги учун ширкат иштирокчиси томонидан товон тўлашнинг бошқача тартиби таъсис шартномасида назарда тутилган бўлиши мумкин. Ширкатдан чиқа-рилган ёки ундан чиқиб кетган иштирокчи томонидан ширкатга устав фондига ҳисса сифатида фойдаланишга берилган мол-мулқ, агар таъсис шартномасида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, у қанча муддатга берилган бўлса, шунча муддат давомида ширкатнинг фойдаланишида қолаверади.

Ўз ҳиссасини тўлиқ киритган ширкат иштирокчисига гувоҳнома берилади. Ширкат иштирокчиси қолган иштирокчиларнинг розилиги билан устав фондидағи ўз улушкини ёки унинг бир қисмини ширкат-нинг бошқа иштирокчисига ёхуд учинчи шахсга беришга ҳақли. Улуш (улушнинг бир қисми) бошқа шахсга берилганда улушни (улушнинг бир қисмини) берган иштирокчининг хуқуқи тўлалигича ёки хуқуқнинг тегишли қисми унга ўтади. Иштирокчининг ўз қарз-лари бўйича ундирувни унинг ширкат устав фондидағи улушкига қаратишга иштирокчининг бошқа мол-мулки қарзларини қоплаш учун етишмаган тақдирда фақат суднинг қарорига асосан йўл қўйилади. Бундай иштирокчининг кредиторлари ширкат мол-мулкининг устав фондидағи қарздорнинг улушкига тўғри келадиган қисмини ундирувни ана шу мол-мулкка қаратиш мақсадида, ажратишни талаб қилишга ҳақлидирлар. Ширкат мол-мулкнинг ажратилиши лозим бўлган қисми ёки унинг қиймати

кредиторлар томонидан ажратиш тўғрисидаги талабнома тақдим этилган пайтдаги ҳолатга кўра тузилган баланс бўйича аниқланади.

Ширкат устав фондидағи иштирокчининг улушкига тўғри келадиган мол-мулкка ундирувни қаратиш унинг ширкатдаги иштирокини тугатади. Ширкатнинг ўз тадбиркорлик фаолияти натижасида қўлга киритган барча мол-мулкларини ўз хоҳишиларига кўра эгалик қиласидар, фойдаланадилар ва уни тасаррүф этадилар.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ хўжалик жамиятларининг масъулияти чекланган жамият, қўшимча масъулиятли жамият ва акциядорлик жамиятлари каби турлари мавжуд.

Масъулияти чекланган жамиятларда муассис – таъсисчи жамият-нинг хўжалик фаолияти натижаси учун устав фондига ўзи киритган пай бадали улуси миқдорида жавобгар бўлади. Хўжалик жамияти муассислари хўжалик жамиятлари фаолиятларида бевосита ишти-рок этишлари шарт эмас.

Жамият устав фонди унинг иштирокчилари улушларининг номинал қийматларидан таркиб топади. Жамият устав фондининг миқдо-ри жамиятни давлат рўйхатидан ўтказиш учун хужжатларни тақдим этиш санасидаги ҳолатга кўра қонун хужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан кам бўлмаслиги лозим. Жамият иштирокчисининг жамият устав фондидағи улушининг миқ-дори фоизларда ёки каср кўринишида белгиланади. Жамият ишти-рокчиси улушининг миқдори унинг улуси номинал қиймати билан жамият устав фондининг нисбатига teng бўлиши керак. Жамият иштирокчиси улушининг ҳақиқий қиймати жамият соғ активлари қийматининг унинг улуси миқдорига мутаносиб бўлган бир қисмига мос бўлади. Жамиятнинг устави билан жамият иштирокчиси улушининг энг юқори миқдори, шунингдек жамият иштирокчилари улушларининг нисбатини ўзгартириш имконияти чеклаб қўйилиши мумкин. Бундай чеклашлар жамиятнинг айrim иштирокчиларига нисбатан белгиланиши мумкин эмас. Кўрсатиб ўтилган қоидалар жамият таъсис этилаётганда унинг уставида назарда тутилиши, шунингдек жамият

иштирокчилари умумий йиғилишининг жамият барча иштирокчилари томонидан бир овоздан қабул қилинадиган қарорига биноан жамиятнинг уставига киритилиши, ўзгартирилиши ва ундан чиқариб ташланиши мумкин.

Жамият давлат рўйхатидан ўтказиладиган пайтга қадар унинг ҳар бир иштирокчиси таъсис ҳужжатларида кўрсатилган жамият-нинг устав фондидаги ўз ҳиссасининг камида ўттиз фоизини киритиши шарт. Жамиятнинг ҳар бир иштирокчиси таъсис ҳужжатларида белгиланган ва жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб бир йилдан ошмайдиган муддат мобайнида жамиятнинг устав фондига ўз ҳиссасини тўлиқ киритиши керак. Жамиятнинг иштирокчиси томонидан ҳиссанинг тўлиқ киритилганлиги жамият иштирокчисига бериладиган гувоҳнома билан тасдиқланади.

Пул, қимматли қофозлар, ўзга ашёлар ёки мулкий ҳукуқлар ёхуд пул баҳосига эга бўлган бошқа шахсга ўтказиладиган ўзга ҳукуқлар жамиятнинг устав фондига қўшиладиган ҳиссалар бўлиши мумкин. Жамиятнинг иштирокчилари ва жамиятга қабул қилинадиган учинчи шахслар томонидан жамиятнинг устав фондига қўшиладиган пулсиз ҳиссаларнинг пул баҳоси жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг жамиятнинг барча иштирокчилари томонидан бир овоздан қабул қилинадиган қарори билан тасдиқланади.

Устав фондига ҳисса сифатида жамиятга фойдаланиш учун берилган мол-мулкнинг муддат ўтгунга қадар ушбу мол-мулқдан фойдаланиш ҳукуки тугатилган тақдирда, жамиятнинг мол-мулкни берган иштирокчиси жамиятнинг талабига биноан унга шундай мол-мулқдан шунга ўхшаш шароитларда қолган муддат мобайнида фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақига teng пул товони тўлаши шарт. Пул товони жамият томонидан уни бериш талабномаси тақдим этилганидан эътиборан агар жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг қарори билан товон тўлашнинг бошқача тартиби белгиланган бўлмаса, бир ой ичида бир йўла тўланиши керак. Бундай қарор жамиятнинг устав фондига ҳисса сифатида мол-мулқдан

фойдаланиш хуқуқини берган ва бу хуқуқ муддатидан илгари тутатилган жамият иштирокчисининг овозини ҳисобга олмаган ҳолда жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Таъсис ҳужжатларида жамият иштирокчиси томонидан устав фондига ҳисса сифатида жамиятга фойдаланиш учун берилган мол-мулкдан фойдаланиш хуқуқининг муддатидан илгари тутатилганлиги учун жамият иштирокчиси томонидан товоң тўлашнинг бошқача тартиби назарда тутилган бўлиши мумкин. Жамиятдан чиқарилган ёки ундан чиқиб кетган иштирокчи томонидан жамиятнинг устав фондига ҳисса тариқасида фойдаланиш учун берилган мол-мулк, агар таъсис ҳужжатида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, у қанча муддатга берилган бўлса, шунча муддат давомида жамият фойдаланишида қолаверади.

Жамият устав фондини жамиятнинг мол-мулки ҳисобига кўпайтириш тўғрисидаги қарор бундай қарор қабул қилинган йилдан олдинги йил учун жамиятнинг бухгалтерия ҳисботи маълумотлари асосидагина қабул қилиниши мумкин. Жамият устав фонди жамиятнинг мол-мулки ҳисобига кўпайтириладиган сумма жамият соф активларининг қиймати билан устав фонди ҳамда заҳира фонди суммаси ўртасидаги фарқдан ортиқ бўлмаслиги керак. Жамиятнинг устав фонди кўпайтирилганда жамият барча иштирокчилари улушларининг миқдорлари ўзгармаган ҳолда улар улушларининг номинал қиймати мутаносиб равишда кўпаяди.

Жамият йилнинг хар чорагида, ярим йилда бир марта ёки бир йилда бир марта ўзининг соф фойдасини жамият иштирокчилари ўртасида тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир. Жамиятнинг жамият иштирокчилари ўртасида тақсимланадиган фойдаси қисмини аниқлаш тўғрисидаги қарор жамият иштирокчи-ларининг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Жамият фойдасининг унинг иштирокчилари ўртасида тақсимлаш учун мўлжалланган қисми уларнинг жамият устав фондидаги улушларига мутаносиб равишда тақсимланади.

Акциядорлик жамиятлари ўз устав фонди доирасида, унинг қийматига тенг келадиган акциялар, яъни қимматли қоғозлар чиқаришга ҳақли. Айнан мазкур акция номинал қиймати доирасида унинг устав фонди шаклланади. Жамият иштирокчиларининг жамиятга киритган улушлари акция орқали расмийлаштирилади ва бу қимматли қоғоз келажакда жамият фойда кўрган тақдирда, акциядорларга дивидент олиш ҳукуқини беради. Акция жамият умумий йигилишида “бир акция – бир овоз” тамойилига асосланган ҳолда иштирок этиш ҳукуқини ҳам беради.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари” ва акциядорларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунига (1996 йил⁷⁰ 26.04.) 1998 йил 29.08.даги қонунга киритилган қўшимча ва ўзгартишларда⁷¹, жамият давлат мулки негизида тузилганда корхонанинг (мол-мулкнинг) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланган бозор баҳоси жамият устав фондининг сумма-сини ташкил этиши белгиланди. Шунингдек, акциядорликка айлан-тирилаётган корхонанинг фонд бозоридаги фаолиятини рағбатлан-тириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фонд бозорини янада ривожлантириш ҳамда давлат мулки негизида ташкил этилган акциядорлик жамиятларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони⁷² қабул қилинди.

Акциядорлик жамиятлари очик ёки ёпиқ шаклда бўлиши мумкин. Акциялар эркин реализация қилинса очик, факат маҳсус доирадаги шахслар (муассислар ва улар белгилаган шахслар) гагина тарқатилса, ёпиқ акциядорлик жамияти бўлади. Уларнинг устав фондининг энг кам миқдори қонун ҳужжатларида белгила-нади. “Акциядорлик жамиятлари” ва акциядорларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 20-моддасига асосан, очик акциядорлик жамияти устав фондининг энг кам миқдори жамият давлат рўйхатидан ўтказилган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича эллик минг АҚШ

⁷⁰ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1996. 5-6-сон. 61-модда.

⁷¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1998. 9-сон. 181-модда.

⁷² /Халқ сўзи, 1998 йил 5 март сони.

долларига тенг бўлган суммадан кам бўлмаслиги, ёпиқ акциядорлик жамияти устав фондининг энг кам миқдори эса, жамият давлат рўйхатидан ўтказилган санада қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз баравари миқдоридан кам бўлмаслиги керак. Жамият устав фондининг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган миқдорда шакллантиришнинг энг кўп муддати, агар қонун ҳужжат-ларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги лозим.

Жамоат бирлашмаларининг мулки жамоат бирлашмалари, касаба уюшмалари, хотин-қизлар, фахрийлар, ёшлар ва болалар ташкилотлари, ижодий уюшмалари ва турли жамғармалар мол-мулкидан иборат.

Диний ташкилотларнинг мулкида бинолар, ишлаб чиқа-риш, ижтимоий ва хайрия аҳамиятига эга бўлган обьектлар, ўз фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган пул маблағлари ва бошқа мол-мулклар бўлиши мумкин. Улар ўз мол-мулкларига амал-даги қонунлар доирасида эгалик қиласи, фойдаланади ва тасарруф этади.

Давлат мулк ҳуқуқининг субъекти сифатида қўйидагича тавсифланади. Давлат мулкининг мулқдори, яъни субъекти умумэътироф этил-ган қоидага кўра, шу давлатнинг халқи ҳисобланади, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси мулкининг мулқдори ҳам Республика халқидир. Зоро, халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи сифатида ўзининг ушбу ҳуқуқини (яъни, мулк ҳуқуқини) давлат ҳокимиятига беради ва у орқали амалга оширади. Бу ҳолат давлатнинг мулқдорга тегишли барча ваколатлар – эгаллаш, фойдаланиш ва тасарруф этишга эга бўлишини ҳамда давлат бу ваколатлардан омма манфаатлари йўлида фойдаланиши лозимлигини ифодалайди.

ФКнинг 214-моддаси 2-қисмига мувофиқ, Республика мулки бўлган мол-мулкни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ёки улар

махсус вакил қилган органлар, агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тасарруф қиласилар.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасида оммавий (давлат) мулкининг қуидаги турлари мавжуд:

а) Ўзбекистон Республикаси мулки қуидагилардир:

– давлатга мутлақ мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулк: ер, ер ости бойликлари, сув, ҳаво бўшлиғи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий бойликлар;

– давлат ҳокимияти ва бошқаруви республика органларининг мол-мулки, давлат аҳамиятига эга бўлган маданий ва тарихий бойликлар, республика бюджетининг маблағлари, олтин заҳираси, давлатнинг валюта фонди ва бошқа фондлари республика мулки-дир; шунингдек, бошқа мулкий комплекслар, ўқув, илмий-тадқиқот муассасалари ва ташкилотлари, интеллектуал фаолият натижалари, башарти булар бюджет ёки давлатнинг ўзга маблағлари ҳисобидан яратилган ёки сотиб олинган бўлса, бошқа мол-мулкни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Республика Президенти, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ёки улар махсус вакил қилган органлар, агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, тасарруф қиласилар (ФК, 214-модда).

Республика мулки бўлган мол-мулк давлат юридик шахсларига хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқи асосида бирикти-риб қўйилиши мумкин.

“Хидоя” га кўра, мулк ҳуқуқининг субъектлари сирасига фуқаролар, жамоа(шерикчилик асосида вужудга келадиган муносабатлар) ва давлат кирган. Олдинги параграфларда айтиб ўтилганидек, фуқаролар мулк ҳуқуқнинг субъекти сифатида мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлганлар. Бунда албатта, фуқароларнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқати муҳим роль ўйнаган. Фуқароларнинг ҳуқуқий ҳолати юзасидан етарли маълумот берилгани боис, мулк ҳуқуқининг бошқа субъектлари ҳақида сўз юритамиз.

Амалдаги қонунимизда, мулк ҳуқуқининг субъекти сифатида юридик шахслар ҳам келтириб ўтилган. Маълумки, хўжалик ширкатлари юридик шахсларнинг турларидан бири бўлиб ҳисобланади. Айтиш жоизки, “Ҳидоя” да “Ширкатлар ҳақида” деб номланган китоб (XIV) мавжуд. Ушбу китобда ширкатларнинг қай тарзда тузилиши, уларнинг ҳуқуқий ҳолати, мол мулкнинг тақсимланиши, фойданинг миқдори ва бошқалар келтириб ўтилган. Суръат Исҳоқовнинг таъкидлашича, “ширкат” арабча сўз бўлиб, лугатда “қўшиш” , “аралаштириш” деган мазмунни билдиради.⁷³ “Ҳидоя” да ёзилишича эса, “ширкат” атамаси, икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг умумий мақсадни кўзлаган ҳолда шерик бўлишини билдиради. Пайғамбаримиз даврларида бу ширкат шартномаси амалда бўлганлиги боис, у қонуний деб эътироф этилган. Шу ўринда биз, фикримизнинг далили сифатида, ҳадиси қуддусийдан исол келтирмоқчимиз. “Пайғамбаримиз дедилар: “Оллоҳ таоло айтали: Мен иккита шерикнинг учинчисиман, токи бир –бирларига хиёнат қилмагунларича, қачонки ҳиёнат қилсалар, уларнинг орасидан чиқаман”.⁷⁴

Умуман, ширкат икки ҳил турга бўлинган: мулк ширкати (ширкати-мулк) ва ақдлашув ширкати(ширкати-ақид). Агар икки ёки ундан ортиқ шахслар бир ашёning эгаси бўлиб ҳисоблансанагина кучга киради. Ширкати - мулк ихтиёрий ва мажбурий тарзда келиб чиқади. Мулк ширкатининг ихтиёрий вужудга келиш асосларига қўйидаги ҳолатлар киради: икки шахс томонидан бирон бир ашёни сотиб олиш, совға сифатида олиш, ёки васият орқали олиш ҳолати бўлса; икки шахс томонида биргаликда душман давлатларни забт этишда мол-мулклар қўлга киритилса ва ҳоказо. Мулк ширкатининг мажбурий тарзда вужудга келиш асосларига эса қуйидагилар киради: қачонки, икки шахснинг мол-мулки шандай тарзда қўшилиб кетадики, уларни бир-биридан ажратиш иложсиз бўлса(масалан, бугдой

⁷³ Исҳаков С.А. Ислом фуқаролик ҳуқуқи асослари: Ўкув қўлланма.-Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2005.-84 –бет.

⁷⁴ Аҳмад Иса Ошур. Ал-Фикхул муяссар фил муомалот(Фуқаролик ҳуқуқи бўйича енгил фикх). -Байрут, 1996.-35-38-б.

билан буғдойнинг аралашиб кетиши); икки шахс бир нарсани мерос тарзида олса. Бу турдаги ширкатда, ҳеч бир шерик ўзининг шерикдошидан розилик олмай, унинг мулкига нисбатан ҳеч бир ҳаракат содир эта олмаган. Чунки, уларнинг ҳар бири шеригининг мулкига нисбатан бегона деб эътироф этилган.⁷⁵

Аҳдлашув ширкати ҳақида гапирадиган бўлсак, бу шартнома таклиф ва қабул тарзида амалга оширилади. Масалан, биринчи шахс иккинча шахсга: “Мен сени ушбу мулкимга шерик қиласман”, деб айтса, иккинчи шахс эса: “мен розиман” деб жавоб берса, бу шартнома амалга оширилган деб ҳисобланган.⁷⁶

Бурхониддин Марғиноний ақдлашув ширкатининг ўзини ҳам қуидаги тўртта турга бўлган.

Биринчиси - ширкат ул-иънон, яни бир неча кишининг савдо қилаш ниятида бир турли товарларни ўзаро ширкатга қўшишлари. Бунга ўғилларга отадан мерос бўлиб қолган, бўлиш имконияти бўлмаган мулкни ўғилларнинг ширкатга қўшиши, икки ёки ундан ортиқ шахснинг биргалиқда сотиб олган, бўлинмас мулкларини ширкатга қўшишлари мисол бўлади.

Иккинчиси - ширкатул абдон вал аъмол, яъни касб хунар ва жисм бирлашган ширкат деб аталиб(мазкур ширкат турига фақат ҳанафий ва моликий мазҳабида руҳсат берилган, шофеъий мазҳабида ботил саналади), аслида у хунармандчиликнинг биргалиқдаги ширкатидир. Ширкатнинг бу тури ҳозир кенг тарқалган, мисол учун бир неча уста уйнинг пойдеворидан охирги зийнатигача бажаришни ўз зиммаларига оладилар. Улар орасида усталар турли касб эгалари бўлиши мумкин.

Учинчиси - ширкатул-вужух, яъни мулк ва маблағлари ўзларида алоғида сақланган ҳолдаги ширкат бўлиб, унга кшра шерикларнинг ҳар қайсиси алоғида савдо билан шугулланиб, кўрган фойдани ўртада тенг тақсим қилишга келишадилар.

⁷⁵ Маргинани Бурхануддин. Хидоя. Комментарии мусульманского права. В 2 ч. -М.: Волтерс Клювер, 2008. 502 стр.

⁷⁶ Ўша жойда.

Тўртинчиси-ширкат ал-муовиза, яъни икки томонлама тўловга асосланган шериклик. Унга кўра, бир неча шахс мулки ё маблағи билан ёки ҳеч нарсасиз, ҳар қайси ниссининг корхонаси кўрган фойда ва зарарни ўзаро тенг тақсим қиласидилар.⁷⁷

Умуман олганда, “Ҳидоя” га кўра, ширкат шартномасининг шартлари куйидагилардан иборат:

Биринчидан, томонларнинг ушбу шартнома юзасидан ийжоб ва қабулларининг мавжудлиги;

Иккинчидан, мазкур мажбуриятга кираётган томонлар шахсий мулкка эга бўлишлари;

Учинчидан, кўрилган фойда шариат рухсат берган, ҳалол ишлар юзасидан бўлиши шарт.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, “Ҳидоя” да ёзилишича, ўрмон, ўтлар ва овланган қуш гўштлари ширкат шартномасининг обьекти деб ҳисобланмаган⁷⁸.

Ширкат шартномасининг тугатилишига, тарафларнинг биринчи талаби, ўлими, ақлдан озиши ёки диндан қайтиб, бошқа давлатнинг фуқаросига айланиши саба бўлиши мумкин деб белгиланган. Ширкат тугатилганидан сўнг, унинг барча мулклари, қарзлари ва фойдалари иштирокчилар ўртасида, уларнинг шахсий иштироқи ёки вакили олдида тақсимланиши шарт этиб белгиланган.⁷⁹

Айтиш жоизки, мусулмон ҳуқуқига кўра, давлат мулки алоҳида институт сифатида ўрганилмаган. Маълумки, хирож ерлари(зиммийлардан тортиб олинган ерлар) ва ушр ерлар(яъни, закот солиғи тўланадиган ерлар) кўчмас мулкнинг турлари сифати давлат мулки сифатида эътироф этилиши мумкин. Р. Шарлнинг фикрига кўра, давлат мулкига эгасиз ерлар, ўлик ерлар ва шу кабилар кирган. Ҳарбий юришлар оқибатида қўлга киритилган ерлар,

⁷⁷ Бурхониддин Маргиноний. Ҳидоя.2-жилд.-Қозон, 1905.-266-б.

⁷⁸ Маргинани Бурхануддин. Ҳидоя. Комментарии мусульманского права. В 2 ч. М.: Волтерс Клювер, 2008, 526-бет.

⁷⁹ Ўша китоб. 527-528-бет.

ислом кириб келигунигача топилган қазилмалар мусулмон оммасининг мулки сифатида эътироф этилган.⁸⁰

Қуйида биз, “Ҳидоя”да қаровсиз, ўлик ерлар, уларнинг ҳуқуқий ҳолати, мулкнинг кимга тегишли эканлиги каби ҳолатлар юзасидан сўз юритамиз. “Ҳидоя” га кўра, ўлик ерларни қайта ишлаш деб номланган китобда(XLV)⁸¹, ушбу турдаги ерларга мават деб ном берилган. Мават сўзига таъриф берадиган бўлсак, у шундай ер турики, ҳеч қанақа фойда келтирмайди. Қудурийнинг фикрига кўра, ҳеч қандай фойда келтирмайдиган, эгаси номаълум шахс бўлган, қишлоқдан ёки овуллардан анча узоқликда жойлашган ерларни мават деб аташган. Имом Муҳаммаднинг фикрига кўра эса, агар ернинг эгаси маълум бўлмаса, давлат мулки деб ҳисобланган. Аммо, агар ер эгаси маълум бўлиб қолса, келтирилган зарани қоплаши шарт бўлган. Ўлик ерларга ишлов берган шахс, ушбу ерга нисбатан мулк ҳуқуқига эга бўлган. Аммо, бу ҳуқуқни қўлга киритиш учун имомдан рухсат олиш керак бўлагн. Абу Ҳанифа, бу фикрнинг далили сифатида, пайғамбарнинг қўйидаги сўзларини келтирган: “Инсон учун, имом(қози) рухсат бермаган ишдан бошқа ҳаммаси ноқонуний саналади”, деб айтганлар. Ўлик ерга қайта ишлов берган шахсга, фақатгина шу ернинг бир гектарга яқин ер ўлчов бирлиги миқдорида солиқ солинган. Агар, бу ердан сув ўтадиган бўлса. Солиқнинг миқдори ортган. Агар, бирон шахс, ўлик ерни қайта ишлаш мақсадида қозидан рухсат сўраб олган бўлса-ю, уни уч йил мобайнида тегмаса, қози ушбу ерни бошқа шахсга ўтказиб юборган. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, “Ҳидоя”да сувга бўлган ҳуқуқ ҳам мавжуд бўлиб, у бир қанча кўринишга эга бўлган. Масалан, дарёлар 3 ҳил турга бўлинган: 1) ҳеч кимга тегишли бўлмаган ва бўлинмаган дарёлар(Ефрат ва Йўлбарс дарёлари каби); 2) мулк ҳуқуқи обьекти бўлган ва бўлинган дарёлар бўлса ҳам, кемалар қатнови амалга ошириладиган дарёлар; 3) мулк обьекти бўлган ва

⁸⁰ Шарль Р. Мусульманское право = Le droit musulman/ Пер. С фр. М.: Иностр. Лит., Москва.- 1959. 90стр

⁸¹ Ўша китоб. 448-б.

бўлинадиган хусусий турдаги дарёларга бўлинган.⁸² Биринчи турдаги дарёлар ифлос бўлган тақдирда, оммавий хазина ҳисобига тозаланиши керак бўлган. Бундан келиб чиқадики, бизнинг фикримизча, эгаси маълум бўлмаган дарёлар давлат мулкига мисол бўла олади.

Кўриб турганимиздек, мулк ҳуқуқининг субъектлари қаторида, асосан, оммавий мулк алоҳида аҳамият касб этади. “Ҳидоя” да, биринчи ўринда фуқаролар мулк ҳуқуқининг субъекти сифатида кўплаб шартномаларнинг иштирокчиси сифатида эътироф этилган бўлса, иккинчи ўринда мусулмон оммаси мулкий муносабатларнинг субъекти сифатида алоҳида ўринга эга бўлганлиги яққол кўзга ташланади.

2.2. “Ҳидоя”да мулк ҳуқуқи объектларининг турларига умумий тавсиф

Айтиш жоизки, “Ҳидоя” асари бўйича мулк ҳуқуқи обьекти бўлиб, миллий қонунчилигимизда белгиланган деярли барча турдаги ашёлар ва мулк шакллари хизмат қилиши мумкин. Гарчи, “Ҳидоя”да мулк ҳуқуқи обьектларига алоҳида китоб ёки параграф ажратилмаган бўлсада, келтирилган шартномалар мисолида, улар ҳақида етарли маълумотга эга бўлишимиз мумкиндир.

Маълумки, мусулмон ҳуқуқида, мулкий муносабатларнинг ҳар қандай тури шартномалар кўринишида бўлган. Мусулмон ҳуқуқида “уқудот” битим, шартнома, деган мазмунни билдиради. Ҳанафий мазҳабига кўра, шартнома икки ва ундан ортиқ кишининг ўзаро келишилган ҳолда муайян бир ҳаракатга бўлган муносабатидир. Мусулмон ҳуқуқи олимларининг фикрига кўра, шартнома обьектига бир қанча талаблар қўйилади:

⁸² Маргинани Бурхануддин. Ҳидоя. Комментарии мусульманского права. В 2 ч. -М.: Волтерс Клювер, 2008. - С. 454-456.

Биринчидан, бирорга эркин ўтиш хусусиятига эга бўлиши керак. Ҳаводаги қуш, чўккан кема, арқондан қочган чорва шартнома предмети бўла олмайди.

Иккинчидан, шартнома предмети муайян, аниқ нарса бўлиб, томонлар у ҳақда етарлича маълумотга эга бўлишлари керак;

Учинчидан, шартнома предмети нақд бўлиши керак; кейинчалик Ҳанафий мазҳаби олимлари салам савдосига кенг йўл очиб берганлар;

Тўртинчидан, шартноманинг предмети ва мақсади, шариат томонидан рухсат берилган нарса бўлиши керак бўлган.

Ҳанафий мазҳабининг фикрига кўра, ҳали мавжуд бўлмаган нарсанинг савдоси ботилдир (бекордир)⁸³. Масалан, бир дарахтнинг ҳеч кўрилмаган мевасини сотишга йўл қўйилмайди. Қўлга бериш (топшириш) имкони бўлмаган нарсани сотиш мумкин эмас. Масалан, дарёда ётган ва чиқариш мумкин бўлмаган қайиқнинг ва тутиб топшириш мумкин бўлмаган қочоқ ҳайвоннинг савдоси ман қилинган. Элда товар ҳисобланмайдиган, баҳоланиши мумкин бўлмайдиган молнинг савдоси тақиқланган. Исломда қийматга эга бўлмаган мол эвазига сотиб олиш, шунингдек мавҳум нарсанинг савдоси фосид иш деб баҳоланади (бузилган нарса назарда тутиляпти). Масалан, сотувчи оловчига “мулкимдаги барча нарсани сенга шунча сўмга сотаман” деса, оловчи эса “оламан” деса, лекин бу нарсалар оловчига маълум бўлмаса, савдо фосид ҳисобланади.

Қўйида биз, “Ҳидоя” асарида келтирилган бази шартномалари мисолида мулк ҳуқуқи обьектларининг турларини очиб беришга ҳаракат қиласиз. Масалан, орият(ссуда) шартномаси ҳақида гаплашсак. Халқ орасида энг қўп тарқалган битимлардан бири орият битимиdir. “Орият” арабча сўз бўлиб, “эвазиз манфаатга эга бўлиш”, деган маънони билдиради. Фиқҳга оид адабиётда қўйидагича таъриф берилган: орият (ссуда) – бу мажбурият бўлиб, унга кўра ҳар бир шахс ўзига тегишли мулкни иккинчи шахсга эвазига бирон

⁸³ Бурхониддин Марғиноний. Ҳидоя. З жилд. Савдо китоби. Қозон, 1904(араб тилида)

манфаат олмасдан, фойдаланиб туриш учун мазкур мулкни биринчи талабдаёқ қайтариш шарти билан бериб туради⁸⁴.

Ссуда шартномаси оғзаки тарзда тузиладиган шартномалар қаторига киради. Ушбу шартнома, худди олди-сотди шартномалари каби ийжоб ва қабул йўли билан тузилган. Ушбу шартномада ссудага ҳеч қанда й ҳақ талаб қилинмайди, акс ҳолда бу ижара шартномасига айланиб қолиши мумкин. Ушбу шартноманинг обьекти сифатида фойдаланса бўладиган ва ишлатилиши билан йўқолиб кетмайдиган буюм бўлиши шарт (шу нуқтаи назардан, озиқ-овқат маҳсулотлари ориятга олинмайди, уларни қарз ёки эҳсон сифатида берилади). Орият обьекти қўлга киритилганидан бошлаб битим юридик кучга киради. “Ҳидоя”да ссуда шартномасининг обьекти бўлиб ердан фойдаланиш (яъни, ер берган ҳосил), эчки, мол, туюнинг урғочиси каби ҳайвонларнинг сутини истеъмол қилиш, уй-жой ссудаси ёки кулларнинг хизматидан фойдаланиш кабилар бўла олади.

Инсонлар ўртасида энг қўп жорий бўлган одатлардан бири қарз олди-бердисидир. Мусулмон ҳукуқи ва миллий қонунчилик бўйича қарз реал шартнома хисобланади, яъни мажбурият фақат қарзга берилган пул ёки мулкни қарзга оловчи қўлига ўтиши билан вужудга келади. Орият обьекти фойдаланиш учун берилса ҳам, уни ўз вақтида ва қандай ҳолатда олинган бўлса, шундай ҳолатда қайтариш лозим бўлади. Қарз шартномасининг обьекти эса, динор, дирҳам ёки умуман ҳар қандай қийматга эга бўлган, оғирлиги ва узунлиги ўлчанадиган нарсалар кирган.

Кейинги мисол тариқасида ижара шартномасини келтириб ўтамиз. “Ҳидоя”га кўра, ижара шартномаси ҳақиқий бўлиши учун, қуйидаги шартларга риоя қилиши керак:

- 1) икки тарафнинг розилиги;
- 2) ижарага бериладиган нарса аниқ, муайян бўлиши.
- 3) ижара ҳақининг маълум бўлиши.

⁸⁴ Исҳаков С.А. Ислом фуқаролик ҳукуқи асослари: Ўқув қўлланмаси. -Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2005. -81 б.

Ижарага олувчининг шахси кўрсатилмаган бўлса ҳам, бир уй ёки дўкон ижарага олиниши мумкин. Бир одам уйнинг ёки дўконнинг ичидаги жиҳозлари ва ашёлари билан ижарага қўйса, ижара дуруст бўлиб, агар талаб қилинса, ижарачи хонанинг нарса ва ашёларини бўшатиб топширади⁸⁵.

Ижарада манфаат низо чиқмайдиган даражада маълум бўлиши шарт. Уй ва дўконлар ҳамда болани эмизиш учун ёлланган она кабиларда ижара муддати баён этилганидан сўнггина манфаат маълум бўлади. Ҳайвон ижарага олинганида юк ортишга ёки минишга олингани ва кимни миниши келишиб олиниши, аниқ бирор тайинланиши ёки миндирмоққа умумий тарзда айтилганинг муддати ёки масофаси ҳам баён қилиниши шарт. Ер ижарасида муддат белгилаш билан бирга, экиш турини белгилаш ёки ижарага олувчи истаган экинини экиши умумий қилиб баён этилиши лозим. Бундан ташқари, меҳнат бўйича ҳам ижара шартномаси мавжуд бўлиб, унда шартноманинг обьекти бўлиб, ҳақ эвазига ёлланган ишчининг ҳизмати белгиланади. Ҳунар ва касб эгаларини ижара қилиш ҳам шунга ўхшашидир. Масалан, тикувчига газлама бериб, кийимнинг туркча ёки форсча услубда тикирилиши. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, агар ижара обьектида бирор айб пайдо бўлса, ижарага олувчи ихтиёрлидир. Яъни ижара обьектида айб мавжуд бўлишига қарамай истифода қиласверишини истаса ижарани бекор қилиши мумкин.

Музораба араб, ислом давлатларида кенг жорий қилинган шартнома турларидан ҳисобланади. Ҳозирда тадбиркорлар, савдогарлар олдида жорий бўлиб турган мазкур шартноманинг асосий қоидалари VII-VIII асрда яшашб ўтган ислом мужтаҳидлари, ислом манбалари ва қонун ижодкорлари фаолияти натижасида ишлаб чиққанлар. “Ҳидоя” асарида ҳам “музораба ҳақида” ги китоб (XXVII) мавжуд бўлиб, “музораба сўзи қуидагича таърифланган. “Музораба” сўзи, сўзма-сўз таржима қилганда “ердан юриш” деган маънени билдирган. Қонун бўйисча эса, музораба шундай шартномаки, у икки шахс ўртасида тузилиб, маблағ эгаси ўзининг пулларини иккинчи

⁸⁵ Бурхониддин Марғиноний. Ҳидоя. З-жилд. Ижара китоби. -Қозон, 1904 (араб тилида)

томонган мазкур маблағни муомала киритиб фойда кўриш учун беради. Шартномага кўра, маблағ эгаси-раббиул-мал, иккинчи тараф эса музориб деб номланган. Музораба шартномаси шаръян қонуний деб саналган. Ўша даврда, бундай шартномаларга эҳтиёж туғилган эди. Шундай ҳолатлар бўладики, кимдир мулк эгаси бўлсада, ундан қандай моҳирона фойдаланишни билмайдилар; бошқалар эса, мулки йўқ бўлмаса ҳам, ундан усталик билан фойдалана олганлар. Музораба шартномаси, шундай шахсларга фойда олишга зўр имкон туғдирган. Музораба шартномасига кўра, музориб қуидаги уч босқични босиб ўтган: унинг қўлиган ўтган мулк омонат ҳисобланган; иш юритган жараёнидан бошлаб вакил мақомида бўлган, фойда кўргач эса шерик бўлган. “Ҳидоя” да ёзилишича, музораба шартномасининг обьекти бўлиб, ширкат шартномасининг предмети ҳисобланган дирҳамлар ва динорлар топширилган.⁸⁶ Демак, кўриб турганимиздек, “Ҳидоя”да музораба шартномасининг обьекти бўлиб пул белгиланган экан. Айтиш жоизки, шартномасининг қоунунийлик даражаси раббиул молнинг музорибга пулни топшириши билан кучга кирган. Музораба жоиз ақдга(ўзгарувчи мажбуриятга) мансуб бўлганлиги учун томнлардан ёлғиз бирининг талаби, хоҳиши билан бекор қилиниши мумкин. Музораба шартномаси бекор қилиниши билан, шартномага кўра, томонлар бир-бири билан ҳисоб-китоб қиласидилар.

Ўша даврларда, юқорида келтирилган шартномага ўхшаш шартномалар ҳам мавжуд бўлган. Исломда музориъа мажбурияти ер эгасининг бирор-бир шахсга ўз ерини муайян ҳосил эвазига фойдаланиб туриш учун бериш мақсадида тузилган ширкат шартномасидан келиб чиқади. “Ҳидоя” асарида эса, музориъа шартномасига қуидагича таъриф берилган. Қонун бўйича, музориъа мулқдор ва ерга ишлов берувчи ўртасида тузиладиган шартнома бўлиб, ундан пайдо бўлган ҳосил икки тарафга teng тақсимланган. Абу Ҳанифага кўра, бундай шартнома қонуний эмас. Лекин, уларнинг икки

⁸⁶ Маргинани Бурхануддин. Ҳидоя. Комментарии мусульманского права. В 2 ч. -М.: Волтерс Клювер, 2008. – С.164-166.

шогирдлари фикрларига кўра, пайғамбаримиз томонидан қонунийлаштириб қўйилган. Ҳадисларга кўра: “Пайғамбар Хайбар номли мавзеда қўлга киритилган ерларни музориња шартномаси орқали муайян ҳосил эвазига маҳаллий аҳолига берганлар. Шартномасага кўра, Хайбар халқи, боғ ва ерлардан фойдаланган ҳолда, ундан ҳосил бўлган ҳосил ва ноннинг тенг ярмини пайғамбарга топширишлари керак бўлган”.

Ислом хуқуқшунослигида ўз ерини бировга муайян ҳосил(мисол 10 тонна буғдой) эвазига фойдаланиб туриш учун берувчи шахс соҳибул арз(ер эгаси), мазкур ерда ишлаш мажбуриятини олган шахс-зори (экувчи) деб, фойдаланиш учун топширилган ер майдони эса музориња деб номланган.

“Хидоя”га кўра, музориња шартномаси музорабат шартномаси билан ўхшаш бўлиб, музориња шартномаси ширкат шартномасининг бир тури сифатида намоён бўлган десак ҳам тўғри бўлади.⁸⁷

“Хидоя” да ёзилишича, шартнома бўйича ерга экин экилгунга қадар бир қанча шартлар амалга оширилган. Булар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтамиз:

- 1) энг аввало, ер ишлов бериш учун яроқли бўлиши керак;
- 2) тарафлар ақли-хуши жойида бўлган, кеакли ёшга кирган ва бу турдаги шартномаларда етарли амалиётга эга бўлаг шахслар бўлишлари керак;
- 3) топширилган ердан фойдаланиш муддати аниқ белгиланган бўлиши керак. Бундай шартномаларда, албатта дон ва уруғларнинг ишловчи томонидан етказилиши ёки унга З шахс томонидан етказиб берилиши ҳам инобатга олиниши керак бўлган;
- 4) уруғ ва донларнинг ким томонидан етказиб берилиши аниқ бўлиши керак бўлган, чунки, шартноманинг асоси шу тарзда белгиланган;
- 5) Ердан фойдаланганлиги эвазига бериладиган ҳосилдан ҳар иккала томон ҳам оладиган улуш миқдори аниқлаб олиниши керак;

⁸⁷ Маргинани Бурхануддин. Хидоя. Комментарии мусульманского права. В 2 ч. -М.: Волтерс Клювер, 2008. – С.396-397.

6) ер эгаси ерни фойдаланишга топширганидан сўнг, ўзи бу ерга нисбатан фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқидан ўзини тийиши керак;

7) ушбу шартноманинг шартлари ширкат шартномасиникидан фарқ қилса, у қонуний кучга эга бўлмаган; (масалан, маълум миқдордаги шартлар фақатгина бир тарафнинг фойдасини кўзласа).

8) уруг ёки доннинг нави (буғдой, арпа ва б.) аниқ бўлиши лозим. Чунки бу, ишловчи қандай уруг билан ижара хақи тўланишини аниқлаган.⁸⁸

Шартнома гувоҳлар иштирокида юқоридаги қоидалар асосида тузилиб, маҳаллий қозилар тасдиғидан ўтгандан сўнггина юридик кучга эга бўлган.

“Хидоя” га кўра, шартноманинг бекор бўлиши ўзгармайдиган ақд мажбуриятига мансубдир. Шу боис, шартномани тузилаётганда барча қоидаларига риоя қилинса, фақат ҳар икки томоннинг ўзаро розиликлари асосидагина бекор қилиш мумкин. Мазкур мажбурият томонларнинг бирининг вафоти билан ҳам тўхтаилмай белгиланган муддатгача давом этади(агар, ерга уруғ экilan бўлса).

Кўриб турганимиздек, “Хидоя” да мулк обьектларига асосан ҳайвонлар, уй-жойлар, кийим, идиш-товоқлар, ер ва ундан келишилган ҳолда фойдаланиш, пул, бироннинг хизматидан фойдаланиш ва ҳақ эвазига одам ёллаш ва муайян қийматга эга бўлган ашёлар кирган.

2.3. “Хидоя”да мол-мулкларнинг кўчар ва кўчмас мол-мулкларга бўлининиши

“Хидоя”да ёзлииша, мусулмонларга тегишли мулкларнинг кўчар (манқул) ва кўчмас (файриманқул) турлари ажратилади. Кўчар мулкларга бир жойдан иккинчи жойга кўчиши осон бўлган ҳамда тортиш ва ўлчаш орқали

⁸⁸ Ўша жойда.

аниқлаш мумкин бўлган мулклар киритилади. Ҳанафий мазҳаби фақихлари бир жойдан иккинчи жойга кўчириб бўлмайдиган, кўчириш билан ўз хусусиятини йўқотадиган нарсаларни кўчмас мулклар сирасига киритганлар. Ерга ишлов беришда ишлатиладиган барча маҳсус нарсаларни ҳам кўчмас мулклар сирасига киритганлар.

Д.М.Караходжаеванинг таъкидлашича, “мусулмон ҳуқуқида ашёларнинг мансублигини тартибга солиш масаласи узоқ муддат кўриб чиқилмаган. Бу ҳолат кўп жиҳатдан мусулмон ҳуқуқи доктринасида мулк категорияси диний ақидалар ва қоидалар асосида таҳлил қилингани билан боғлик. Бироқ, бу мусулмон ҳуқуқида кўчмас мулк институти мавжуд бўлмаган, деган холосага келиш учун асос бўлмайди”⁸⁹.

Таъкидлаш лозимки, Куръони Карим кўчмас ва кўчар мулк объектлари ҳимоясининг кафолатларини белгилаган. Унда айтилишича, “дарҳақиқат, сизнинг қонингиз, сизнинг мулкингиз ва сизнинг шаънингиз - макрухдир”⁹⁰. Шунга ўхшаш бўлган тамойиллар қўплаб ҳуқуқшуносларнинг асосларида ҳам келтирилган: “бошқа шахснинг мулкини тасарруф этишни назарда тутувчи буйруқ ҳақиқий эмасдир”, “ҳеч ким мулкдорнинг рухсатисиз унинг мулкини тасарруф этиши мумкин эмас”, “ҳеч ким ҳуқуқий асосларсиз ўзганинг мол-мулкини эгаллаб олиши мумкин эмас”⁹¹.

Фиқҳнинг кўчмас мулкка оид қоидалари кўчар мулкни тартибга солувчи қоидаларга қараганда кўпроқ бўлиб, бу мулкнинг илоҳий келиб чиқишини тўла тасдиқлайди.

Ислом ҳуқуқшунослари мулк ҳуқуқи предметини ташкил этувчи ернинг беш турини фарқлайди:

- “жонсиз” ерлар;
- “жонлантирилган” ерлар;

⁸⁹ Караходжаева Д.М. Проблемы развития и совершенствования законодательства о праве собственности юридических лиц в Республике Узбекистан: Дис. ...докт. юрид. наук. – Т.: ТГЮИ, 2008. – С.40.

⁹⁰ Аль-Бухари. Саҳих.-Эр-Рияд, 1999. – С.27.

⁹¹ Антология мировой правовой мысли: В 5 т. Т. I. Античность и восточные цивилизации. – М.: 1999. – С.688.

- таноб ерлар;
- хирож ерлар;
- ҳобус.

Бу ерларни уч гурухга бирлаштириш мумкин:

- 1) мулк (ёки хусусий мулк) тариқасидаги ерлар;
- 2)хирож (солик солинадиган) ерлар;
- 3)ҳобус (хусусий мулк эгалари диний муассасалар ёки худойихоналарга мулк қилиб берган ерлар).

1. Хирож ерлар.

Халифаликка ихтиёрий равишда бўйсунган жойларда маҳаллий ахоли ерга бўлган мулк хуқуқини сақлаб қолган бўлса, фатҳ этилган ҳудудларда мусулмон жамоаси ерга нисбатан олий хуқуққа эга бўлган. Ер эгалари бу ер авлоддан авлодга ўтишини истисно этувчи айрим узуфрукт хуқуқинигина сақлаб қолганлар⁹².

Узуфрукт (лотинча сўз бўлиб) — роман давлатлари хуқуқида қонунга биноан ёки шартнома бўйича бошқа шахсга қарашли мол-мулкнинг моҳиятини сақлаб қолган ҳолда ундан фойдаланиш, унинг меваларини ўзлаштириш хуқуқи. Узуфрукт умрбод, муайян муддатга ёки юз бериши узуфруктарий (фойдаланувчи) хуқуқини тугатувчи шарт билан белгиланиши мумкин. Бундай ерлар хирож ерлар деб аталган, чунки уларга ҳар йили мол ёки пул кўринишида ундириладиган солик-хирож солинган. Хирожнинг қонуний хусусияти ижтиҳод қоидаларига асосланади.

Шуни таъкидлаш зарурки, хирожнинг назарий асослари ҳижрий V асрда вужудга келган. Илк ислом даврида фатҳ этилган ерлар аскарларга мулк қилиб берилган, лекин бу сиёsat қўшинни заифлаштириш билан бир вақтда, хирожга қараганда, камроқ солик-закот ундирувчи давлатга зиён етказган. Шу сабабли халифа Умар даврида ерни мулкдорлари ихтиёрида

⁹² Шарль Р. Мусульманское право. Пер. с франц. С.И.Волка. Под ред. и о предисл. Е.А.Беляева. - Москва: Изд-во «Иностранная литература», 1959. - С.6.

қолдириб, уларга хирож тўлаш мажбуриятини юклаган, шу билан бирга, мулқдорнинг ислом динига кириши ҳам, ер майдонларининг мусулмонларга сотилиши ҳам бу ерларни солиқ-хирож тўлашдан озод қилмаслигини белгилаб қўйган.

Ерга бўлган мулк ҳуқуқи мусулмонлар учун муқаддас, бинобарин, дахлсиздир. Шу боис жамоат манфаатларида ерга бўлган мулк ҳуқуқини олиб қўйиш имкониятини назарда тутувчи қоиданинг қабул қилинишига эришиш (айниқса ханафийларда) жуда қийин бўлди (Туркияда бунга 1885 йилдагина эришилди). Қарздорнинг мол-мулкига суд орқали ундирувни қаратишга ижозат берилиши учун ҳам шунга ўхшаш қийинчиликларни енгишга тўғри келди.

Мулк ҳуқуқининг эгаси мазкур ҳуқуқдан ўз ихтиёрига кўра, фойдаланиши мумкин. Бироқ ислом ҳуқуқи мулқдорга ўз мол-мулкини суиистеъмол қилиш, уни беҳуда исроф этишни тақиқлайди. Ҳуқуқни суиистеъмол қилиш умумий назарияси суд қарорларидан келтириб чиқарилиши мумкин эмас эди. Айни вақтда, бирорга зарап етказиши мумкин бўлган ҳар қандай амалдан ўзини тийиш ҳақидаги ислом тамойили (у машҳур ҳадислардан бирига асосланган) ҳуқуқий эмас, балки маънавий хусусиятига кўра, ҳуқуқни суиистеъмол қилиш назариясига қараганда кенгроқ асосга эга.

Р.Шарлнинг “Ислом ҳуқуқи” китобида мулк ҳуқуқининг келиб чиқиши асослари бериб ўтилган. Ерни эгаллаб олиш (харбий ўйл билан) ва парвариш қилиш каби илк классик усуллардан ташқари, ислом ҳуқуқига ерларни “жонлантириш” ва уларга ишлов бериш ҳам маълум. Эгасиз ерга ишлов бериб, уни ўз мулкига айлантирган одам ҳеч қандай расмиятчиликларсиз шу ернинг мулқори ҳисобланади; маҳаллий ҳокимнинг рухсати билан бирорнинг ерига бирорнинг уруғини эккан одам шу уруғни қайтариб беради, лекин олинган ҳосил унинг ўз ихтиёрида қолади.

Мулк ҳуқуқи юзага келишининг бош асослари ерни сотиш, мерос олиш, ҳадя қилиш, эгаллаш муддатининг ўтиши ҳисобланади. Мулқдор ўз мол-мулкини қаровсиз қолдириши ёки унинг нобуд бўлиши мулк ҳуқуқининг

барҳам топишига сабаб бўлиши мумкин. Ниҳоят, мулк ҳуқуқи мулқдорнинг диндан қайтиши ёки мол-мулк ундан мажбурий олиб қўйилиши натижасида қонун кучига айланиши мумкин. Мулк ҳуқуқи қандай исботланади? Ислом ҳуқуқшунослигига — амалда эгалик ҳолатини исботловчи кучи тушунчasi ишлаб чиқилган. Ислом ижобий ҳуқуқида битим мулк ҳуқуқининг етарли далили бўлиб хизмат қилмайди, чунки битимнинг мазмуни учинчи шахслар учун кучга эга эмас.

Гап шундаки, унинг қонуний кучи мулк эгаси бўлмаган шахсга нисбатан битимни тасдиқловчи ҳужжатни сақловчи шахс уни мазкур мол-мулкка эгалик ҳолати билан ҳам мустаҳкамлай олган ҳолдагина намоён бўлади. Далилларнинг бундай тузилишида ислом ҳуқуқшунослари ҳар хил аҳамиятга молик муайян даражада аниқ белгиланган оқибатларга сабаб бўлувчи турли эгалик шаклларини белгилаганлар:

- йад ёки оддий эгалик;
- хияза ёки узок муддат эгалик қилиш;
- ҳавз ёки мураккаб эгалик.

Мулк ҳуқуқи амалда мазкур ер майдонининг сиртига ҳам, унинг остига ҳам, унинг устидаги ҳаво бўшлиғига ҳам эгалик қилиш ҳуқуқини беради (қўшнилар бироннинг боғида ўсган дараҳтнинг ўз боғи ҳудудига осилиб тушган шохларини кесишга ҳақли; ер майдонига мулк ҳуқуқида эгалик қилувчи шахс унинг устидаги ҳаво бўшлиғини сотиши мумкин).

Давлат мулки ёки маҳзангага қуидагилар киради, деб айтиш учун асослар бор:

хўжасиз ерлар;

мусулмон жамоасига иқтисодий (дарёлар) ёки стратегик (бўш ерлар) жиҳатдан зарур, деб ҳисобланган ерлар;

ниҳоят, “жонсиз” ерлар.

4. Ҳабус мулки (вақфлар).

Шимолий Африкада “ҳабус” деб аталадиган вақфлар ислом мулқдорлигининг ўзига хос тоифасии ташкил этади. Вақфлар ҳақида биз

юқорида айтиб ўтдик. Улар ихтиёрий эхсон, инъомга асосланади. Бу инъом мол-мулқдан олинган даромадни хайрия ишларига ёки ижтимоий фойдали мақсадларга йўналтиришда ифодаланади. Бундай мол-мулкка нисбатан “яланғоч” мулк ҳуқуқи ҳам, ундан фойдаланиш ҳуқуқи ҳам секвестр қилинади. Секвестр - фуқаролик ҳуқуқида низо предмети ҳисобланган мол-мулкни сақлаш ҳисобланади. Бу амалдаги, Фуқаролик қонунчилигига мувофиқ, мол-мулкка эгалик ҳуқуқи хусусида низолашаётган икки ёки бир неча шахс секвестр тўғрисидаги шартномага биноан бу мол-мулкни низо ҳал бўлганидан кейин уни суд ҳукмига ёки барча низолашаётган шахсларнинг келишувига (шартномавий секвестр) кўра, тегишли шахсга қайтариш мажбуриятини ўз зиммасига олган учинчи шахсга топширилади.

Мол-мулк қўпинча ҳадя қилувчидан анча узоқда жойлашган шахсга (масалан, бирон-бир масjidга ёки мактаб қурилишига) инъом қилинади.

Вақфлар (ҳабуслар)нинг ўзига хос хусусияти тегишли мол-мулкнинг фуқаролик муомаласидан чиқарилишида намоён бўлади. Қонуний вақф таъсис этиш учун қуидаги тўрт шарт бажарилиши лозим:

-таъсисчи мол-мулкни тасарруф этиш қобилиятига эга бўлиши керак (у амалда мусулмон бўлиши лозим, бироқ христиан ёки яхудий ҳам Худога манзур бўладиган иш қилишига йўл қўйилади);

-вақф (ҳабус) таъсисчиси ҳадя қилинаёттан мол-мулкка мулк ҳуқуқида эгалик қилиши керак, бунда мазкур мол-мулк кўчмас ва навд бўлиши лозим (арш ерлар ёки истеъмол қилинадиган нарсаларни вақфга айлантириш мумкин эмас);

-таъсисчи мол-мулкка эгалик қилишдан бутунлай воз кечиши керак, чунки вақф таъсис этиш узуфруктни ҳадя қилиш хисобланади;

-вақф таъсис этишнинг белгиланган шаклларига риоя қилиниши лозим.

Вақф мулкига ҳеч қандай солиқ ва ўлпон солинмайди. Ўз мол-мулкини вақфга берган одамлар мусулмон уламоларининг мақтовига сазовор бўлади. Вақф мулки яроқсиз ҳолга келганидан кейин ҳам вақф шаклини

йўқотмайди. Ислом ҳуқуқи вақф мулки унинг яроқсизлиги баҳонасида айрим шахслар томонидан ўзлаштирилишига йўл қўймайди. Шариат судлари вақф мулкини бошқариш вазифаси юклатилган шахсларни синчковлик билан кузатиб боради. Агар мутавалли (вақф мулкини бошқарувчи) вақф мулкидан нотўғри фойдаланаётган бўлса, шариат суди уни лавозимидан четлатиш ва унинг ўрнига бошқа мутавалли тайинлашга ҳақли.

“Ҳидоя”да кўчмас мулкка таалуқли бўлган яна бир китоб мавжуд бўлиб, “Шуфаъ” (кўчмас мулкка нисбатан қўшнининг ҳаққи) китоби деб номланади. “Шуфаъ”-арабча сўз бўлиб, луғатга кўра, “ўзларига нисбатан, сотиб олишда имтиёзли бўлиш” деган маънони билдиради. Истилоҳий мазмуни эса-шерикчилик ва қўшничилик ҳуқуқига кўра сотилаётган кўчмас мулкни ўзга шахсга нисбатан қўлга киритишда қўшни ёки шерик бўлганлиги учун имтиёзли ьўлиш.

Шуфаъ, энг аввало, бирон кўчмас мулк хусусида кишиларнинг бир бирларига нисбатан ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи воситадир. Шуфаъ даъвоси ёрдамида отадан қолган ҳовли, ер, боғда яшовчи ака-укалар, бирор мулкка нисбатан teng ҳуқуқли шериклар ўзларига тегишли қонуний мулкларини ҳимоя қилганлар.

“Ҳидоя” да ёзилишича, шуфаъ ҳуқуқи фақатгина кўчмас мулкларга нисбатан қўлланилади, агарда улар бўлиниш хусусиятидан фориғ бўлса(бунга мисол, хаммол, тегирмон ёки йўллар). Имом Шофеъийнинг фикрларига кўра, шуфаъ ҳуқуқи фақатгина бўлинадиган мол –мулкка нисбатан жоиздир. Чунки, уларнинг фикрича, шуфаънинг мақсади мулкнинг бўлиниши оқибатида келиб чиқиши мумкин бўлган ноқулайликни олдини олишдир. Бўлинмайдиган мулк эса, ҳеч қандай ноқулайликни келтириб чиқармайди. Аммо, Пайғамбар (с.а.в) суннатларига кўра, шуфаъ барча уйлар ва ерларга нисбатан қўлланилади. Бизнингча эса, шуфаънинг асосини мол мулкларнинг кўшилиши ташкил этади. Унинг мақсадини эса-кўшнида келиб чиқиши мумкин бўлган сиқилиб қолишни олдини олишдадир. “Ҳидоя”да ёзилишича, агар уй ва дараҳтлар ердан алоҳида тарзда сотилган бўлса, улар

шуфаъ қилинмайди. Чунки, уй –жой ва дарахтлар табиатига кўра мувакқат бўлганлиги учун, улар кўчар мулклар қаторига киради.

Ислом мужтаҳидлари томонидан ишлаб чиқилган шуфаъга оид қоидалар қўйидагилардан ибоарт.

1. Шуфаъ хуқуқини қўшни ёки шерик кўчмас мулкнинг сотилиши тўғрисидаги хабарни эшитганидан бошлаб эълон қиласди. Кўчмас мулк совғага, ҳадяга, маҳрга бериб юборилганида унга нисбатан шуфаъ хуқуки эълон қилинмайди.

2. Шуфаъ аввало кўчмас мулкка нисбатан қўлланилиши боис, ўзининг аввалги хусусиятини йўқотадиган мулкларга нисбатан жорий қилинмайди.

3. Шофи мазкур мулкни сотиб олиш қудратига эга бўлиши лозим ва бошқалар.

Кўриб турганимиздек, “Ҳидоя” асарида кўчар ва кўчмас муол-мулклар хақида озгина бўлса-да, маълумотлар келтирилган. Айтиш жоизки, кўчар ва кўчмас мулкларнинг ilk тушунчалари айнан шу асарда пайдо бўла бошлаган бўлиб, бундан кейин ёзилган адабиётларда такомиллашиб ва янада бойитилиб келинган.

ІІІ БОБ. МУЛК ҲУҚУҚИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ.

3.1.“Ҳидоя” бўйича мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш усуллари.

Айтиш жоизки, мусулмон ҳуқуқида мулкни ҳимоя қилишнинг асосий воситаси сифатида “ҳаққи даъво” хизмат қилган. Умуман олганда, мусулмон ҳуқуқида ҳаққи даъво, виндикацион даъво билан бир хил маънони беради.

“Ҳидоя” га кўра, даъвогар шахс сифатида фақатгина мулкдор қатнашиши мумкин бўлган. Даъвогар – бу шундай шахски, агар у ўз ихтиёрига кўра, даъводан воз кечса, уни мажбурлаш орқали ўз аҳдидан қайтариш мумкин эмас. Жавобгар эса, даъволашувдан қочмоқ истагида бўлса, уни бу ишга мажбурлаш йўли билан қайтарилади. Ином Муҳаммаднинг таъкидлашича, жавобгар барча нарсани инкор қилувчи шахсдир. Ҳеч қандай даъво даъво предмети аниқ бўлмаган ҳолларда қабул қилинмайди. Чунки, даъвонинг мақсади келтирилган далилларга қараб, жавобгар учун мажбурий бўлган қозининг ҳукмини эшлишишdir. Агар даъво ҳақиқий бўлса, у ҳолда, жавобгарнинг ҳозир бўлиши мажбурийdir. Бундан ташқари, жавобгар ўзига қаратилган даъвога нисбатан жавоб айтиши керак. Даъво предметини қозининг ҳузурига олиб келиш имконияти бўлмаса, унинг қиймати аниқланиши лозим. Агар даъво предмети ер майдони бўлса, у ҳолда, ернинг чегарасини кўрсатиш лозим. Қарзни ундириш тўғрисидаги даъволарда, даъвогар томонидан : “Мен уни талаб қиласман” –деган гапнинг ўзи кифоядир. Аммо, қарзнинг қийматини, дирҳамда ёки динорда берилганлигини ва тилла ёки кумушлигини ҳам аниқлаш лозимдир. Агар бирор киши: “Фалончидан олган қарзимни тезда тўлайман” , деб қасам ичган бўлса, бир ойгача бўлган муддатни, борди-ю у: “Фалончидан олган қарзимни вақти билан тўлайман”, деб айтган бўлса, бир ойдан ортиқ муддатни тушуниш керак. Чунки бир ойгача бўлган ҳар қандай вақт оралиғи қисқа муддат, бир ойдан ортиқ вақт оралиғи эса-узоқ муддат ҳисобланади. Даъво ишларини олиб боришда, қасам ичиш ушбу ҳолатнинг бир қисми сифатида амал қилган. Қасам ичиш, қасамёд қилиш, онт ичиш энг аввало юридик

аҳамиятга эга. Ислом ҳуқуқи кишидан мажбурлов бўйича эмас, балки ихтиёрий равишда қасам ичишни талаб этади. “Айман”-“қасам” демакдир. Қасамёд келтирган ёки қасам ичган шахс халифа деб, қасам объекти эса – маҳлуфун алайҳ деб аталади. Даъвогардан қасам ичишни талаб қилинмаган. Расулуллоҳ (САВ) нинг айтишларича, “далилларни тақдим қилиш талаб қилувчининг зиммасидадур, қасам ичиш эса рад қилувчи тарафнинг зиммасида”. Агар жавобгар қасам ичишдан бош тортса, қози даъвогарнинг даъвосини ижобий ҳал қиласди. Чунки жавобгарнинг қасам ичишдан воз кечишига сабаб, бу унинг ёлғон қасамдан қочиши ва айбини тан олиши сифатида қаралади. Аммо, қасам ичишни талаб қилмайдиган қуйидаги ҳолатлар мавжуд: никоҳ муносабатларига таалукли масалалар, ажрашиш, қуллик, жазо ва бошқалар.

Шу ўринда, “Ҳидоя”да қозиларнинг ҳуқуқий мақоми, уларнинг мулкий масалалрни адолатли ҳал қилишлари ҳакида айтиб ўтиш лозим деб билдиқ. “Ҳидоя” асарида “қозининг мақоми” деб номланган маҳсус китоб бўлиб, унда шариат судлари-қозилар, уларнинг бурч ва мажбуриятлари, қозиларга берилган ваколатлар, уларга қўйилган талаблар, ҳукм чиқариш қоидалари каби масалалар ўз ифодасини топган. Қозилар ҳукмдор томонидан тайинланадиган шахслар бўлиб, уларга қуйидаги талаблар қўйилган:

- 1) *шариат илмини яхии билиши;*
- 2) *озод шахс бўлиши;*
- 3) *мустақил қарорлар қабул қила билиши;*
- 4) *адолат тарафдори бўлиши;*
- 5) *ҳуқуқ ва муомала лаёқатига эга бўлиши;*
- 6) *ақли расо шахс бўлиши керак.*

Шу ўринда, қандай шахслар қози бўла олмайдилар деган савол туғилиши табиий. Қози лавозимини эгаллаш қуйидаги шахсларга ман этилган:

- 1) *мусулмон бўлмаган шахсларга;*
- 2) *қуллар ва чўриларга;*

- 3) *туҳматда айбланган шахсларга;*
- 4) *оғир жиноят содир этган шахсларга;*
- 5) *вояга етмаган шахсларга;*

Кўриб турганимиздек, қозиликка ҳар қандай шахс ҳам номзод бўла олмас экан. Жумладан, қозиликка тайинланган шахслар ўз мажбуриятларини сидқидилдан, шариат нормаларига асосланган ҳолда бажаришлари шарт бўлган. Ҳар бир қози ўз фаолиятида бошқа қозиларни адолат билан ишлашга ундаши, Қуръони Карим ва суннатларга ҳамда ўша давринг хуқуқий мезонларига риоя қилишликни талаб этиши лозим. Қозиликка тайинланган шахслар ўз мажбуриятларини масжидда ёки ҳалойик олдида, олиб боришлари керак бўлган. Чунки, адолатли ҳукм чиқаришнинг асосий пойдевори сифати ошкоралик принципи амал қилган. Қозиларга пора олиш, қариндош-уруғлари ва яқин дўстларидан совға-саломлар олиш қатъян ман қилинган. Шунингдек, қозилик мансабига тайинлаш давлат ваколати хусусиятига эга бўлган. Ҳукмдор (давлат бошлиғи) бу мансабга ўз мажбуриятларини бажарадиган ва адолат билан қарорлар чиқара оладиган шахсларни тайинлаши лозим эди. Қозиликка ноқобил кишиларнинг тайинланиши жамиятга катта зарар келтирган. Бу ҳолни Марғиноний Муҳаммад (С.А.В) ҳадисаларига таянган ҳолда асослаб беради. “Муҳаммад Расулуллоҳ айтганлар:” Кимда ким бирор тегишли мансабга қўли остига шу мансабни бажаришга лойик, софдил, адолатли кишиларни тайинламай, бошқа бир кишини тайинласа, у худога, пайғамбарга, мусулмонга нисбатан адолатсизлик қилган бўлади”. Яна шуни кўрсатиш мумкинки, қозиликка ўз қобилиятига ишонадиган шахслар тайинланиши лозим. Аммо бу ишга ўзини ўзи номзод қилиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ ҳисобланмайди. Аммо ҳар бир мусулмон киши қозиликка тайинланиш истагига эга бўлиши мумкин. Муҳаммад Расулуллоҳ деганлар: “Кимда-ким қозилик мансабини ахтарса, у

ўзига ўзи жавоб бериши керак, лекин кимда ким мажбурият орқасида истаса, унинг учун фаришта осмондан тушиб, уни бошқаради”⁹³.

Айтиш жоизки, қозиларга қуйидаги холатларда ҳукм чиқариш мумкин бўлмаган:

- 1) қорни оч бўлганда;
- 2) жсаҳли чиққан маҳалда;

Бундан ташқари, агар, қози била туриб, адолатсиз ҳукм чиқарса, қозилик мансабидан бўшатилган. Бунинг оқибатда эса, унинг авлодларидан хеч бирига қози бўлишга рухсат берилмаган. Бундан ташқари, агар жавобгар, қози ҳукм чиқариш пайтида дастлаб даъвогар талабига қарши турсаю, сўнгра кўринмай кетса, қози қарор чиқариш муддатини кечиктириши мумкин бўлган. Чунки, қоидага кўра, қози қарор чиқараётган пайтда даъвогар билан жавобгар ўртасида ҳақиқий баҳс бўлиши керак эди. Бунинг сабаби, ушбу ҳолат орқали ҳақиқатни юзага чиқариш мумкин бўлган. Бу эса қозининг ҳукми учун айни муддаодир. “Хидоя” да қўтарилиган ушбу масалалар ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган деб ўйлаймиз. Судда агар даъвогар, жавобгарга бирор нарсани даъво қилсаю, жавобгар бундан тонса, у ҳолда жавобгар ўзининг жавобгар эмаслигини гувоҳлар орқали исботлаши керак ва бундай ҳолларда жавобгарга ишониш лозим бўлган. Шу ўринда, Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида” ги қонунининг қуйидаги моддасини келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади. Қонунда, “тумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминланади. Суд ишларини юритишининг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади”⁹⁴, -деб айтилган. Демак, шахснинг ўзини ўзи ҳимоялаш ҳуқуқи асрлар олдин ҳам мавжуд бўлган бўлиб, ҳозирги кунда миллий қонунчилигимизда ҳам ўз ўрнини топган ва аҳамиятини йўқотмаган.

⁹³ Маргинани Бурхануддин. Хидоя. Комментарии мусульманского права. В 2 ч. М.: Волтерс Клювер, 2008. 75-85б.

⁹⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш хақида . 10 модда, 1 қисм.(Тошкент шахар, 2000 йил, 14 декабр).

Шуни алоҳида айтиб ўтиш жоизки, мусулмон фиқҳи асосида иш кўрадиган судъялар–қозилар тизими дастлаб Арабистонда вужудга келиб, айниқса Абу Юсуф даврида маҳсус муассаса сифатида шаклланган. Шунингдек, мусулмон ҳукуқий идеологиясига кўра қозилик сўраб ёки илтимос қилиб, югуриб таниш-билишчилик орқали эгалланадиган мансаб эмас, хукмдор томонидан шу ишга лойиқ кишини мажбурий тайинлаш натижасида эгалланиши рағбатлидир. Ҳаттоқи, Имом Аъзам ибн Ҳанифадан, “Сиз қози бўласизми?” – деб сўраганларида, Имом Аъзам: - Йўқ, - деган жавобни берганлар. Ахир ҳақ йўлида курашувчи, қози ҳукм чиқарувчи, ҳукм белгиловчи, деган номга муносиб бўлиши керак, унинг ҳалқумида ўтмас пичоқ туриши керак, қайси қози бирор устидан ноҳақ ҳукм чиқарса, унинг чиқарган ноҳақ ҳукми мусулмонларнинг, Аллоҳнинг ҳукмига ишониш йўлидан қайтаради. Шунинг учун қози жамоа олдида жазолансин, - деган шариат талаблари мавжуд бўлган.

Буни қарангки, Бурҳонуддин Марғинонийнинг фиқҳ илмини барча соҳаларини қамраб олган “Хидоя” асари, кейинчалик унинг набираси Абулфатҳ Зайнуддин ал-Фарғоний томонидан ёзилган суд маҳкамаларига оид “Ал-Фусулул Имадия” номли асарига бебаҳо манба сифатида хизмат қилди.

Замонавий цивилистикада мулк ҳукуқини ҳимоя қилиш ҳам тегишли даъволар орқали амалга оширилиши билан характерланади. Бироқ, бунда мулк ҳукуқини ҳимоя қилиш усуллари фуқаролик қонунчилиги институтларидан келиб чиқиб туркумланади. “Хидоя” эса, мулк ҳукуқини ҳимоя қилишда ҳар бир ҳолатга нисбатан алоҳида ёндашувдан келиб чиқсанлиги билан аҳамиятли ҳисобланади ва бунда кўпроқ имкониятлар ҳукуқни қўлловчи – қозиларга берилганлиги билан ажralиб туради.

3.2. Мулк ҳуқуқини бузганлик учун жавобгарлик

Ҳуқуқни бузиш ҳар доим муайян жавобгарликни мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишда фуқаролик ҳуқуқи нормалари муҳим роль ўйнайди. Фуқаролик ҳуқуқи йўли билан мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг асосий усуллари қуидагилардир: мулкни бироннинг қонунсиз эгаллашидан талаб қилиб олиш (виндикацион даъволар); мулкдан фойдаланишда мулк эгасига қилинган тўсқинликларни бартараф этиш (негатор даъволар); мулк ҳуқуқини бузишга қаратилган ғайриқонуний битимлар (шартномалар)ни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида қарорлар чиқариш билан қўриқлаш; асоссиз олинган мулкни қайтариш йўли билан қўриқлаш.

Мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш усуллари тарихга бориб тақалади. Замонавий фуқаролик ҳуқуқи ва рим ҳуқуқи асосларида, мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш усуллари деярли бир биридан фарқ қилмайди. Энди биз, “Хидоя” асари нуқтаи назаридан, мулкни ҳимоя қилиш усуллари ва уни бузганлик учун жавобгарлик мавзусини ёритиб беришга ҳаракат қиласиз.

Маълумки, жавобгарлик ҳуқуқнинг мавжудлиги ва амал қилишининг энг муҳим ва асосий кафолати ҳисобланган. Бу ҳолат ўз навбатида ислом ҳуқуқи учун ҳам хосдир. “Хидоя” асарида мол-мулкни ноқонуний эгаллаб олган ва унинг кўринишини ўзгартирлган ноқонуний эганинг жавобгарлиги масалалари белгиланган. “Хидоя”да ифодалангандай бундай жавобгарликнинг ўзига хослиги шундаки, ноқонуний эгалланган нарсанинг кўриниши ва шакли ўзгартирилса, бу нарса ноқонуний эганинг мулкига айланади, бироқ ноқонуний эга мазкур нарсанинг қиймати доирасида мулкдор олдида жавобгар ҳисобланади ва бу нарсанинг ҳақини тўламагунича ундан фойдаланишга ҳақли бўлмайди. Бунга мисол сифатида “Хидоя”да қуидаги ҳолат келтириб ўтилган: кимдир ўзгага тегишли бўлган қўйни қўлга киритиб, уни сўйиб пиширса; ёки буғдойни олиб, уни ун қилса; ёхуд темирдан қилич ясаса; ёки тупроқдан кўз ясаса ашё эгаси олдида жавобгардир. Имом Шоғъийнинг таъкидлашича, предметнинг шаклан ўзгариши мулқдорнинг

хуқуқларини бекор қилмайди, балки мулкдор ноқонуний эгалловчининг буғдойдан унни олиш ҳуқуқига эга бўлади. Абу Юсуф ҳам айнан шундай фикр билдиради. Бироқ, унинг таъкидлашича, агар мулкдор буғдойдан ун олишни маъқул кўрса, унда у етказилган зарар учун ҳақ унидириш ҳуқуқига эга бўлмайди. Шу билан бирга, имом Шофъий мулкдор етказилган зарар учун ҳақ талаб қилишга ҳақли эканлигини эътироф этади. Бунда, деб ҳисоблайди, Абу Юсуф, ноқонуний эга томонидан ўзгартирилган нарсага нисбатан мулк ҳуқуқи дастлабки мулкдор учун тугайди ва ноқонуний эга томонидан қонуний эгага нарсанинг ҳақини тўлаш мақсадида сотилиши мумкин ва ноқонуний эга вафот этганда қонуний эга бошқа кредиторларга қараганда мазкур ашёдан ўз талабларини имтиёзли қаноатлантириш ҳуқуқига эга. Имом Шофъий нарсанинг моҳияти унинг шакли ўзгарсада сақланиб қолишини исботлайди ва бундан шундай хулоса келиб чиқадики, дастлабки эганинг мулк ҳуқуқи нарсанинг шакли ўзгаришига қарамасдан давом этаверади, чунки, сифат моҳиятнинг таркибий қисмидир. Масалан, шамол буғдойни бошқа тегирмонга учириб олиб келиб, ундан ун олинганда, бу ун биринчи эгага тегишли бўлади. Бунда нарсанинг шаклини ўзгартирган ноқонунний эганинг ҳаракатлари эътиборга олинмайди, чунки, бу ҳаракатлар ноқонуний бўлиб, мулк ҳуқуқини вужудга келиш асоси ҳисобланмайди.

Қоидага кўра, ноқонуний эга шакли ўзгартирилган нарсадан унинг ҳақи тўланмагунича фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлмайди.

“Хидоя” асарида баён этилишича, ноқонуний эгалланган ашёнинг шаклини ўзгартирган ноқонуний эга унинг ҳақини тўламасдан фойдаланиб даромад олиши мумкинлиги ҳақидаги аналогия ҳам мавжуд. Айнан шундай талқин Хасан ва имом Зуфарлар томонидан келтирилган ва бу хусусда Абу-Лаис томонидан Абу Ханифага тегишли фикр ҳам мавжудлиги айтилган. Бунда аналогиянинг асоси бўлиб, шу ҳисобланадики, ашёнинг шаклини ўзгартирган ноқонуний эга ашёнинг мулкдорига айланади ва ашёга нисбатан ҳар қандай ҳужжатларни содир этиши ёки ундан фойда олиши ёхуд қонуний асосда ҳадя қилиш ёки сотиши мумкин. Бироқ янада мақбул талқин этиш

сабаби бўлиб, Пайғамбар замонасида эчки ўлдирилиб, унинг гўшти мулқдорнинг розилигисиз қовурилганда, Пайғамбар гўштни қамоқдагиларга бериши буюради ва шу орқали бундай гўшт хайрия учун сарфлаш лозимлигини уқтиради. Пайғамбаримизнинг ушбу ҳаракатларидан қўлга киритилган ашёнинг шакли ўзгартирилганда уни ноқонуний эгаллаб олган шахс мулқдорга унинг ҳақини тўламагунича фойдаланиши мумкин эмаслигини англаш лозим.

Бироқ олтин ёки қумуш ашёларнинг шакли ўзгартирилиши “Ҳидоя”га кўра мулк ҳукуқни вужудга келтириши мумкин эмаслиги аниқ белгиланганлиги билан ўзига хосдир. Яъни, бу ҳолатда “Ҳидоя” ашёларнинг хусусияти ва турларидан келиб чиқиб, уларнинг ҳукуқий мақоми турлича бўлиши мумкинлигини ҳали XXI асрдаёқ фарқлаган эди. Абу Ҳанифа томонидан келтирилган маълумотга кўра, агар кимdir олтин ёки қумушни ноқонуний эгаллаб олиб уни дирҳам ёки динорга айлантирса ёки ундан идиш ясаса бу буюмлар мулқорнинг мулки бўлиб қолаверади ва бунда мулқдор ноқонуний эгадан ҳақ тўламасдан уларни қайтариб олиш ҳукуқига эгадир. Бироқ баъзи фақихларнинг назарларида ноқонуний эга факат металга нисбатан мулк ҳукуқини қўлга киритади ва биринчи мулқдорга бир хил миқдордаги олтин ва қумушни қайтариши лозим. Агар у металлга муайян қиймат ҳосил қиласидиган ишлов берган бўлса (масалан, узук ёки нақшли безак ясаган бўлса, бундай буюмларнинг баҳоси одатдаги металл баҳосидан юқори ҳисобланади – муаллиф К.А.), металлнинг дастлабки тайинланиш мақсадини ўзгартиради ва шу орқали дастлабки мулқорнинг мулк ҳукуқини бекор қиласиди. Ушбу фикрларга қўшилмаган ҳолатда Абу Ҳанифа олтин ёки қумуш қандай шаклда бўлмасин улар ҳар доим бир хил қийматда бўлади чунки одатдаги металлнинг баҳоси ҳам, идиш шаклидаги олтин ёки қумушнинг баҳоси ҳам уларнинг оғирлиги, яъни ўлчамидан келиб чиқиб аниқланади, шу сабабли, бунда дастлабки мулқдор олтин ва қумушга нисбатан ҳар қандай ҳолатда ҳам мулк ҳукуқини сақлаб қолаверади.

“Хидоя”га кўра ноқонуний қўлга киритилган тўсиндан қўрилган иморатдаги тўсинга нисбатан мулк ҳуқуқи ноқонуний эгага тегишли бўлади. Агар кимdir тўсинни ноқонуний қўлга киритиб ундан уй қурган бўлса, тўсинга нисбатан дастлабки мулкдор мулк ҳуқуқини йўқотади ва бунда ноқонуний эга тўсиннинг ҳақини тўлаши лозим. Имомо Шофъийнинг таъкидлашича, мулкдор тўсинни олиш ҳуқуқига эга. Биро бу фикрга Ҳанафий мазҳаби олимлари қўшилмайдилар ва тўсиннинг мулкдор томонидан олиниши уйнинг бузилишига, яъни ноқонуний эганинг катта микдордаги зарар кўришига олиб келади. Шу сабабли қонуний эга тўсинга нисбатан мулк ҳуқуқини ҳақ эвазига йўқотиши маъқулдир.

“Хидоя” асарида мулкдорнинг мол-мулкни қўлдан чиқариши ва ноқонуний эганинг мол-мулкни қўлга киритиши ҳолатига ҳар бир ҳаётий вазиятдан келиб чиқиб баҳо берилганлигини кўриш мумкин. Ана шундай ҳолатлардан бири ноқонуний эганинг қўлга киритилган жониворни ўлдириши ва унга нисбатан мулкдорнинг ҳуқуқлари билан боғлиқдир. “Хидоя”га кўра, агар ноқонуний эга қўлга киритилган жониворни ўлдирса, мулкдор жониворнинг мурдасини (ўлдирганлик учун муайян ҳақ билан бирга) олиш ёки жониворнинг ҳақини олиб мурдани ноқонуний эгага қолдиришдан бирини танлаш имконига эга бўлади. Масалан, ноқонуний эга ўзгага тегишли эчкини ўлдирган бўлса, мулкдор ундан эчкини баҳосини олиб, унга эчкини қолдириш ёки эчкини олиб, уни ўлдирганлик учун ноқонуний эгадан ҳақини олиш ҳуқуқига эгадир. Туяни ўлдиришга нисбатан ҳам ёки кимdir ўзгага тегишли эчки ёки тую аъзоларидан бирини кесиб олганда ҳам шундай қонун қўлланилади. Бу – “Зоҳири-Ривоят”га кўрадир. Бунинг сабаби шуки, айрим ҳолатларда жонивор ўлдирилган бўлса, тана аъзолардан бирининг кесилиши жониворнинг фойдали хусусиятлари (сут бериш, юқ кўтариш, насл қолдириш) барҳам топишига олиб келади ва “Хидоя”да қайд этилишича бу ҳолат кийимни катта кесиш ҳолати билан баробардир. Агар кимdir гўштини ейиш мумкин бўлмаган жониворни ўлдирса ёки танасининг бир қисмини кесса, мулкдор ундан жонивор

қийматини тўлиқ тўлашни талаб қилишга ҳақли бўлади, бинобарин, бундай жониворниг ўлдирилиши ёки муайян қисмлари кесилиши унга нисбатан барча муносабатларнинг тугашига олиб келади. Ноқонуний эга қўл ёки қўлларнинг қўли ёки оёғини кесиш ҳолати бундан бошқача ҳал қиласанади ва бунда мулқдор тегишли ҳақ билан бирга қўлни қайтариб олади, чунки, инсоннинг фойда келтириш хусусияти қўли ёки оёғини йўқотганидан кейин ҳам сақланиб қолади.

Қўлга киритилган матога катта бўлмаган миқдорда заар етказиш унга нисбатан мулк ҳуқуқни вужудга келтирмайди, бироқ сезиларли заар етказилганда мулқдор уни етказилган заарни талаб қиласанади ҳолда қайтариб олиш ёки матонинг ҳақи эвазига ундан ноқонуний эганинг фойдасига воз кечиши ҳуқуқига эга. Агар кимдир ўзганинг мулки бўлган матони сезиларли бўлмаган даражада йиртса, бунинг учун у жавобгар, бироқ мато мулқдорнинг мулки бўлиб қолаверади, чунки бунда матога озгина шикаст етказилгани ҳолда у ўзининг асосий хусусиятларини сақлаб қолади. Шу билан бирга, агар йиртилиш сезиларли бўлса ва мато ўзининг тайинланиш мақсадига яроқсиз бўлса, мулқдор матонинг ҳақини тўлиқ олиш ва уни ноқонуний эгага қолдириши мумкин ёки сезиларли йиртилиш матонинг хусусиятларини камайтирган ҳолда унинг тайинланиш мақсади сақланиб қолган бўлса, мулқдор матони олиш ва тегишли ҳақни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Эътибор қаратиш лозимки, сезиларли йиртиқ деганда, Кудури бир вақтнинг ўзида матонинг бир қатор хусусиятлари барҳам топишини назарда тутади. Дарҳақиқат, сезирларли йиртиқ матонинг бир нечта қисмлари ва хусусиятларини бузади (масалан, шикаст етказилишидан олдин матодан устки ва пастки кийим тикишда фойдаланиш мумкин бўлса, шикаст етказилганидан кейин бунинг имкони бўлмайди) ёки фақат айрим хусусиятларгина сақланиб қолади. Бинобарин, сезилмайдиган йиртиқ матонинг хусусиятларини йўқотмайди, балки фақатгина шикаст етказади. Имом Мухаммад “Мабсут” асарида ёзишича “кийимнинг йиртилиши, гарчи унинг айрим хусусияти бузилишига олиб келсада, катта заар ҳисобланади”.

Кўриниб турибдики, “Ҳидоя”да ҳаттоки кийим ва матога шикаст етказилиш ҳолати жуда кенг ва атрофлича баён этилмоқда ва бу ҳолат ўз навбатида ўша пайтдаги ҳукуқни қўлловчи қозилар учун муҳим қўлланма вазифасини ўтаган. Албатта, бу ўринда ўша даврдаги мол-мулк турларидан келиб чиқадиган бўлсак, мато ва мол-мулк кишилар учун катта аҳамиятга эга бўлган мол-мулк бўлган. Бугунги қонунчиликда бу турдаги заарлар ва мол-мулкни ноқонуний қўлга киритишга нисбатан умумий мезонлар орқали ҳукуқни қўллаш амалиёти қўзга ташланади. Ўз набатида “Ҳидоя”даги қоидаларнинг айримларини Олий суд Пленумининг кўрсатамалари билан қиёслаш мумкин. “Ҳидоя” расмий ҳужжат ва ҳукукий норма эмас, балки фақих алломанинг ижод маҳсули эканлигидан келиб чиқиб, унга ислом нормаларининг кенг ва мукаммал шарҳи, амалий талқини ва низоларни ҳал этишга оид ишончли тавсиялар мажмуи деб, таъриф бериш мумкин.

“Ҳидоя” нафақат жамиятдаги кичик ва чалкаш муносабатларни ҳукукий тартибга солишининг изчил ечимларини ифодалайди, балки жамият ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлган ер ва ундаги иморатлар, ўзбошимчалик билан уй-жой қуриш ва унинг ҳукукий оқибатларини ҳам назарда тутади. “Ҳидоя”да белгиланишича, агар кимдир ерни ноқонуний эгаллаб, унга кўчат экса ёки иморат қурса, у кўчат олиб ташлаш, иморат бузиш ва ерни мулқдорга қайтариши лозим, чунки, Пайғамбар айтганларидек “Ноқонуний эганинг уруғига нисбатан ҳукуқ мавжуд эмас”; шунингдек, мулқдорнинг ҳукуқи илгаридек сақланиб қолаверади, бинобарин, ер “бузилмаган” ва ноқонуний эга мулқдор мақомига эга бўлмайди, ноқонуний эга факат қонуний асосларга кўра ерни қўлга киритса, у ҳақиқий мулқдорга айланиши мумкин. Бунда ноқонуний эганинг эгалиги ўрнатилмаган, шунинг учун ўзганинг еридан фойдаланган шахс уни бўшатиши ва мулқдорга топшириши лозим. Агар дараҳт ёки кўчатларни ерга шикаст етказмасдан кўчиришнинг иложи бўлмаса, ер мулқдори кўчат ёки дараҳтлар эгасига уларни кўчиришнинг ҳақини тўлаган ҳолда ўзида сақлаб қолиши мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, шуни айтиш жоизки, “Хидоя” асарида мулкий муносабатларга жуда катта эътибор берилган ва мулк муқаддас саналган. Маълумки, “Хидоя” да ҳар хил жиноят турлари ҳақида алоҳида китоб мавжуд. Гарчи, ушбу китобда, жиноят ва жазо шакллари айнан ҳозирги, замонавий ҳуқуқшуносликдан фарқ қиласада, ўғрилик жинояти учун ҳозирда ҳам, мусулмон давлатларида жазо турлари ўзгаргани йўқ. Шу боис, “Хидоя”да мулк ҳуқуқини бузилиши учун жавобгарлик мавзусини ёритиш мақсадида, ўғрилик жинояти ҳақида асардан келтириб ўтамиз.

Ўғрилик – лугатда ўзга бўлган буюмни маҳфий ва сиррий йўл билан қўлга киритиш, деганидир. Мусулмон ҳуқуқшунослари: “Агар соғлом, балоғатга етган шахс 10 дирҳам ёки ундан зиёд миқдорда бўлган буюмни ёки пулни аниқ сақлаган еридан ўғирласа, ўғрининг қўлини кесиш билан жазоланади”, дейишган. Бунга далил қилиб, Куръоннинг “Моида” сураси 38 оятини келтиришган. Мусулмон ҳуқуқшуносларининг фикрига кўра жиноят содир этган шахс озод ёки қул бўлсин, ҳар иккиси бир хил жазоланади(агар ҳадд урилганда қул кишига озод кишига нисбатан берилган жазонинг ярми берилади). Ўғрининг қўлини кесишдан аввал ҳуқуқшунослар иккита нарсанинг бўлишини зарур деб топганлар: бу ўғрининг ўз айбига иқрор бўлиши ва иккита гувоҳнинг гувоҳлик беришидир.

Абу Ҳанифа наздларида ўғри бир бор иқрор бўлса, унга нисбатан жазо қўлланишликка етарлидир. Абу Юсуф эса икки бор иқрор бўлмагунича унинг қўли кесилмайди деган фикрдалар. Агар ўғриликда бир гуруҳ кишилар иштарок этган бўлса, у ҳолатда ўғирланган буюмларнинг қиймати ушбу ўғриликда қатнашган кишиларнинг сонига нисбатан тақсимланади, мабодо гуруҳ аъзоларининг ҳар бирига 10 дирҳамдан тўғри келса, ҳаммаларининг қўли кесилади. Чунки қўл кесишликин вожиб қилувчи нисоб ҳар бир кишида зоҳир бўлди, аммо миқдор тақсимланганда гуруҳ аъзоларининг ҳаммаларига 10 дирҳамдан тўғри келмаса, уларнинг қўли кесилмайди. Яна шундай вазиятлар борки, ўғирланган молнинг миқдори тақсимланганда ўғриларнинг

ҳаммаларининг қўлларини кесишлиқ вожибу, лекин ўғрилар орасида ёш бола ёки мажнун киши бўлса, Абу Ҳанифа ва фақих Зуфар наздларида улардан қўл кесишлиқ бекор бўлади. Абу Юсуф эса агар ўғирланган молни уйдан олиб чиқиб беришликка ёш бола ёки мажнун бош қош бўлсагина уларнинг қўли кесилмайди. Агар бу турдаги бош қош бўлган киши ёш бола ёки мажнун эмас экан, унда бу иккисидан ўзгаларнинг ҳаммасининг қўли кесилади, деганлар. Ханафий мазхабининг намоёндалари ўғирлик содир этилганда, қайси буюмлар туфайли ўғирнинг қўли кесилишини ва нима нарса учун кесилмаслигини ҳам мукаммал баён қилишган.

Мусулмон ҳуқуқшуносларининг фикрига кўра, ислом ўлкаларида қўриқланмасдан очиқ, эгиз ётган ёғочлар, ўт ўлан, қамиш, қизил тупроқ, оҳак балиқ, қушлар, ов ҳайвонлари учун қўл кесилмайди. Фақихлар ушбу сўзларга Ойша онамизнинг: “Расулуллоҳ(САВ) замонларида ҳақир(арzon, паст) нарсалар учун қўл кесилмайди”, деган сўзлари бор. Умуман фикҳ қоидасига кўра марғуб бўлмаган нарса(яъни қизиқиш уйғотмайдиган)га қўл кесилмайди.

Юқоридаги фикрни ҳамма фақихлар ҳам қабул қилган эмас. Фақих Шофеъий ва Абу Юсуф: “Тупроқ жинсидан ўзга нарсалар учун қўл кесилмайди”, деб фикр билдиришган. Расулуллоҳ (САВ)нинг мева учун ва кесар⁹⁵ учун қўл кесилмайди”, деган сўзларидан келиб чиқиб мусулмон қонуншунослари сут, гўшт ва ҳўл мевалар каби тез айнийдиган моллар учун қўл кесилмайди, деб қарор қилишган.

Ханафий мазхаби тарафдорларининг фикрига кўра, истеъмолга муҳайё қилиб қўйилган ва тез айнийдиган таомлар учун ҳам қўл кесилмайди. Аммо ижмога кўра ўзи таом деб юритилса ҳам, лекин тез айнимайдиган шакар, буғдой каби нарсалар учун қўл кесилади. Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳар вақт ҳам қўл кесилавермаган. Гарчи ижмога кўра буғдой, шакар каби таомлар учун қўл кесилганда, лекин ҳуқуқшунослар қозилар олдига ўша вақт юртда

⁹⁵ Кесар – хурмо дарахтидан чиқадиган оппоқ юмшок нарса.

хукум сурган ҳолатда ҳам эътибор беришларини талаб қилишган(карахтлик ва очарчилик даврларида ўғриларнинг қўли кесилмаган).

Шофеъий мазҳабининг асосчиси фақих Шофеъий: “Тез бузиладиган нарсалар учун ҳам қўл кесилади”, деб ўз сўзларига Расулуллоҳ (САВ)нинг: “Мевалар учун қўл кесилмайди, лекин хирмонга олиб чиқиб қўйилган мева учун қўл кесилади”, деган сўзларини далил қиласидилар. Бунга жавобан Ханафий фақихлари: “Бу ҳадис хирмондаги мевалар учун тегишилидир, одатда хирмонланган мевалар қуруқ мева бўлади, биз ҳам қуруқ мева учун ўғрининг қўли кесилади, деймиз”, дейишган. Фақих Кудурий фикрига қўра, одатда муҳофаза этилмаганлиги учун дараҳтдан териб олинган мевалар учун ёки далада йиғишириб олинмаган полиз маҳсулотларидан ўғирланганлиги учун қўл кесилмайди. Мусулмон хуқуқшуносларининг ўзига хос томонлари ушбу мавзуларда кўпроқ акс этган.

Ханафий фақихларининг наздида маст қилувчи ичимликларни ўғирлаган кимсанинг қўли кесилмайди. Чунки ўғирлаган кимса эҳтимол ушбу ичимликларни олиб чиқиб тўкиб ташлашликни ният қиласидир, иккинчидан эса бу ичимликлар шариатда қиймати бор бўлган товар, деб ҳисобланмайди. Баъзи навларининг қиймати борлигига эса ихтилоф мавжуддир. Фикҳ қоидасига қўра эса ихтилоф, шубҳа аралашган иш юзасидан инсоннинг қўли кесилмайди. Юртимиз фақихларининг фикрига қўра, сирка тез бузилмайдиган ва қийматга эга бўлган ичимлик бўлганлиги учун уни ўғирлаган кимсага жазо белгиланади.

Фақих Кудурийнинг айтишича, агар устида қимматбаҳо зийнати бўлган ёш озод болани ўғирлаган кимсанинг қўли кесилмайди. Чунки озод инсон товар ҳисобланмайди, устидаги зийнати эса ўзига тоъбедир. Ўғри ўз айбини тан олмаслик учун: “Мен болани уйига элтаётган эдим” ёки “Эмиздиргани олиб кетаётган эдим”, деб кўрсатма бериши мумкин, шу билан бу ишга шубҳа аралашади.

Фақих Абу Юсуф ушбу ҳолатга қуйидагича баҳо берганлар: “Агар болани эгнидаги зийнати 10 дирҳамга етса, шу зийнат эътибори билан

ўғрининг қўли кесилади”. “Мабсутда” ушбу ҳолатга ўхшаш қуйидагича фикр билдирилган. “Агар бир киши бир чўпонни ўғирласа ва ушбу чўпон 10 дирҳам турмасаю, лекин унинг чўнтағидан 10 дирҳамдан зиёд топилса, бу ҳолатда, агар ўғри чўнтақда пул борлигини билмаган бўлса, қўл кесилмайди, мабодо, билган бўлса, қўли кесилади”.

Хукуқшунослар жазони енгиллаштирувчи кўпгина ҳолатларни ҳам баён қилишган. Шулардан бири қуйидагичадир: Бир киши бошқа бир одамни қарз олган, қарздор одам қарзини тўлашдан бош тортиб, юрган бўлса, қарз берган киши унинг ҳонадонига келиб ўғринча берган миқдорида пул олса, унинг қўли кесилмайди, чунки бу одам ўз ҳаққини олди. Аммо пул ўрнига бирор моддий буюм олса, ушбу нарсада унинг ҳаққи бўлмаганилиги учун қўли кесилади. Хукуқшунослар бу ҳолатга ҳам икки ҳил фикр билдириб: “Агар қарз берган билан қарздор орасида маълум муддатда тўлашлик акти тузилган бўлса, унда ўша вақтда олишлик билан муддатдан аввал олишлик уламолар фикрига кўра, истеҳсонга кўра баробардир. Истеҳсонга кўра, аввал олишликка рухсат бўлгани юзасидан юқорида қарз берган одамнинг қўли кесилмайди”. Иккинчи тоифа факихлар: “Қиёсга кўра ваъдалашган кунидан аввал олганлиги учун қўли кесилади”, дейишган.

Бурҳондин Марғиноний айтадилар: “Ўғрининг жиноят қилганлигини исботлаш ва жиноий жавобгарликка жалб қилиб, унинг қўлини кесишлик учун албатта моддий бойлик эгасида кўрғон деган маънони англатувчи макон бўлиши шартдир(кўрғонн уй, қалъа, яъни эшик деворли бинолар, дўкон, қуклфланадиган сандиқ ҳамда қўриқчисибўлган очик ердаги объектлар ташкил этади)”. Лекин ушбу турдаги объектлардан ашёлар ўғирланганда доим ҳам кескин чоралар кўрилмаган.

Бурҳонуддин Марғинонийнинг фикрлариға кўра, кимки ўз ота онасиникидан ёки боласиникидан ёки никоҳланиши мумкин бўлмаган яқин қариндошиникидан нарса ўғирласа, унинг қўли кесилмайди. Бунинг сабаби, ота ва болалар орасида молларни беркитишлиқ ҳолати йўқлиги ва бир бирлариникига алоҳида изн олмай кириб чиқиб юришларидир. Махрам

бирларининг олдига беизн киришлари мумкин. Шу жиҳатдан ҳам уларнинг қўли кесилмайди.

Имом Шофеъий маҳрам бўлган қариндошларни маҳрам бўлмаган қариндошларга қиёс қилган ҳолда, агар киши ота она ва фарзандлариникидан ташқари кишиларнинг мулкини олганда албатта қўли кесилади, Бурхониддин Марғиноний: “Кечаси пособон турадиган ердан қундузи ўғирланган ашёлар учун ҳам жазо берилади”, деганлар ва ўз сўзларига далил қилиб Расулуллоҳ(САВ) замонларида сафрон деган саҳобанинг масжидда уҳлаб ётганда бошининг тагидан рўмолини ўғирлаган кимсанинг қўлини кесишликка буюрганларини таъкидлаб келтирганлар. Умум жамоат фойдаланадиган биноларда ўғрили содир бўлмаслигига ҳам мусулмон қонуншунослари бир қанча фикр билдирганлар. Ҳаммомдан ёки карвонсарой каби одамларга доим очиқ бўлган жойлардан ўғирланган ашёлар учун қўл кесилмайди. Чунки бу жойларга беизн киришликка руҳсат берилган бўлса ҳам у қоровули билан қўрғон ҳукмида бўлиб, ундан нарса ўғирлаган кишининг қўли кесилади.

Ҳанафий мазҳабининг қонуншунослари ўғриликнинг кўп тарқалган тури чўнтаккесарликка ҳам диққат билан фикр билдиришган. Агар ўғри ҳамённи кесиб пулни олса(яъни, ташқарида турган ҳамённи), унинг қўли кесилмайди. Аммо қўлини ҳамёнга сиқиб олса, қўли кесилади. Биринчи кўринишида пул ташқи томонда ўғирланганлиги ҳамда муҳофаза этиладиганган ерга тажовуз кузатилмаганлиги сабаб бўлса, иккинчи ҳолатда қўлини муҳофаза этилган ерга тиқилганлигидир. Мабодо ташқарида турган ҳамённи кесмай боғичини ечиб пулинни оладиган бўлса, у ҳолда иллат ўзгарганлиги учун жавоб ҳам ўзгаради, яъни қўли кесилади. Фақих Абу Юсуфдан юқоридаги ҳар иккала ҳолатда ҳам ўғрининг қўли кесилади, деган ривоят бор.

Ғасб сўзи бирор шахснинг нарса(ашё, мол мулк ва х.з) сини куч ишлатиш орқали эгаллаб олиш деган маънони англаатади.

Ноқонуний эгалловчи томонидан тортиб олинган нарсага шикаст етказилган тақдирда, (нарсанинг асл эгаси, унинг ҳақини сўраганда ҳам) у (ноқонуний эгалловчи) ушбу нарсанинг эгаси деб ҳисобланади.

Олимларнинг фикрларига кўра, агар кимда ким, ноқонуний тарзда кўчар ашёларни ёки мебелни эгаллаб олиб, сўнгра уларга шикаст етказса, мулк эгаси эса, ушбу ашёларнинг ҳақини талаб қиласа, ноқонуний эгалловчи ўз ўзидан ушбу мулкнинг эгаси деб ҳисобланади. Имом Шофеий фикрларига кўра, ноқонуний эгалловчи мулк эгаси деб ҳисобланмайди, зеро, ашёнинг тортиб олиниши, бу зўравонлик ва ноқонуний ҳаракат бўлиб, бундай ҳаракат мулк ҳукуқига эга бўлиш учун асос бўла олмайди; шунингдек, кимдир мударрабни эгаллаб олса ва унга зиён етказса, мулқдор эса ундан мударрабнинг ҳақини келтирилган зиён учун ундириб олса, бундай холатда ноқонуний эгалловчи мулкнинг эгаси деб ҳисобланмайди. Бизнинг олимларинг фикрларига кўра, мулқдор мулкнинг эквивалентини олади; ушбу ашё бир шахсдан иккинчи шахсга мулк бўлиб ўтиши мумкинлигини ҳисобга олганда, ноқонуний эгалловчи ушбу мулкка етказилган зарарни қоплагандан сўнг, унинг эгасига айланади.

Айтиш жоизки, ноқонуний эгалланган ашёнинг қиймат нархи аниқланаётганда, ноқонуний эгалловчининг арзи(қасам ичиш билан мустаҳкамланган)га ишониш даркор, негаки, мулк эгаси маълум миқдорда пул талаб қилган ҳолда даъвогар деб ҳисобланади, ноқонуний эгалловчи эса ушбу пулнинг миқдори юзасидан бахслашади; инкор қилувчининг арзига (қасамёд билан мустаҳкамланган) эса, фақат мулк эгаси томонидан ўзининг талабини тасдиқлаш мақсадида далил келтирилмасагина ишониш лозим;

Мулк эгаси ашёнинг қиймат нархини олгандан сўнг, агар мукофот унинг талабига жавоб берса, уни қайтариб олишга талаб қила олмайди.

Агар эгаллаб олинган ашё, ноқонуний эгалловчи томонидан берилган пул миқдоридан қиймати юқори бўлган ҳолда топилса ёки тикланса, ва ушбу ашёни қийматини ундириш мулк эгаси томонидан талаб қилинган, ёки келтирилган далиллар туфайли, ёки, ноқонуний эгалловчи томонидан ҳеч

қандай қаршилик кўрсатилмаган ҳолда ундирилган бўлса, мулк эгаси ушбу ашёни қайтриб олишга ҳақки йўқдир; аксинча, ушбу ашё ноқонуний эгалловчининг мулки бўлиб ҳисобланади, зеро, ашёга бўлган хукуқ мулк эгасининг розилиги ила пайдо бўлган. Чунки, мулк эгаси, ушбу ашё қийматини ноқонуний эгалловчидан талаб қилиб олган. Агарда, аксинча, мулк эгаси мукофотни ноқонуний эгалловчининг арзи орқали олган бўлса, мулк эгасида ёки мукофотни олмоқ, ёки эгалланган ашёни олиб, ноқонуний эгалловчи томонидан берилган мукофотни қайтариш танловига эга бўлган бўлар эди. Агарда, эгалланган ашё, унинг қиймати берилган мукофотга тенг ёки камроқ бўлган вақтда топилса, ва мулк эгаси ушбу мукофотни ноқонуний эгалловчининг арзи ёки қасами туфайли қабул қилган бўлса, ушбу ҳолатга нисбатан юқорида келтирилган қонун қўлланилади. (яъни, мулкдорда танлаш хукуқи пайдо бўлади)

Ноқонуний эгалловчи томонидан эгалланган қулнинг сотилиши мумкинdir, агарда, мулк эгасига қулнинг қиймат нархи мукофот шаклида берилган бўлса, аммо, қулнинг озод қилиниши эса мумкин эмасdir.

Агар, кимда ким бирор қулни тутиб олиб, уни сотиб юборса, қулнинг эгаси эса ноқонуний эгалловчидан қулнинг қийматини мукофот шаклида олса, ушбу олди сотди ҳақиқийdir. Агар, аксинча, ноқонуний эгалловчи қулни озод қилсаю, мулкдор кейин мукофотни олса, унда қулнинг озод қилиниши ҳақиқий эмас деб ҳисобланади, чунки, ноқонуний эгалловчи мукофотни тўлаган вақтда пайдо бўладиган мулк хукуки, камчиликлардан ҳоли эмасdir. (яъни, ноқонуний эгалловчининг мулк хукуки қулнинг ишлаб топган пулига қадар йўналтирилади, лекин авлодларига эмас; бошқа сўз билан айтганда, агар, кимда ким қул аёлни ноқонуний эгаллаб олса, ва унинг ишлаб топган пулинин олсада, сўнгра, мулкдорга мукофот тўласа, унда қулнинг иш ҳақи унинг мулки деб ҳисобланади; аммо, агар қул аёл унинг эгалигида бўлган вақтда бола тугса, ва шундан сўнгина ноқонуний эгалловчи мулкдорга мукофот тўласа, қулнинг болалари унинг мулки бўла олмайди).

Ноқонуний эгалловчи томонидан эгалланган ашёнинг меваси унинг кўлида омонат деб ҳисобланади.

Ноқонуний эгалланган боғнинг мевалари ва қул аёлнинг болалари, ноқонуний эгалловчининг кўлида омонат деб ҳисобланади. Агар улар йўқ қилинган бўлса ва ноқонуний эгалловчи уларга нисбатан ҳеч қандай қонунбузарлик содир этмаган бўлса, у ҳолда у жавобгар бўлмайди. Агар, ноқонуний эгалловчи мулқдорнинг талабига кўра уларни беришдан бош тортган бўлса, ёки уларга нисбатан қонунбузарлик содир этган бўлса у жавобгар деб ҳисобланади. Имом Шофеийга кўра, эгалланган нарсанинг ўсиб кўкариши, у ўша нарсага қўшиладими ёки йўқми, жавобгарлик учун предмет деб ҳисобланади, чунки, уларга нисбатан ноқонуний эгалланиш белгиланган: ноқонуний эгаллаш мулк эгасининг розилигисиз унинг мулкини эгаллашдир. Демак, ҳар қандай ноқонуний тарзда эгалланган нарсанинг кўпайиши, ноқонуний эгалловчининг унга нисбатан жавобгар эканин белгилайди. Яъни, агар Макканинг муқаддас еридан буғунинг урғочиси эгалланса, ва ноқонуний эгалловчининг кўлида бўлган вақтда у бола туғса, мулқдор ушбу туғилган болага нисбатан мулк ҳуқуқига эга бўлмайди, чунки, мулқдор унга эгалик қилмаган. Олимларимизнинг фикрига кўра, “ноқонуний эгаллаш бу мулқдорнинг ҳуқуқини поймол қилган ҳолда, унинг мулкини эгаллаб олиш”. Лекин, мулқдор эгалланган мулкнинг кўпайтмасига эгалик қилмаган, демак, ушбу эгалланган нарса йўқ қилиниши мумкин эмас. Агар, мулкнинг кўпайиши, ўша мулк орқали кўпайганини ҳисобга олса, мулқдорнинг ушбу мулкка бўлган ҳуқуқи давом этади ва ноқонуний эгалловчи уни қайтариб беришга қаршилик қилмайди ; лекин, агар, ноқонуний эгалловчи, мулқдорнинг талабига кўра уни қайтариб беришдан бош тортса, у ҳолда, ноқонуний эгалловчи ушбу қўпайтмага худди унга нисбатан зара етказган каби жавобгар деб ҳисобланган(уни ўлдирса, еб қўйса, сотиб юборса ёки бериб юборса).

Қул аёлнинг ноқонуний эгалловчиси, у хомиладорлиги вақтида бўлган заарларга жавобгар эмас, фақатгина, боланинг қиймати ушбу заарга тенг бўлса.

Агар қул аёл ноқонуний эгаллан вақтда, хомиладорлик натижасида зара кўрса ва ушбу заарнинг қиймати боланинг қиймат нархига тенг бўлса, у холда, ноқонуний эгалловчи зарани қоплашга мажбур эмас. Имом Шофеий ва Зафарларнинг наздларида, боланинг қиймати зарар учун мукофот бўла олмайди, негаки, бола қул аёлнинг эгасига тегишлидир, демак, бола қул аёл чеккан заарга нисбатан мукофот тарзида ишлатила олмайди.(юқоридаги буғу мисоли каби) Худди шу каби, агар бола ноқонуний эгалловчи томонидан онасини қайтарилигунига қадар ўлиб қолса, ёки, она туғруқ вақтида ўлса ва боланинг қиймати халок бўлган онаниг қийматига тенг бўлса, ёки, кимдир бирорнинг қўйини жунгини кесиб ташласа, бирорнинг дарахтини шохларини кесиб ташласа ёки қулга бирор санъатни ўргатса, бунинг натижасида эса, у баъзи маънода яроқсиз ҳолга келса(яъни, хўжайнини томонидан белгиланган ишга нисбатан). Бунга айбдор бўлган ноқонуний эгалловчи, ушбу келтирилган заарларга нисбатан жавобгар деб саналади гарчи предметнинг қиймати ўсган бўлса ҳам. Олимларимизинг фикрига кўра, ушбу ҳолатларда, кўпайтма ва заарнинг сабаби бир, айнан-боланинг туғилиши, бу ҳолатда зарар инобатга олинмайди, чунки, унга қарама қарши, кўпайтма хосил бўлгани учун. Демак, бу турдаги зарар жавобгарликни юзага келтирмайди, чунки, бу ҳолат, қуйидагилар билан баробардир. Масалан, кимдир семиз қулни эгаллаб оласа-да, сўнгра у озиб, яна семирса; ёки, қул икки олди тишини йўқотиб, ўрнига 2 та янги олади; ёки кимдир ноқонуний эгалланган қулнинг қўлинини кесганда, ноқонуний эгалловчи унинг учун жарима тўлайди ва уни шу холда мулқдорга топширади. Бу каби ҳолатларда ноқонуний эгалловчи мукофот тўлашга мажбур эмас. Онанинг туғруқ вақтидаги ўлимига келадиган бўлсак, бунга икки хил ёндашув бордир. Биринчиси, агар боланинг қиймати заарни қоплаш учун етарли бўлса, у мукофот сифатида қабул қилинади. Иккинчиси, (Захири –Ривоятга кўра)

боланинг қиймати мукофот сифатида ўтмайди, негаки, туғруқ ҳар доим ҳам ўлим билан эмас, балки, кўп холларда яхши тугайди. Қачонки, бола онанинг қайтариб берилишидан аввал ўлса, зарар қопланган деб ҳисобланмайди, чунки, асосий предмет (она) бошланғич ҳолатда қайтарилиши лозим эди; онанинг бола туғилиши натижасида зара қўрганлиги ва ушбу зарар(бола) ўлгнлиги туфайли она билан бирга қайтариб берилмаслиги шундан далолатки, демак она эгаллангунга қадар бўлган ҳолатида қайтарилгани йўқ. Имом Шофеий ва Зуфарлар томонидан келтирилган қолган мисолларда кўпайтма ва зарарнинг сабаби бир хил ҳолат эмас, чинки, дарахтга келтирилган зарарнинг сабаби-унинг шохларини кесиш, кўпайтманинг сабаби эса-унинг ўстганидир; кўйда ҳам худди шундай, қулга келтирилган зара бу нинг ўқитиганлиги, унинг кўпайтмаси эса-унинг ақлидир.

Ноқонуний эгалловчи томонидан эгалланган қул аёл ундан хомиладор бўлса ва унинг қайтарилганидан сўнг, тўғруқ вақтида ўлса, ноқонуний эгалловчи унинг қиймат нархига жавобгар бўлади.

Агар кимдир, қул аёлни эгаллаб олиб, у билан жинсий алоқада бўлса, ва хомиладор қилиб, мулқдорга қайтариб берса ва аёл тухруқ вақтида ўлса, у холда, ноқонуний эгалловчи, қул аёл хомиладор бўлган вақтидаги қийматини тўлаши керак; аммо, у озод бўлганида, Абу Ханифага кўра, хеч қандай мукофот талаб қилинмаган бўлар эди. Шогирдлар айтишларича, у қул бўлган холда ҳам, мукофот талаб қилинмайди. Чунки, агар ноқонуний эгалловчи томонидан қулаёл мулқдорла тўлиқ ва асл холида қайтарган бўлса, у холда мулқдор уни ўз эгалигига қабул қилган деб ҳисобланади; агар, қул аёлнинг ўлими(туғруқ), ўша вақтда(яъни, мулқдорга қайтган вақтида) содир бўлган деб ҳисобланса, ноқонуний эгалловчи бунга жавобгар бўлмайди. Чунки, худди шу каби, қул аёл эгалланган вақтда касал бўлиб қолса-ю, шу холатда мулқдорга қайтарилиб, сўнгра ўлса; ёки, ноқонуний эгалланган қул аёл бошқа бирор билан зино қилсада, мулқдорга қайтарилган бу гуноҳи учун жазоланиб, ўлса; бу холатнинг хеч бирида ноқонуний эгалловчи жавобгар бўлмайди, худди, сотувчи хомиладор қулни сотсаю, сотиб олувчининг

кўлида туғруқ натижасида ўлгани каби. Абу Ханифага кўра эса, ноқонуний эгалловчи қулни эгаллаган вақтда унинг ўлим сабаби йўқлиги ва қулни қайтариш вақтида ушбу сабаб унинг ичидаги бўлганлиги, қулнинг эгалланган вақтидаги бошланғич ҳолати йўқлигини билдиради; демак, қулнинг қайтарилиши тўлиқ ва ҳақиқий бўлмагандир. Бу холат шу билан ўхашки, эгалланган қул аёл, ноқонуний эгалловчининг эгалигига жиноят содир этиб, мулкдорга қайтарилгач эса шу жиноят жазосини олса, ёки эҳтиётсизлик натижасида жиноят содир этиб, қасос олувчига топширилса, бу холларда мулкдор ноқонуний эгалловчидан унинг қийматини олишга ҳақли.

Эгаллаб олиган ашёдан фойдаланганлик учун ижара ҳаққи тўланмайди; лекин ноқонуний эгалловчи, ушбу предметга келтирилган заар учун жавобгар саналанди.

Ноқонуний эгалловчи эгалланган предметдан фойдаланиш учун жавобгар эмас(яъни, ижара ҳаққи тўлаши шарт эмас); лекин, ушбу предметга зара етса, унинг зараини қоплаши шарт. Имом Шофейга кўра, ноқонуний эгалловчи эгалланган ашёни ишларгани учун, унинг учун ижара ҳақи тўлаши шарт дейдилар. Имом Шофеий ва олимларимизнинг фикрларига кўра, агар, кимда ким бир уйни эгаллаб олса ва уни шу холича қолдирса ёки уйни ўзи эгалласа, икки таълимотга кўра ҳам, ноқонуний эгалловчи уйдан фойдалангани учун жавобгар эмас. Имом Малик айтадики, агар ноқонуний эгалловчи уйда ўзи яшаб турса, у холда ижара ҳаққи тўлашга мажбур, агар яшамаса, бунинг аксидир. Имом Шофеийга кўра, ишлатилаётган предметни қиймат ўлчанади, демак, ноқонуний эгалланган вақтда жавобгарлик предмети деб хисобланади. Бу холатга икки хил ёндашув мавжуд. Биринчидан, ноқонуний эгалловчи томонидан эгалланган предметдан фойдаланиш ўша вақтдагина амалга оширилади; агар шундай бўлса, у фойдаланишга ҳаққи бордир, ва албатта, бунинг учун жавобгар бўлмайди, чунки хеч ким ҳаққи бор бўлган нарсага жавобгар бўлмайди. Иккинчидан, фойдаланиш ва мулк ўртасида ўхашлик йўқ, чунки, фойдаланиш бу мансублик, мулк эса мазмундир. Моддий нарсалардан фойдаланиш,

жавобгарликни юзага келтирмайди, унинг учун буриладиган мукофот ва предмет ўртасида ўхшашлик талаб қилинади. Имом Шофеийнинг “мулқдан фойдаланишнинг қиймати аниқланади” деган гапларига эса, шуни айтиб ўтамизки, бу ҳолатлар фақат ижара шартномаларидағина талаб қилинади, аммо ноқонуний әгаллашда хеч қандай битим тузилмайди. Аммо, әгалланған нарсага зара етказилса, унинг зарари қопланиши даркор.

Мусулмон киши зиммийнинг майи ёки чўчқасига етказилган зарари учун жавобгардир. Агар мусулмон киши, зиммийга тегишли бўлган май ёки чўчқага зара етказса, у уларнинг қиймат нархини қоплаб бериши керак; агарда у мусулмонга тегишли бўлган шу каби нарсаларга зара етказса, хеч қандай мукофот талаб қилинмайди. Имом Шофеийга кўра, биринчи холатда ҳам мукофот талаб қилинмайди. Шу каби холат(май ва чўчқанинг бузилиши) зиммий илан зиммий ўртасида содир бўлган бўлиб, ёки ушбу предметлардан бирини зиммий бошқасига сотса , олиларимизнинг фикрига кўра ушбу олди сотди қонунийдир(Имом Шофеий фикригага қарши). Имом Шофеий айтадиларки, ушбу предметлар мусулмонлар учун қийматсиз бўлиб, зиммийлар учун ҳам шундайдир, чунки улар мусулмонларнинг қонунларига бўйсунадилар. Шу сабабли, бу предметларнинг бузилиши, хеч қандай тарзда қопланмайди. Бизнинг олимларнинг фикрларига кўра, май ва чўчқа зиммийлар учун қийматга эга бўлган мулкдир, чунки улар учун май-мусулмонлар учун-сирка кабидир, чўчқа эса-кўй билан tengdir; демак, биз, мусулмонлар ўларнинг динини хурмат қилган ҳолда, уларни ўз қонунларимизга бўйсундиришга ҳаққимиз йўқ. Демак, кимки уларнинг май ёки чўчқаларига зара етказса, у зиммийларнинг қийматли нарсаларига путур етказган деб ҳисобланади.

Кўриниб турибдики, агар мусулмон шахс, зиммийнинг май ёки чўчқаси бузиб қўйса, ушбу нарсаларнинг алмаштирилиши мумкинлигига қарамасдан, унинг қийматини қоплаши лозим, чунки, мусулмон майни мулк сифатида беришга ҳақли эмас, чунки, у маёга нисбатан шараф кўрсатаётган бўлар эди. Бошқа холатки, бир зиммий бошқасига май сотса ёки уни бузиб қўйса. Бу

холда, сотувчи сотиб олувчига майни бериши керак, майни бузган ўахс эса, мулк эгасига худди ша миқдорда май қайтариши керак.

Ноқонуний эгалиқда бўлган предметнинг меҳнат натижасида ўзгартирилиши, харажат билан бириктирилмаган холда, мулк хуқуқини ўтказмайди; агар меҳнат харажатлар билан бўлган бўлса, у холда мулк хуқуқи ноқонуний эгалловчига ўтади, ва у мукофот бериши керак бўлади.

Агар кимдир мусулмонга тегишли майни эгаллаб олса, ва уни қуёшга ва сояга қўйган холда сиркага айлантирса, ёки ўлаксанинг терини эгаллаб олиб, уни ошлаб қўйиб, унга қийматга эга бўлагн нарса билан ишлов берса, у холда мулкдор майни ноқонуний эгалловчига хеч нарса бермасдан, уни қайтариб олишга ҳаққи бор, терининг эгаси эса, уни қайтариш учун ноқонуний эгалловчига қилган меҳнатига ҳақ тўлаб олиши мумкин. Биринчи холда, майнинг сиркага айланиши, унинг тозаланиши демакдир; демак, сиркага бўлган мулк хуқуқи мулкдорга тегишли бўлиб қолади, чунки майни сиркага айланиши хеч қандай янги холатни келтириб чиқармайди. Аммо, иккинчи холатда эса, терига ноқонуний эгалловчига тегишли бўлган қийматга эга бўлган нарса аралашади ва бу холат худди кўйлакни бўяш билан тенгдир. Бунга кўра, мулкдор ноқонуний эгалловчидан сиркани хеч қандай мукофот талаб қилмасдан олишга ҳақли, терининг эгаси эса, ноқонуний эгалловчига қилган меҳнати учун пул тўлаб олиши керак. Ушбу ишнинг қийматини аниқлаш учун, аввал ишлов берилмаган тери қиймати, сўнgra, ишлов берилган қисмини айириб аниқланади: уларинг қийматдаги фарқи ноқонуний эголловчига тўланиши керак. Бундай холларда, ноқонуний эгалловчи ушбу предметни пулинни олмагунга қадар ўзида сақлаб туришга ҳақли. Абу Ханифага кўра, агар ноқонуний эгалловчи сиркани ёки ишлов берилган терини йўқ қилса, у холда ноқонуний эгалловчи тери учун эмас, сирка учун жавобгар деб хисобланади. Шогирдларнинг фикрларига кўра эса, у терига ҳам жавобгар бўлади, унинг учун мукофот олиши керак бўлса ҳам. Сиркага бўлган жавобгарликнинг мавжудлигини сабаби шундаки, ушбу сирка, майнинг эгасининг мулки бўлиб, ўз қийматини йўқотмаган, демак,

ноқонуний эгалловчи унга етказган зарари учун жавобгардир; сирка алмаштирилиши мумкин бўлган нарса юўлгани учун, ноқонуний эгалловчи унинг ўрнига худди шу миқдорда сирка бериши шарт. Терига бўлган жавобгарликнинг асосида икки хил фикр бор. Биринчи фикрга кўра, ушбу предмет мулқдорнинг мулки бўлгани учун, у мулкни қайтариб олиш хуқуқига эга; тери қийматли нарса бўлганлиги учун эса, мулқдор унинг қийматини ноқонуний эгалловчидан талаб қилиш хуқуқига эга. Яъни, ишлов берилган тери қийматида пулни олиб, сўнгра, уни ушлов берилган қисми учун ноқонуний эгалловчига пул тўлаши керак. Иккинчидан, ноқонуний эгалловчи ишлов берилган терини қайтариб бериши керак эди, чунки терининг йўқ қилиниши натижасида ноқонуний эгалловчи жавобгар деб ҳисобланган ва унинг зарарини қоплаган. Аммо, шуни айтиш жоизки, агар, тери ноқонуний эгалловчининг айбисиз йўқ қилинган бўлса, у холда ноқонуний эгалловчи хар қандай холатда ҳам жавобгар деб ҳисобланмайди. Шогирдларнинг фикрларига келсак, яъни “мулқдор ноқонуний эгалловчидан ишлов берилган тери қийматини мукофот сифатида олиб, сўнгра, унинг ишланган жойи учун ноқонуний эгалловчига пул тўлаши керак” деганда, шу нарсага асосланадики, терининг ва унинг ишланишининг қиймати ҳар хил бўлади. Яъни, агар терининг қиймати динорларда, унга ишлов берилиши дарагимларда ўлчанса, ёки иккиси ҳам тангаларда ўлчанса, мулқдор терининг қийматидан унинг ишланган нарихини айириб, унинг фарқини ноқонуний эгалловчидан олиши керак бўлган, негаки, аввал терининг қийматини тўлиқ олиб, сўнг бир қисмини қайтарилишини фойдаси йўқдир. Абу Ҳанифага кўра, юқоридаги тери, унга ноқонуний эгалловчи томонидан ишлов берилганидан сўнг қийматга эга бўлди, яъни, унинг қийматга эга бўлиши, унга қўшилган қийматли мулк туфайли бўлган. Демак, меҳнат унинг хуқуқи деб ҳисобланади, тери асосий предмет бўлиб, ўзининг қийматига кўра ушбу меҳнатнинг маҳсули деб ҳисобланади; ноқонуний эгалловчи асосий предметга нисбатан жавобгар бўлмаганлиги учун, (айнан, меҳнат) у тери

учун хам жавобгар бўлмайди, худди, терига етказилган зара унинг айбисиз содир бўлганлиги каби.

Майга қийматли нарса аралаштириб, уни сиркага айлантириш холати хақида.

Агар ноқонуний эгалловчи, майга туз сепиб, уни сиркага айлантириб қўйса, Абу Ханифага кўра, сирка хеч қандай мукофотсиз унинг эгалигига ўтади. Шогирдларнинг фикрлариға кўра эса, агар мулкдор ноқонуний эгалловчига тузнинг қийматига тенг бўлган сиркани берса, мулкдор сиркани олиш хуқуқига эга бўлган. Агар, аксинча, мулкдор сиркани ноқонуний эгалловчида қолдириб, унинг учун мукофот олмоқчи бўлса, бу холат юзасидан икки хил фикр мавжуд. Агар, ноқонуний эгалловчи майни йўқ қилса, у Абу Ханифага кўра, у жавобгар дуб хисобланмайди. Агар ноқонуний эгалловчи унга сирка қуиб, майни сиркага айлантирса, бу холатга имом Мухаммаднинг фикрлари келтирилади: агар май унга сирка қуйилгач сиркага айланиб бўлса, бу ҳолда, ноқонуний эгалловчи мулкдорга мукофот бериши шарт эмас, чунки, майга сирка қуиши уни йўқ қилиш билан баробар, май эса қийматга эга бўлган предметдир. Агар, майга қуйилган сирканинг етарли бўлмагани туфайли узоқ вақтдан сўнг сиркага айланса, у ҳолда уни ноқонуний эгалловчи ва мулкдор ўртасида бўлиш керак дейилган. Яъни, ноқонуний эгалловчи сирка қуйилган қисмига, мулкдор эса май қисмига эга бўлади, чунки, ноқонуний эгалловчи ўзининг сирканни мулкдорнинг сиркай билан аралаштириб юборган; бу эса, имом Мухаммадга кўра йўқ қилишга кирмайди. Аммо, Абу Ханифага кўра, сирка икки ҳолатда ҳам ноқонуний эгалловчига тегишли бўлади, чунки, сирканинг майга қуиши факти майнинг йўқ қилиниши демакдир; Ушбу турдаги йўқ қилиш эса, хеч қандай жавобгарликни юзага келтирмайди. Агар бу холатга майни йўқ қилиш, яъни қийматга эга бўлмаган нарсани йўқ қилиш деб қаралса; агарда, уни сирка йўқ қилиш деб қабул қилсак, бу ўз мулкини йўқ қилиш дегани бўлиб, сирка ноқонуний эгалловчининг мулкига айланади. Имом Мухаммадга кўра, ноқонуний эгалловчи, агар суюқликка сирка солгандан сўнг у бир соат ўтиб,

сиркага айланса ва уни йўқ қилса, у жавобгар бўлмайди. Ушбу холатда, у бутун бўлган нарсага бўлган мулк ҳуқуқига эга бўлади, демак, фақатгина ўзининг мулкинигина йўқ қилади, агар, ноқонуний эгалловчи, суюқликни сиркага айланганидан сўнг узоқ вақт ўтгач уни йўқ қилса, у бирорвинг мулкини йўқ қилганлиги учун жавобгар деб саналади.

Мусиқа асбобини йўқ қилиш ва мусулмоннинг шарбатини тайёрлаш жавобгарликни келтириб чиқаради.

Агар кимда ким мусулмоннинг удини(қадимги чолғу асбоби) ёки сурнайини синдирса, ёки сиккер, муниссрафларини(хурмо ва узум шарбатлари) тўкиб юборса, у жавобгар бўлади, чунки, ушбу нарсаларинг сотилиши қонунийдир(Абу Ханифага кўра). Шогирдларнинг фикрига кўра эса, у жавобгар бўлмайди, чунки бу нарсалар олди сотди предмети бўла олмайдилар. Кимdir айтадики, ушбу келишмовчилик фақатгина ўйин кулгуга керак бўладиган чолғу асбобларига тегишлидир: аммо, агар кимdir уруш вақтида ишлатиладиган барабани, ёки, тўйларда чалинадиган тамбурин ёки цимбалыни синдирса, у жавобгар деб хисобланади. Абу Ханифага кўра, базик номли ичимлик(хурмо майининг бир тури) биринчидан, сотув ва жавобгарлик предмети деб саналади, иккинчидан бу ундей эмас. Шогирдларнинг фикрига кўра, биринчидан, ушбу нарсаларнингхаммаси қонунни бузиш учун тайёрланади, демак, улар қийматга эга нарсалар эмасдир; иккичидан, ушбу шахснинг харакатлари системол қилиш демакдир; Абу Ханифага кўра, юқоридаги предметлар мулк деб саналади, чунки улар фойда келтириши мумкин, гарчи улардан ноқонуний йўл билан хам фойдаланса бўлсада. Демак, ушбу нарсаларнинг қиймати бўлгани боис, уларни йўқ қилган шах, ўрнига пулинин қоплаши керак (олди сотдида ҳам худди шундай). Ҳамда ушбу нарсаларни йўқ қилган шахс, уларнинг ички қийматига teng бўлган нархини тўлаши керак.

Абу Ханифага кўра, агар кимdir ўша нарсаларни йўқ қилса, уларнинг асл қийматини нархини тўлаши даркор, уларнинг қандай хуш кайфият келтиришидан қатъи назар. Агар, қўштқчи аёлга зарап ета, уни қиймати

фақат қул сифатида ўлчанади; урушқоқ қўй ёки хўрозга ҳам шу холат тегишлидир. Айтиш жоизки, сиккер ёки монассафларнинг бирини юзига тўкиб юборса, ушбу шах фақатгина тўкилган қисмига пул тўлайди, унинг хаммасига эмас, чунки мусулмон одам бундай нарсаларингн мулкдори бўлиши мумкин эмас. Агар, кимдир христиан одамнинг хочини синдириб қўйса, у унинг пулини ташлаши керака, чунки христианлар учун диний амалларни бажариш жоиздир.

Х У Л О С А Л А Р

“Хидоя” асарининг қиёсий таҳлили, унинг ўз замонасидаги ўрни ва аҳамияти ҳамда ундаги қоидаларнинг бугунги қонунчилик билан таққослаб ўрганиш асосида қуидаги холосаларга келинди:

1. “Хидоя” расмий ҳужжат ва хуқуқий норма эмас, балки фақих алломанинг ижод маҳсули эканлигидан келиб чиқиб, унга ислом нормаларининг кенг ва мукаммал шарҳи, амалий талқини ва низоларни ҳал этишга оид ишончли тавсиялар мажмуи деб, таъриф бериш мумкин.

2. “Хидоя” асари мулкий муносабатларни тартибга солишда хусусий мулкнинг дахлсизлиги ва қонун томонидан ҳимоя қилиниши, қонуний мулқдор хуқуқларининг устуворлиги тамойилларидан келиб чиқади. Бироқ, бугунги қонунчиликдан фарқли равишда ислом хуқуқида ноқонуний эганинг ҳам айrim хуқуқларга эгалиги ва бу ҳолат ноқонуний қўлга киритилган молмulkнинг шакли ўзгартирилганда намоён бўлиши “Хидоя”да келтирилган. Қолаверса, “Хидоя” асарини ўрганиш шуни кўрсатадики, амалдаги хуқуқ тизими ва қадимги Рим хукуқидан фарқли равишда ислом хуқуқида ноқонуний эгани иккига, яъни инсофли ва инсофсиз эгалловчига бўлиш тенденцияси мавжуд бўлмаган.

3. “Хидоя” асарининг мазмuni, ундаги ислом қоидаларининг талқини ва ифодалаш услубидан келиб чиқиб, бир вақтнинг ўзида “Хидоя” асарини ислом хуқуки бўйича ёзилган шарҳлар, Олий суд Пленуми қарори ва кўрсатмалари, илмий монография ва қиёсий таҳлилга асосланган юридик энциклопедияга қиёслаш мумкин.

4. Амалга оширилган таҳлиллар натижасида “Хидоя” ва амалдаги фуқаролик ва оила кодексларининг моддалари ўртасида бир қанча боғликларни кўрамиз. Буларга, васий ва ҳомийларга талаб қўйилиши, вояга етмаган шахснинг мулкий хуқуқлари ва улардан келадиган фойда ҳар доим биринчи ўринда эканлиги, ёки, васийларнинг ҳаракатлари юқори турувчи органлар томонидан назорат қилиниши кабиларни мисол сифатида

келтирсак бўлади. Умуман олганда, “Ҳидоя”да ва мусулмон ҳуқуқида мулқдорларнинг ҳуқуқий ҳолати миллий қонунчилигимиз билан ўзаро ўхшаш тарафлари кўплиги билан характерланади. Энг асосийси, ҳар иккаласида ҳам, мулк ҳуқуқи ва мулқдорларнинг ҳуқуқий ҳолати муҳим аҳамиятга эга бўлганлиги ва қонунлар билан ҳимоя қилинганигидадир.

5. “Ҳидоя”да ёзлишича, мусулмонларга тегишли мулкларнинг кўчар(манқул) ва кўчмас (ғайриманқул) турлари ажратилади. Кўчар мулкларга бир жойдан иккинчи жойга кўчиши осон бўлган ҳамда тортиш ва ўлчаш орқали аниқлаш мумкин бўлган мулклар киритилади. Ҳанафий мазҳаби факихлари бир жойдан иккинчи жойга кўчириб бўлмайдиган, кўчириш билан ўз хусусиятини йўқотадиган нарсаларни кўчмас мулклар сирасига киритганлар. Ерга ишлов беришда ишлатиладиган барча маҳсус нарсаларни ҳам кўчмас мулклар сирасига киритганлар.

6. “Ҳидоя” мулк ҳуқуқини муқаддаслигини, ер мулқдори ўз ерига нисбатан мутлақ ҳуқуқларга эгалигини белгилайди. Айни пайтда, ерга нисбатан хусусий мулкчилик “Ҳидояда” белгиланишича, мулқдорга кенг ваколатлар беади. Мулк ҳуқуқи амалда мазкур ер майдонининг сиртига ҳам, унинг остига ҳам, унинг устидаги ҳаво бўшлиғига ҳам эгалик қилиш ҳуқуқини беради (кўшнилар бирорвнинг боғида ўсган дарахтнинг ўз боғи ҳудудига осилиб тушган шохларини кесишга ҳақли; ер майдонига мулк ҳуқуқида эгалик қилувчи шахс унинг устидаги ҳаво бўшлиғини сотиши мумкин).

7. Мол-мулк ва мулк ҳуқуқи билан боғлиқ масалаларни тартибга солишга бўйича тавсиялар ишлаб чиқишида “Ҳидоя”нинг ўзига хос жиҳатларидан яна бири, мулкий муомала турларини тартибга солишида шахсларга иштирокчиларга кенг имкониятлар ва эркинликларнинг берилганлиги, кишилар ўртасидаги муносабатларнинг шарита қонуниятларига ҳамда адолат ва оқиллик мезонларга таянилиши лозимлигидан келиб чиқади. Тегишли низони ҳал этишга оид тавсиялар адолат, оқиллик ва ҳалоллик мезонларидан келиб чиқиб талқин этилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

1. РАҲБАРИЙ АДАБИЁТЛАР.

1. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. -Тошкент: Маънавият, 2008. - 18 б.
2. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма йигилишида сўзланган нутқ // Халқ сўзи, 2010 йил 13 ноябрь.
3. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир.-Т.15. -Т.: Ўзбекистон, 2007. Б.7.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент.: Ўзбекистон, 1998. -686 б.
5. Каримов И.А. Ҳамкорлик, тараққиёт ва хавфсизликни таъминлаш йўлидан // Халқ сўзи, 2010 йил 21 сентябрь.
6. Каримов И.А. БМТ Мингийиллик ривожланиш мақсадларига бағишлиган саммити ялпи мажлисидаги нутқи // Халқ сўзи, 2010 йил 22 сентябрь, 1-2-б.
7. Каримов И.А. Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгаши 43-йиллик мажлисининг очилиш маросимидағи нутқи. 3 май 2010 йил // www.press-service.uz
8. Каримов И.А. 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиган Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 январда бўлиб ўтган мажлисидаги “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” маърузаси. /Халқ сўзи, 2010 йил 30 январь.

9. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

10. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш - тараққиётимизнинг муҳим омилидир. Конституцияси қабул қилинганинг 18 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги маъруzasи. // Халқ сўзи, 2010 йил 8-декабрь.

11. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қиласи. Президент Ислом Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилда мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишлиланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруzasи. // Халқ сўзи, 2011 йил 22-январь.

12. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруzasи // Халқ сўзи, 2010 йил 13 ноябрь.

13. Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва модиернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир / Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги маъруза // Халқ сўзи, 2011 йил 8 декабрь.

2.Норматив-хуқуқий хужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган (Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрдаги, 2003 йил 24 апрелдаги, 2007 йил 11 апрелдаги, 2008 йил 25 декабрдаги қонунларга мувофиқ киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар билан)

- // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси.
– 2008. – № 12. – 637-модда.
2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Расмий нашр. –
Тошкент: Адолат, 2011.
3. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси. Расмий нашр. –Тошкент:
Адолат, 2007.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Конунига
ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида . 10 модда, 1 қисм.(Тошкент
шахар, 2000 йил, 14 декабр).
5. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш
органлари тўғрисида”ги қонуни.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида Мулкчилик
тўғрисида”ги қонуни.
7. Ўзбекистон Республикасининг Хусусий корхоналар тўғрисидаги қонуни. /
Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2004 йил 3-сон, 28-
модда.

3. Махсус адабиётлар

1. Аль-Бухари. Сахих.-Эр-Рияд, 1999. – С.27.
2. Антология мировой правовой мысли: В 5 т. Т. I. Античность и восточные
цивилизации. – М.: 1999. – С.688.
3. Ахмеджанов У. М. Институт собственности в мусульманском праве. 1963.
-13-14 с.
4. Аҳмад Иса Ошур. Ал-фикаҳул мұяссар фил мұомалот(Фуқаролик ҳуқуқи
бўйича енгил фикҳ). -Байрут, 1996.-35-38-б.
5. Боймирзаев Р. Мусулмон ҳуқуқи. Маъruzalар матни. Ҳуқуқшунослик
факультети. 2006.
6. Бурҳониддин Марғиноний. Ҳидоя.2-жилд.-Қозон, 1905.-266-б.
7. Бурҳониддин Марғиноний. Ҳидоя.3-жилд. Ижара китоби. -Қозон, 1904
(араб тилида)

8. Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи: Дарслик. I қисм. Қайта ишланган ва тўлдирилган бешинчи нашр.-Тошкент: ТДЮИ, 2009. - 53 б.
9. Имомов А.Ф. Фуқаролик ҳуқуқида муддатлар ва даъво муддати. – Т.:ТДЮИ, 2005,-45 б.
- 10.Исхаков С.А. Бурҳонддин Марғиноний ва фикҳ илми. -Тошкент: 2000. – С.63-72.
- 11.Исхаков С.А. Ислом фуқаролик ҳуқуқи асослари: Ўқув қўлланма.-Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2005.-84 –бет.
- 12.Исҳоқов С. Бурхонуддин Марғиноний ва фикҳ илми. –Тошкент: Адолат, 2002. - 95 б.
- 13.Караходжаева Д.М. Проблемы развития и совершенствования законодательства о праве собственности юридических лиц в Республике Узбекистан: Дис. ...докт. юрид. наук. – Т.: ТГЮИ, 2008. – С.40.
- 14.Торнау Н. Изложение начал мусульманского права. -СПб, 1850. -С.216.
15. Қориев О. Ал Марғиноний машҳур фиқҳшунос. -Тошкент: Ҳалқ мероси, 2000. –Б.31-40.
16. Қориев О.А. Фарғона фиқҳ мактаби ва Бурҳониддин ал -Марғиноний. - Тошкент: Фан, 2009.
- 17.Куръони Карим /Таржимон ва муаллиф Алоуддин Мансур. – Тошкент: “Чўлпон”, 2001. - 59 б.
- 18.Маргинани Бурхануддин. Хидоя. Комментарии мусульманского права. В 2 ч. Ч. 1. -М.: Волтерс Клювер, 2008. -С. 552-553.
- 19.Маргинани Бурхануддин. Хидоя. Комментарии мусульманского права. В 2 ч. Ч. 1. -М.: Волтерс Клювер, 2008. – 193 с.
- 20.Мухаммадиев А.А. Фуқаролик ҳуқуқи тамойилларининг назарий ва амалий муаммолари. –Тошкент: ТДЮИ, 2011.- 35.б.
- 21.Рахманов А. Сущность договоров и обязательств в исламском праве и национальном законодательстве республики Узбекистан. -Тошкент:Академия МВД Республики Узбекистан, 2005. – 288 с.

- 22.Рахманов А. Сущность договоров и обязательств в исламском праве и национальном законодательстве республики Узбекистан. –Тошкент: 2005. – 67 с.
23. Рахманов А., Рахманов Абдумухтор. Ислом ҳуқуқи. -Тошкент: ТДЮИ, 2007. - 225 б.
- 24.Рахманов А.Р. Ислом ҳуқуқида шартнома ва мажбуриятлар ҳамда миллий қонунчилик (қиёсий ҳуқуқий таҳлили) : Тарих фанлари доктори. Дис. Автореф. –Тошкент: 2008 -23 б.
- 25.Раҳмонқулов X. Эволюция права собственности (проблемы собственности сравнительное исследования). -Тошкент: Адолат, 1995. -34 б.
26. Раҳмонқулов X.Р. Фуқаролик ҳуқуқ объектлари. –Тошкент: ТДЮИ, 2009. – 24 б.
27. Садагар М.Н. Основы мусульманского права. -М.: 1968. -С.45-60.
- 28.Ўзбекистон Республикаси конституциясига шарх. -Тошкент: "Ўзбекистон" НМИУ, 2008. - 159 б.
- 29.Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодий назария. -Тошкент: Мехнат. 1995. -133 б.
- 30.Шарль Р. Мусульманское право. Пер. с франц. С.И.Волка. Под ред. и о предисл. Е.А.Беляева. - Москва: Изд-во «Иностранная литература», 1959. - С.6.
- 31.Эргашев В.Ё. Ўзбекистон Республикасида мулк ҳуқуқининг долзарб муаммолари ва ривожланиш истиқболлари. -Тошкент: ТДЮИ, 2009. -69 б.